

Б.Ш.РИЗАЕВ.

МУҲАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Наманган-2006

Маърузалар матнида Ернинг геологик тузилиши тўғрисида умумий тушунча, минераллар, тоғ жинслари тўғрисида маълумотлар келтирилган, булардан ташқари, геологик йилнома, тектоник ҳодисалар, сейсмик районларда қурилиш ишлари, ер ости сувлари, уларнинг ҳаракатланиш қонуниятлари, табиий геологик ҳодисалар, муҳандислик - геологик жараёнлар баён этилган.

Саноат корхоналари ва турар жойлар учун олиб бориладиган муҳандислик - геологик қидирув ишлари курс режасига асосан ёритилган.

шунингдек, тоғ жинсларининг физикавий - механикавий хусусиятларига ҳам тўхталиб ўтилган.

Бу маърузалар матниси, асосан, Олий ўқув юртларининг қурилиш йўналиши бўйича таълим олаётган талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан муҳандис - техник ходимлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар: Наманган коммуналтамирлойиҳа бюроси директори,  
техника фанлари номзоди, Н. Р. Хожиев  
Наманган муҳандислик - педагогика институти доценти,  
техника фанлари номзоди З. Бузруков.

## К и р и ш

Мустақилликка эришиб, юксалиш сари олға интилаётган мамлакатимиз - Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларида бири - биридан чиройли бинолар, саноат корхоналари, мұхандислик иншоотлари қад күттармоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини ўстиришда чет эл инвестицияларини кириб келиши сабабли күплаб бинолар ва саноат иншоотлари жағон андозаларига жавоб берін оладиган даражада қайта қурилмоқда. Табиийки иншоотларнинг мустаҳкамлиги, чидамлилиги, бино қурилаётган майдоннинг геологик тузилишига күп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Геология юонча сўз бўлиб, ўзбек тилида гео - ер, логос - фан маъноларини беріб, ернинг қаттиқ қатламлари ҳақидаги фандир. Геологлар - ернинг қаттиқ қисми бўлган литосферани ташкил этувчи тоғ жинсларини ўрганиш билан бир қаторда, ундаги бўладиган жараёнларни текширади. Геологиядан олган билимларимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўл келмоқда. Нефт, газ, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қидириб топиб, қазиб чиқариш шулар жумласидандир. Геология фанининг ривожланиб бориши билан, унда турли илмий йўналишлар мустақил бўлиб, ажралиб чиқа бошлади. Геология ҳозирги тараққиёт даврида қўйидаги фанлар билан узвий боғлангандир.

**Умумий геология** - Ердаги ташқи ва ички жараёнларнинг содир бўлиш, ривожланиш ва сўниш қонуниятларини ўрганади.

**Минералогия** - Ердаги ҳосил бўладиган химиявий бирикмалар - минераллар ҳақидаги фан бўлиб, уларнинг ҳосил бўлиш таркиби ва қурилиш хоссаларини ўрганади.

**Петрография** - Тоғ жинслари, таркиби, келиб чиқиши, ётиш шароити ва тарқалиш қонуниятини ўрганувчи фандир.

**Тарихий геология** - Ернинг узок ўтмиши тарихини ва ер қобигининг ривожланиш қонуниятларини ўрганувчи фан бўлиб, ўзига **стратиграфия** ва **палеогеография** илмларини бирлаштиради.

**Кристаллография** - моддаларнинг кристаллик ҳолати ва кристаллик панжарасини ўрганувчи фан. Моддаларнинг кристаллик тузилишини ўрганиш, қурилиш материалларининг технологиясини билиш учун зарурдир.

**Палеонтология** - Ўтмишда яшаган ва тоғ қатламлари орасида қолиб, тошга айланган ўсимлик (Флора) ва ҳайвон (Фауна) қолдиқларини ўрганадиган фан.

**Геофизика** - Ер қатламларидаги жинсларнинг физикавий хусусиятларини ўрганадиган фан. Замонавий электрометрия, сейсмометрия усуллар билан қурилиш майдонларидаги тоғ жинсларининг ток ўтказиш қаршиликлари ўзгариши, тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги, магнитланиш хусусиятлари, радиоактивлиги, зичлик хоссалари аниқланади.

**Тектоника** - тоғ жинсларининг ётиш шаклини, яъни нишаблик билан ёки узилмали, бурмали ҳолларини ўрганади. +урилиш ишлари олиб бориладиган, зилзилали ҳудудларда **тектоник** шароитни ҳисобга олиш мұхим бўлиб, бино ёки иншоотлар қисмлари зилзила оқибатида тектоник ёриқлар бўйича, бир -

бирига нисбатан силжиши туфайли шикастланиши ёки вайрон бўлиши мумкин.

**Геоморфология** - Ерни сатҳий шакллари, тоғликларни ҳосил бўлиши даврлари ва йўлларини ўргатадиган фан.

**Гидрогеология** - Ер остида тўпланадиган сувлар ҳақидаги фан бўлиб уларнинг ҳосил бўлишини, ҳаракатланиш қонуниятини, таркибини, қидириб топиш усулларини ўрганади.

**Муҳандислик геологияси** - Фаннинг вазифаси қурилиш майдонининг геологик шароитини ҳисобга олиб, иншоотнинг чидамлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашдир. Муҳандислик геологияси фани қўйидаги бўлимларга бўлинади:

**Грунтшунослик** - Грунтларнинг таркиби ва хоссаларини ўрганади; грунтлар механикаси - грунтлар мустаҳкамлиги ва бардошлигини ўрганади; геологик - жараёнларни ўрганувчи маҳсус муҳандислик геологияси, муҳандислик гидрогеологияси; муҳандислик гидродинамикаси - табиий геодинамик жараёнлар (сурилишлар, жарликлар, селлар, эрозия, музли грунтларни ўрганиш) шунингдек одамларнинг иш фаолиятлари туфайли қурилишда ҳосил бўладиган жараёнларни ўрганади.

Муҳандислик геологияси ривожланиши XIX аср охирида бошланиб, бу вақтда кўплаб йирик муҳандислик иншоотлари қурилиши бошланган эди. XX асрнинг 20 - 30 йилларига келиб, муҳандислик геологияси маҳсус илмий йўналиш бўлиб шаклланди. Муҳандислик геологияси фанининг ривожланишида, мураккаб табиий шароитда бўлган, Волхов, Днепр, Свир, +уйбишев, Каҳов электростанцияларининг, Балтика - Беломор, Волга - Дон каналлари, шунингдек Москва, Ленинград, Киев ва Тошкент шахри тоннелларининг қурилиши асос бўлиб хизмат қилди.

Маърузалар матнида геологик жараёнларга муҳим ўрин берилган бўлиб, қурувчилар буни билишлари керак, чунки ҳозирги шароитларда геологик жараёнлар, шаҳарларда, сув омборлари ва қазилмагоҳли ҳудудларда фаоллашиб бормоқда. Ер ости сувлари босган ҳудудлар кенгаймокда, қирғоқларда сурилишлар, ўпирилишлар рўй бермокда. +ўлланмада шунингдек ер ости сувларига ҳам етарли аҳамият берилган.

+урилиш йўналиши бўйича битирган бакалаврлар муҳандислик тармоқлари иншоотлари қуриладиган майдоннинг геологик - литологик тузилишини, грунтларнинг турларини, таркиби, физик - механик хусусиятларини билиш билан бир қаторда ер ости сувлари, уларнинг пайдо бўлиши, ҳаракат қонуниятларини ва улар билан боғлиқ бўлган геологик жараёнлар ва ҳодисалар турларини билиши керак. Бўлажак қурувчи мутахассис қурилиш майдонининг геологик шароитларини қуриладиган иншоот мустаҳкамлиги ва чидамлилига таъсирини тахлил қила олиши шартдир.

## 1 - Боб

### Ер ҳақида умумий маълумотлар

#### 1.1. Ернинг келиб чиқиши, ер шарининг шакли

Ер +үёш системасидаги планетадир. +үёш системаси марказида - секин айланётган юлдуз - қуёш жойлашган бўлиб, унинг атмосфераси ҳарорати  $5700\text{K}$ , марказида эса -  $5 \cdot 10^6$ . К га яқин. +үёш атрофида 9 планета айланиб турари ва уларни 2 гурухга ажратиш мумкин:

Ички планеталар - Меркурий, Венера, Ер ва Марсдир.

Ташқи планеталар - Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун, Плутондир.

+үёш системасига кўп сонли кометалар киради ва улар +үёш системасининг чеккаларида тарқалган бўлади.

+үёш системаси ва ернинг келиб чиқиш муаммоси табиатни билиш соҳасидаги муҳим саналиб, ерда инсон ва ҳаётни пайдо бўлиши муаммолари билан бир хилдир. +адим замонларда ерни пайдо бўлиши ҳақида диний тушунчаларгина мавжуд эди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида планеталар системасининг вужудга келиши ҳақида дастлабки моддиюн гипотезалар пайдо бўлди. Бу гипотезалар ернинг суюқ - қизиган тумандан ҳосил бўлганлигини тушунтириб, унинг аста-секин совиши натижасида юқори қавати аста қотиб, қаттиқ қисмга айланиб унинг остки қисмida суюқ - қизиган масса бўлиши мумкин деб тушунтиради. XX асрдаги космик, геологик, геофизиковий ва бошқа фундаментал фанларни янгиликлари бу гипотезани тўғри эмаслигини исботлади. Хозирги даврдаги космосни илмий тадқиқот қилиш туфайли фақатгина ер ҳақида эмас, балки +үёш системасидаги бошқа планеталар ҳақида ҳам етарли маълумотга эга бўлинди. Ер шакли мураккаб, номунтазамдир. Эрамиздан 530 йил аввал Пифагор ерни шар шаклида деган эди. Лекин, шунга карамасдан, Ернинг шарсимонлиги фанда Магеллан саёҳати (1519 - 1523 йиллар) дан кейингина тасдиқланди. XVII асрнинг охирида И. Нютон ва X. Гюйгенслар фикрича ер айланишда марказдан кочма куч таъсирида қутб ўклари, экватор ўкларига нисбатан қиска бўлиб, шакли эллипсоидга яқин деб топдилар.

Текширишлар шуни кўрсатдики, экватор радиуси қутб радиусига қараганда  $21,38$  км га қисқа бўлиб, ернинг шар шакли қутбларда ўзгарган бўлиб, эллипсоид шаклига яқиндир.

Ернинг эллипсоид айланба бўйича ўлчами:

Катта ярим ўқ (экватор радиуси) -  $6378,24$  км

Кичик ярим ўқ (қутб радиуси) -  $6356,86$  км

Ўртача радиус (тeng ҳажмли шар)-  $6371,1$  км

Ер юзаси майдони -  $5,1 \cdot 10^8 \text{ км}^2$ ;


Ҳажми -  $1,083 \cdot 10^{12} \text{ км}^3$ ;

Массаси -  $6 \cdot 10^{24} \text{ кг}$ ;

Охирги йилларда олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, ернинг юзаси маълум бўлган геометрик шаклларнинг бирортасига ҳам туғри келмайди, у ўзига хос шаклга эга. +уруқликларнинг кўтарилиганини, денгиз ва океанларнинг чўкканлиги, Ер юзасининг ўзига хос - геоид - шаклига шартли мос деб олинди.

## 1.2. Ер шарининг тузилиши, таркиби

Ернинг тузилишини ўрганиш, катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Ерда содир бўладиган зилзилаларни, ерни массасини ва зичлигини ўрганиш асосида, ернинг ядро, (ўзак), оралиқ қобиқлари, мантия ва ернинг пўсти -



1.1-расм. Ернинг

литосферадан тузилганлиги маълум бўлди. (1.1-расм.)

Ернинг устки қисми, сув қобиғи (гидросфера), биосфера, (организмлар яшаш сфераси) ва атмосферадан иборат. Бурғ қудуқлар ёрдамида ернинг энг чукур ковлангани 12 км бўлиб, (Кола ярим оролида) ундан чуқурроқ қисмини фақат маҳсус физикавий усул билан ўрганиш мумкин.

Ер шарини ташки томондан ўраб тўрган биринчи қатlam - атмосфера ёки ҳаво қатлами бўлиб, қалинлиги 500 дан 3000 км гача бўлиши мумкин..

Атмосфера уч қатlam - тропосфера, стратосфера ва ионосферадан тузилган. Тропосфера - атмосферанинг ерга яқин қисми бўлиб, қалинлиги 6 км (қутбда) ва 15-18 км (экваторда) га teng. Ер юзасидаги энг юқори харорат Ливияда бўлиб, (сояда  $58^{\circ}\text{C}$ ), Ўзбекистонда, Термизда (сояда  $50^{\circ}\text{C}$ ), энг паст кузатилган совуқ эса Антарктида ( $-87^{\circ}\text{C}$ ) ва Ёқутистонда ( $-71^{\circ}$ ) кузатилади.

+уи қатламларда «Температура инверсияси» бўладиган (ҳарорат ортиб борадиган) жойларни ҳисобга олмагандан, температура пасайиб боради ва минимумга етади, ундан юқорида эса температура яна бир оз кўтарилади ва ўрганилган баландликка қадар деярли ўзгармайди.

Ер сиртидан кўтарилган сари босим қуйидагича ўзгаради:

Баланд- лик км	0	1	2	3	4	5	6
Босим, атм	762,0	614,9	596,5	526,1	462,7	406,5	200,5

Трапосферадан кейин стратосфера қатлами келади

**Стротосфера** юқори қатlam бўлиб, қалинлиги 80-90 км га teng. Унинг пастроқ 30-33 км баландлигига эса, озон қатлами учрайди, температура  $+50^{\circ}\text{C}$  га етади, аммо 80-90 км баландликда температура яна пасайиб,  $-60-90^{\circ}\text{C}$  га тушиб қолади.

Босим жуда кичик ва ҳароратнинг ҳаддан ташқари пастлиги туфайли атмосферанинг юқори қатламларини ўрганиш жуда ҳам мураккаблашади.

Кейинги қатlam - **ионосфера** - атмосферанинг энг юқори қатлами бўлиб, бу сферада зичлик кичик бўлиб, газлар ионлашган, 220 км юқорида температура минус бир неча  $100^{\circ}\text{C}$  га етади. Катта метеоритлар атмосферанинг зичроқ қисмларида 100-160 км баландликда ёниб, ёп-ёруғ бўлиб кўринади, 80-83 км баландликда пат-пат булутлар кўринади, улар сувнинг тўйинган буғи бўлса керак. 80-100 км да ёруғ шафак қутблари кўринади, 3000 км дан сўнг планеталар аро фазога ўтиб кетади.

Бутун атмосферани химиявий таркиби жиҳатидан 4 та қатламга бўлиш мумкин. Ер юзасига яқин тўрган қуи қатlam азот - кислород қатлами дейилади. Ле -Дюк ҳисобига кўра, бу қатламда қуйидаги микдорда газлар ҳосил бўлади ( масса жиҳатидан): - азот (N) - 75,5 %, кислород (O) - 23,3%, инерт ва бошқа газлар - 1,3%. Юқорида 70 км дан юқорироқда кислород бўлмайди, бу қатlam соғ азот қатламидир. Унинг қалинлиги 110 км гача боради, ўша жойдан бошлаб гелий қатлами бошланади ва у 220 км гача боради, ундан юқорироқда эса водород қатлами бошланади.

Иккинчи қатlam - сув қобиғи - гидросфера бўлиб, у сув ҳавзалариdir. Гидросферанинг умумий ҳажми 1370,3 млн  $\text{km}^3$ . Асосий сув ҳажми 98%, океан ва денгиз сувларига тўғри келади. Ер юзасининг 70,8% сув, 20,2 % ни қуруқлик ташкил этади. Хозирги вақтда Атлантика океанинг ўртacha чукурлиги 3,32 км га teng, Хинд океанининг ўртacha чукурлиги – 3,89 км ва Тинч океанининг ўртacha чукурлиги – 4,03 км деб қабул қилинган. Аммо Тинч океанининг энг чукур жойи – 11 км дан ортиқдир.

Гидросферанинг асосий химиявий таркиби қуйидагичадир: Кислород (O) – 85%, водород (H) - 10,7%, хлор (Cl) – 0 - 2,0%, натрий (Na) – 1,0%.

Ернинг қаттиқ қисми литосфера деб аталиб, баъзан уни ер пўстлоғи деб аташади.

Литосфера ернинг қаттиқ қобиғи бўлиб, планетамизнинг сиал ва сима зоналарини ўз ичига олади. Литосфера юзасидаги нотекисликлар унинг рельефини ташкил қиласди, океан чўқмалари ва материклар массалари литосфера рельефининг асосий элементларидир. Шокальский ҳисобларига кўра, қуруқликнинг денгиз сатҳидан баландлиги 900 м ташкил қиласди.

Литосфераанинг химиявий таркибини ўрганиш соҳасидаги барча ишлар А.П.Виноградовнинг 1950 йилда қилган ҳисобига кўра 16 км чукурлик учунгина олиб борилмоқда. Бунда литосферадаги минераллар таркибида кислород - 46,8%, натрий - 2,6%, кремний - 27,3%, калий - 2,6%, алюминий - 8,7%, магний - 2,1%, темир - 5,1%, кальций - 3,6% эканлиги аниқланди.

Материкларнинг сатҳида пастликлар ва баландликлар, ясси тоғлар, тоғизмалари, тоғлар, тепаликлар бор.

Литосфераада 3 хил қатлам жойлашган. Энг устки қатлам чўкинди жинслар, ўртада гранит ва энг остида базалт қатлами жойлашгандир.

**Чўкинди жинслар қатлами** - магматик йўл билан ҳосил бўлган жинсларнинг емирилиши ва қайта ётқизилиши маҳсулотидир. Унинг қалинлиги - қуруқликда 0 дан 10-15 км гача, океанда эса ўртача 0,3 - 0,5 км, баъзан 1 км гача боради. Жинсларнинг ўрта зичлиги  $1,8 - 2,5 \text{ г}/\text{см}^3$ .

**Гранит қатлам** - +уруқликда унинг қалинлиги 30 - 40 км га етади. Океанларда эса бу қатлам бўлмаслиги ҳам мумкин ёки бўлсада, қирғоқ олди ерларда 0,4 - 0,5 км баъзан 1-2 км га етади. Бу қатлам жинслари қумтупроқ ва алюминийга тўйинган бўлиб, гранит, гранодиорит, гнейс ва бошқа магматик ва метаморфик жинс кўринишларида учрайди. Жинсларнинг ўртача зичликлари  $2,7 \text{ г}/\text{см}^3$  га teng.

**Базалт қатлам.** Базалт қатламининг қуруқликдаги қалинлиги 30-35 км, океанда эса 5 - 6 км га teng. Унинг зичлиги  $2,7 - 2,9 \text{ г}/\text{см}^3$  гача ортиб боради. Таркибида қумтупроқ камроқ бўлади. Базалт, габбро каби тоғ жинслари шу туркумларидандир.

Ер қобиғи, литосферанинг ўртача зичлиги  $2,7 \text{ г}/\text{см}^3$ . Уни ташкил этувчи элементлардан асосийлари: кислород, кремний, аллюминий, темир, калий, натрий, кальций, ва магнийдир. Ер ичига кириб борган сари кислород, кремний, аллюминий ишқорли металлар камайиб боради, темир, магний ва оғир металлар: жумладан, никель миқдори ошиб боради.

Мантия қисмининг жинслари таркибида темир, магний, хром кобалтлари бўлади. Мантия моддаларининг таркиби ўта асослиги билан ажralиб туради: дунит, перидодит, зичликлари 3 - 3,3 дан  $\text{г}/\text{см}^3$  (юқори мантия)  $5,9 \text{ г}/\text{см}^3$  гача (қуий мантия).

Мантия қисмida юқори босим ва ҳарорат бўлиб, уни ҳолати қаттиқ моддага яқиндир.

Ядро (ўзак) - 3500 км радиусда жойлашган. У ички ва ташки сфераларга бўлинади. Зичлиги  $9 - 11 \text{ г}/\text{см}^3$  га яқин. Ҳозирда унинг таркиби тўғрисида

аниқ фикр айтилмаган. Баъзи бир тахминларга кўра, ядро зич жойлашган темир, никел ва бошқа оғир металлардан ташкил топгандир. Унинг ҳарорати  $2000 - 2550^{\circ}\text{C}$ , босими эса 3,5 млн атмосферага яқин деб тахмин қилинмоқда.

### 1.3. Ернинг иссиқлик режими


Ер иккита иссиқлик манбаига эга: +уёш радиациясининг энергияси (90,5%) ва радиоактив элементларнинг ер қаърида парчаланишдан ҳосил бўладиган энергия.

Ер қобиғининг юқори қисмида З температурали зона ҳосил бўлади.

I - Мавсумий ўзгаришлардан ҳосил бўлган зона

II - Доимий температуралар зонаси

III - Ошиб борадиган температуралар зонаси  
(1.2 расм)



1.2-расм. Ер ичида

I - зонадаги ҳароратлар ўзгариши худудлардаги климатик шароитларга боғлиқ бўлади. Ўрта кенглик минтақаларда жойлашган худудлар учун а - эгри чизиқли (ёз пайти) в б - эгри чизиқли (қиши) характеристидир. I- зона умумий қалинлиги -12-15 м га teng, қиши мавсумида ҳарорат  $0^{\circ}$  дан тушиб кетганда I -A - зонача ҳосил бўлади. I -A- зоначанинг қалинлиги ёки бошқача айтганда музлаш чуқурлиги мавсумга, иклимга, тоғ жинсининг турига боғлиқ бўлиб, бир неча см дан 2 м ва ундан кўпроқ бўлиши мумкин. Илиқ мўътадил иқлимли минтақаларда, I зона факат а - эгри чизиғи билан характерланади. Ернинг қаърига чуқурлашганлик сари температуранинг мавсумий ва кунлик ўзгаришлари таъсири суистлашади ва 15-40 м чуқурликда доимий ҳароратли зона жойлашиб, ушбу худуддаги ўртacha йиллик ҳароратга teng бўлади.

Шимолий ярим шарда  $+15,5^{\circ}\text{C}$ , жанубий ярим шарда эса  $+13,6^{\circ}\text{C}$  га teng бўлади. III зона оралиғида чуқурлашган сари, ҳарорат ортиб бораверади. Ҳар 100 м га чуқурлашган сари ҳароратнинг ортиб бориш қиймати - геотермик градиент деб аталиб,  $1^{\circ}\text{C}$  га температура ошиб борадиган чуқурлик ўзгариш қиймати - геотермик босқич деб аталади. Бу босқичнинг ўртacha қиймати 33 м га teng. Вулқонли фаолият кўп бўладиган жойларда ер ости эриб, қизиган магмалар ҳарорати туфайли геотермик босқич 5 - 7 м га тушади. Масалан, ер юзасининг турли минтақаларида геотермик босқичнинг ўртacha қиймати куйидагига teng: Бокуда - 26 м, Донбассда - 28 - 33 м, Харьковда- 37,7 м, Москвада - 38,4 м, Тошкент туманида -35,5 - 37м, +изилқумда - 29 - 33 м. Температуранинг чуқурлик ўзгариши билан ошиб бориш конуси 3 - 5 км гача таъсир этади. Ер қобиғининг энг чуқур жойлари ва мантиянинг юқори қисмларидаги ҳароратни лава ҳароратига қараб аниқлаш мумкин - у тахминан

1500<sup>0</sup> С атрофида бўлади. Ҳозирги замон маълумотларга кўра Ер ядросининг ҳарорати 2000 - 2500<sup>0</sup>C, босими 3,5 млн.атм.га тенг.

## **2-Боб.**

### **Минераллар**

#### **2.1. Минераллар ҳақида умумий тушунча.**


Ер қобиғида, гидросферада, атмосферада бўлиб турадиган хилма - хил физика - химиявий жараёнлар туфайли вужудга келган табиий химиявий бирикмалар ёки соф элементлар **минераллар** деб аталади. Минераллар табиатда қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатда учрайди. Ҳозирги даврга келиб табиатда минералларнинг 3000 дан кўпроқ хили учрайди. Лекин табиатдаги тоғ жинслари таркибида ҳамма минераллар ҳам учрайвермайди. Тоғ жинслари таркибига киравчи минералларни жинс ташкил этувчи минераллар деб аталади. Табиатда кўпчилик минераллар литосферада тарқалган қаттиқ тоғ жинсларини ташкил қиласди. Кварц, дала шпати, слюда, кальцит, шулар жумласидандир. Сув, нефт ва табиатда жуда кўп учрайдиган соф симоб каби табиий суюқ моддалар ҳам минераллар қаторига киради. Ниҳоят вулқонли районларда ернинг ёриклиаридан чиқадиган табиий газлар, масалан, карбонат ангидрид, сульфат ангидрид ва бошқаларни ҳам минерал деб аташ мумкин.

Тоғ жинси ҳосил қилувчи минералларни пайдо бўлиши, белгиларини, таркиб ва хоссаларини билмасдан туриб, тоғ жинсларини ўрганиб бўлмайди.

#### **2.2. Минералларнинг кристалл тузилиши.**

Минералларни ўрганиш билан - минералогия фани шуғулланади, кристалл ва кристалли бирикмаларни - кристаллография фани ўрганиб, кристалларнинг симметрияси, шакли ва тузилиши геометрияси билан шуғулланади. +аттиқ минераллар табиатда кристалл моддалар кўринишида, номунтазам, донадор, кўп ёқли шаклларда, ёхуд яхлит кўринишда учрайди. Камдан - кам ҳолларда эса минераллар аморф ҳолида учраб, шаклсиз массаларни ҳосил қиласди. Кристалл кўринишидаги моддаларнинг (минералларнинг) асосий хусусияти, улар таркибидаги атом ва ионларнинг қаттий гурухлар бўйича фазода жойлашиб, кристалл тўрларни ҳосил қиласди. Геометрик кристалл тўр, бир - бири билан зич боғланган кўп ёқлилар (кублар, октаэдрлар, параллелопипедлар, ромблар) дан иборат бўлиб, уларнинг учлари, марказлари ёки томонларининг ўрта қисмида аниқ масофада атомлар (ионлар) жойлашган бўлади. Кристалл тўрининг тузилишидан минераллар кристалларининг геометрик шакли келиб чиқади.


Масалан: ош тузи (галит) - куб шаклида, тоғ хрустали - призма шаклида (2.1-расм).



2.1-расм Айрим минералларнинг кристал турлари.

А – ош тузи, Б – олмос, В - графит

Кристалларда ёклари, қирралари ва учлари бўлади (2.2-расм).



Кристалларда ёклари, қирралари ва учлари сони ҳамма кристалларда турлича бўлади. Кристалларда симметрия ўқлари бўлиб, уни ўқ бўйича айлантирилганда, қирраларини бир - бирига мос тушишидир.


Масалан; 6 қиррали мунтазам призмани ўз ўки атрофида ҳар  $60^{\circ}$  га айлантирилса унинг қирралари, ёклари ва учлари дастлабки ҳолатига мос тушади. Демак бу кристалл

симметрик тузилгандир.

2.2-расм.  
минераллар

Айрим  
минераллар

Симметрия текислиги эса кристалларнинг teng иккига бўлувчи хаёлий текислик билан ифодаланиб, Р - ҳарфи билан белгиланади ва ниҳоят симметрия маркази бўлиб, кристалл ичидаги нуқта билан белгиланиб, - тўрнинг чекланган элементлари (параллел кирралар, учлар) дан баравар узоқликда жойлашган бўлади (2.3 – расм).



2.3-расм. Симметрия текис-ликлари ва маркази

Ўқ текисликлари ва симметрия марказлари симметрия элементи деб аталади. Кристалларда симметриянинг 32 хил кўриниши бўлиб, 7 гурухга ёки

кристаллографик сингонияларга ажралади. Улар триклиник, моноклиник, ромбик, тригонал, тетрагонал, гексагонал, куб сингониялардир. Улар муракаблик жиҳатидан қуи, ўрта ва юқори сингонияларга бўлинади. Бу сингонияларга киравчи минераллар кристалларида ёқлар, текислик, марказ ва ўқлар сони ифодаланган ва бир минерал иккинчисидан шу билан фарқ қиласди.

### **2.3. Минералларнинг физикавий хоссалари.**

Минералларнинг асосий физикавий хоссалари қаттиқлиги, зичлиги, бирикканлиги, синиши, ялтироқлиги, рангидир. Улар минералларнинг химиявий таркиби ва кристал панжараларнинг тузилишига боғлиқ бўлади.

**+аттиқлиги.** Минералларнинг қаттиқлиги унга бирор қаттиқрок бўлган модданинг ботиб киришига қаршилиги тушунилиб, қаттиқлиги маълум бўлган минерал ёки предмет билан тирналиб аниқланади. Минералларнинг қаттиқлигини Моос шкаласи бўйича аниқланиб, унда қаттиқлиги 1 дан 10 гача бўлган минераллар қаттиқлик навбати билан жойлашгандир.

№	Минераллар	Моос қаттиқлик шкаласи	+аттиқлик микдори кг/см <sup>2</sup>	+уйидагилар Ишлатиб Аниқланади.	Минераллар- Нинг қаттиқ- Лик группаси
1.	Тальк	.1	2,4	Тирноқ билан Чизилади	Юмшоқ
2.	Гипс	2	36,0	Пичноқ билан Чизилади	Ўртacha +аттиқ
3.	Кальцит	3	109	Пичноқ билан Чизилади	
4.	Флюорит	4	189,0		
5.	Апатит	5	536,0	Пичок билан Чизилади	
6.	Ортоклаз	6	796,7	Ойна билан Тирналади	+аттиқ
7.	Кварц	7	1120,0	Ойнани Кесади	Жуда +аттиқ
8.	Топаз	8	1427,0		
9.	Корунд	9	1660,0		
10.	Олмос	10	2060,0	Ойнани Кесади	

Минерални қаттиқлигини аниқлаш учун уни эталон - минералнинг уни билан тирнаб кўрилади. Агарда устида из тушиб қолса, демак текширилаётган минерал, эталон минералидан юмшоқроқ экан, агар из қолмаса қаттиқрок саналади.

+аттиқликлари бўйича минералларни: юмшок қаттиқлиги (2 гача), ўртача (5 гача), қаттиқ (5 - 8 гача) ва жуда қаттиқ (8 дан катта) бўлиши мумкин. Энг қаттиқ минерал - олмосдир. Корунд ҳам ўз навбатида қаттиқлиги 9 га тенг бўлган ягона минералдир.

**Зичлиги.** Минералларнинг зичлиги ҳар - хил: 0,5 дан  $21 \text{ г}/\text{см}^3$  гача бўлиши мумкин. Минераллар зичлигига кўра қўйидаги гурухларга бўлинниши мумкин:


Енгил минераллар - зичлиги  $2,5 \text{ г}/\text{см}^3$  дан кичик (гипс, ош тузи).

Ўртача енгил минераллар - зичлиги  $2,5 - 4,0 \text{ г}/\text{см}^3$  (кварц, дала шпати, олмос, шох алдамчиси).

Оғир минераллар - зичлиги  $4 \text{ г}/\text{см}^3$  дан юқори (цинк алдамчиси, пирит, қизил темиртош).

Жуда оғир минералларга - галенит, киноварь, барит, церуссит киради.

**Бирикканлик.** Бирикканлиги хоссаси - минералларнинг қўшилиши жойидан текис параллел юза бўлиб ажралишидир(2.4-расм).



2.4-расм.

Бу хоссаси жиҳатидан минераллар: ўта мукаммал, мукаммал ва номукаммал бирикиши мумкин.

**Синии** - Минерал ёрилганда, синдирилганда ҳосил бўлган юзанинг шакли (текис ёки нотекислиги) минералнинг синиш хоссаси деб аталади. Синишнинг, ғудур кўриниши - кварц, опал ва бошқа минералларда кўзга ташланиб, чиганокнинг ички юзасини эслатади.

Чўкиртош синишда - минералнинг синган юзасидан - тикан чизиқли йўллар ҳосил бўлади (асбест, кремний, минераллари). Чангли синиш - синган юзада майдан чанг зарралари ёпишиб қолганга ўхшайди.

**Ялтироқлиги** Минералларнинг сиртига тушган ёруғликни маълум даражада қайтаради ва уларнинг кўриниши, шунга кўра, сиртлари хира, бошқалариники эса ялтираб туради. Минералларнинг ялтироқлиги бўйича қўйидаги кўринишлари бор;

Металсимон, шишасимон, садафсимон, ёғли ва оч қул ранг тусдаги ялтироқлидир.

**Ранги** - Табиатдаги минераллар ранги турли хил кўринишда учрайди. Масалан, миснинг ҳамма сувли бирикмалари яшил ёки кўк рангда бўлади (малахит, азурит). Минералларнинг ранги баъзан икки хил рангни қўшилишидан ҳосил бўлган рангда ҳам товланиши мумкин. Уларнинг рангига таркибида қўшилган бегона аралашма ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Буларга Fe, Ni, Ti, Ca, Cu ва бошқалар бўлиб, оз миқдорда бўлса ҳам, минерал рангини ўзgartириши мумкин.

## 2.4 Тоғ жинсларини ҳосил қилувчи асосий минераллар

Кўпчилик минераллар таркибида асосан кислород, кумтупроқ, алюминий, темир, кальций ва бошқа химиявий элементлар учрайди. Минералларнинг химиявий таркиби бўйича қўйидаги гурухларга бўлиниши мумкин;

1. Оксидлар - энг кўп тарқалгани – кварцdir ( $\text{SiO}_2$ ). Кварцдан ташқари-гематит (яширин кристаллангани - қизил темиртош, яхши кристалланган кўриниши- темир ялтироғи)  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ , магнетит  $\text{FeFe}_2\text{O}_4$ , корунд (қизил ранглиси - ёқут, майда донадор қора ранглиси жилвир)  $\text{Al}_2\text{O}_3$ .

2. Силикатлар - ер қобигида энг кўп тарқалган минераллар бўлиб (85%), уларнинг ҳосил бўлиши магмаларнинг оқиб чиқиш натижасидир. Бу минераллар гурухининг аксарияти - панжарасимон кристаллидир. Силикатлардан умумий тузилиш ва таркибига эга бўлган дала шпатлари, пироксенлар, амфиболалар, слюдалар, шунингдек оливин, тальк, хлоритлар, гилли минералларни кўрсатиш мумкин.

Карбонатлар – Бу гурух минералларига унча юқори бўлмаган мустаҳкамлик, кичик зичлик, нометал ялтироқлик (кальцит, доломит) ҳосдир. Табиатда кўп учрайдиганларидан; кальцит (оҳак шпати, тиниқлари - исланд шпати)  $\text{CaCO}_3$ ,

доломит  $\text{CaMg}(\text{CO}_3)_2$  ва сидеритдир (темир шпати)  $\text{FeCO}_3$

Сульфатлар - сульфат кислотаси тузлари бирикмаси кўринишидадир. Улар сувли ва сувсиз бўлиши мумкин. Сувсиз сульфатларга; барит  $\text{BaSO}_4$  (оғир шпат), ангидрит  $\text{CaSO}_4$ (гипс учун хом ашё). Сувлиларга - гипстош  $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ , мирабилит  $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10 \text{H}_2\text{O}$ , алунит  $\text{KAl}_3[\text{OH}_6(\text{SO}_4)_2]$ .

Галоидлар – галоидводород кислотанинг тузларидир ( $\text{HCl}$ ,  $\text{HF}$ ,  $\text{HBr}$ ). Энг кўп тарқалган галоид минералларидан хлорид кислота бирикмалари бўлган - ош тузи ( $\text{NaCl}$ ) ва сильвиндир ( $\text{KCl}$ ). Юқорида номлари қайд этилган минераллар юмшоқ, катта зичликка эга эмас, кўпинча оқ ранг кўринишида, лекин бегона аралашмалар таъсири туфайли ранги ўзгариши мумкин, сувда осон эрувчан бўлади.

Фосфатлар - фосфат кислотанинг тузларидир. Энг кўп тарқалган апатит ва унинг гилли ва қумли аралашмаси - фосфоритдир. Гурух минераллари кўп тарқалган эмас, улар турфа рангда бўлиб, қаттиқ саналади.

Сульфидлар - Ер қобигида рудали минераллар; сульфидлар, оксидлар ва гидрооксидлар кўп учрайди.

Махсус гурухни, соф ҳолда табиатда учрайдиган эркин атомдан ташкил этилган кристалли металлар ва нометаллар - соф мис, олтингугурт, олтин, қумуш, платина, олмос, графитлар ташкил этади.

Мухандислик геологиясида гилли минералларга алоҳида ўрин берилган. Уларга сувли силикатлар ва алюмосиликатлар киради. Гилли минераллар сони 40 та гача етиб боради. Жинс ташкил этувчилярдан каолинит, монтмориллонит, полигорокит, сувли слюдалар ва бошқалардир. Гилли минераллар зарралари кристалл ёки аморф кўринишида бўлиши мумкин. Бу

минералларни сувда қорилганда пластиклик ҳолига ўтади, қуритилганда сувсизланади, куйдирилганда эса тошга айланиб қотади.

## **3-Бооб. ТОҒ ЖИНСЛАРИ**

### **3.1. Тоғ жинслари ҳақида умумий маълумот.**

Ер қобиғининг қалин қатламларини ҳосил этган бир ёки бир неча минералдан ташкил топган табиий бирикмалар - тоғ жинслари - деб юритилади. Бир хил минераллардан ташкил топган тоғ жинслари - мономинераллар деб аталади. Масалан - қумтош фақатгина қумдан иборат. Табиатдаги кенг тарқалган тоғ жинслари полиминералли (кўп минералли) бўлиб, масалан, гранит тоғ жинси таркибига дала шпати, слюда, кварц минераллари киради. Тоғ жинслари ернинг ички қисмида ва сиртида бўлиб турадиган турли геологик жараёнлар маҳсулидир.

Тоғ жинслари ҳосил бўлиш шароитига кўра 3 турга бўлинади: магматик, чўкинди, метаморфик бўлиб, булар ҳам ўз навбатида гурухчаларга бўлинади.

Магматик (отқинди) тоғ жинслари - магманинг - силикатли суюқ қизиган эритмани ер бағрида ёки юзасига чиқиб қотиб қолишидан ҳосил бўлади. Бошқа тоғ жинсларининг ҳаммаси магматик тоғ жинсларидан турли йўллар билан ҳосил бўлади.

Чўкинди жинсларни шаклланишига қуруқликда ва сув ҳавзаларида содир бўлган химиявий, физикавий ва биологик жараёнлар сабаб бўлади.

Метаморфик (шакли ўзгарган) жинслар эса магматик, чўкинди жинсларнинг юқори ҳарорат ва босим таъсирида ўзгаришидан ҳосил бўлган.

Ер қобиғида магматик тоғ жинслари энг кўп тарқалган (95%) бўлиб, чўкинди ва метаморфик жинслар эса 5% ташкил этади. Тоғ жинслари ҳосил бўлиш шароитига қараб бир-биридан минерал таркиби, структураси (тузилиши) ва текстураси билан фарқ қилади.

Структура деганда минерал агрегатларининг ўлчамлари, сони, шакли ва тоғ жинсининг ички тузилиши тушунилади. Тоғ жинсларининг структураси 3 хил қўринишда бўлади; кристалли, нокристалли ва аралашли структура.

Кристалл қўринишидаги структура тоғ жинси ва уни ташкил этган минералнинг бир вақтнинг ўзида ҳосил бўлишида намоён бўлади. Бу кристалли қўриниш магматик, метаморфик ва баъзи бир чўкинди тоғ жинслари учун характерлидир.

Нокристал структурали тоғ жинслари ичида - парчаланган (жинсни бошқа тоғ жинси парчалари, компонентлари ташкил этади) ва органоген (турли организмлар скелетлари қолдиқлари) структурали тузилиш кўзга ташланиб туради. Шунингдек аралаш структурали: масалан; порfirли - яширин кристалли массада алоҳида минералларнинг жойлашувини характерловчи, органогенли парчали (нокристал), жинсларнинг парчалари, органик қолдиқлар ва бошқалардан тузилганлиги билан характерланади.

Кристалларнинг ўлчамига кўра: йирик донадор структура - кристалларнинг диаметри 5мм дан катта, ўрта донадор структура - 5 - 1мм,

майда донадор структура - 1мм дан кичик ва турли донали структуралар бўлади. Доналар ўзаро жойлашуви бўйича бир жинсли донадор, тартибсиз ёки тартибли жойлашган доналарга бўлинади.

Текстура - йирик хажмдаги тоғ жинсининг тузилишини, ётиш хусусиятини, жинс ташкил этган минералларнинг ўзаро жойлашувини кўрсатади. Тоғ жинсларининг ётиш шакли бўйича зич (массивли) ва ғовакли структураларга бўлинади.

Массивли (залворли) текстура - турли шароитда ҳосил бўлган кристалли жинслар учун, ғовакли текстура - нокристал чўкинди жинслар ва баъзи бир (оқма) жинслар учун характерлидир. Минералларнинг фазовий жойлашишига қараб бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган текстура бўлади.

Бир жинсли текстура - структуранинг, таркибнинг ва рангнинг бутун жинс бўйича бир хил бўлишлигидир. Бир жинсли бўлмаган текстурада эса - бу кўрсатгичлар турли хил кўринишда бўлади.


Гнейсли текстура - маълум йўналишда бир-бирига параллел бўлган ҳар хил рангли йўл - йўл кўринишда бўлса, флюидал текстурада - минералларнинг эритма ёки тошқинлар изи томон чўзилган шаклда ва шунингдек рангли минераллари хол - хол бўлиб, бир текис жойлашмаган таксит структуралар бўлиши мумкин.

### **3.2 Магматик тоғ жинслари ва уларнинг қурилиш хоссалари.**


Ер бағридан қайноқ моддаларнинг газ, суюқ ёки қаттиқ ҳолда ер устига кўтарилиб чиқиши процесси - вулқон ҳодисалари деб аталади. Ер ичидан чиқкан ҳамирсимон, суюқланган қумтупроқга тўйинган қаттиқ маҳсулотлар, ҳамда сув буғлари отилиб чиқсан жойларда вулқон маҳсулоти - магма ҳосил бўлади. +изиган магма ер қобигидаги ёриклар орқали юқорига кўтарилиб бориб, унинг ичидаги қотиб қолади ва интрузив (чуқурлик) жинсларини ҳосил қиласади.

(3.1 - расм)

Магманинг ер юзига отилиб чиқиб қотиб қолган турлари эффузив (оқма) жинслар деб аталади. Лекин ер пўсти магманинг ер устига яқин кўтарилишига ва ер юзига отилиб чиқишига ҳамма вақт ҳам йўл беравермайди. Магма, кўпинча ер пўстининг чуқур қисмларини суюлтириб, ёки бошқача айтганда, литосферанинг чуқур қаватлари орасида қолиб, батолитлар деб аталувчи гигант массалар тўпламини ҳосил қиласади.(3.2 - расм)




3.1-расм. Магматик жинсларининг магмадан ѡсоши боелиш схемаси: 1- турлар; 2- магматик очаг.



3.2 – расм. Батолитнинг кесилгани.

Батолитлар яхши кристалланган тоғ жинсларидан иборат бўлиб, одатда, катта

чукурликларда ётади. Аммо тоғ жинслари емирилиб, устлари очилиб қолганда ер юзасига чиқади. Бу ҳол күпинча, тоғлик районларда рўй беради. Магма баязан, ер устига яқинлашиб келса<sup>i</sup> ҳам, лекин унинг охирги қатламларини ёриб чиқишига кучи етмайди, аммо бу қатламларнинг юқорироқ кўтарилишидан ҳосил бўлган бўшлиқни ўз массаси билан тўлатади.



6- расм. Лакколит схемаси.

+атламлар орасига кириб қолган бундай масса, одатда, юқори қатламларни гумбаз шаклида юқорига кўтаради, буханка нон шаклини тўпламларни ҳосил қиласиди. Магманинг ер устига чиқмасдан, балки ер қатламларини орасига кириб, юқоридаги шаклда қотган хилилакколит (3.3 - расм) деб аталади.

Ер бағридан кўтарилиган магма, кўпинча, тоғ жинсларидаги дарзларни тўлдиради ва магматик томирлар (штока) деб аталадиган плитасимон тўпламларни ҳосил қиласиди. Агар параллел устки тўғти чизик таъзила котса, дайкалар деб аталади.

3.3 – расм. Лакколит – ма литосферага кириб, аммо ер устига чиқа олмасдан, мавжуд магманинг чукурликларда батолитлар, лакколитлар, штока, дайка ҳосил қилиши ёки ер устига отилиб чиқиб, лава оқими ҳолида тўпланиши мумкин. Интрузив жинслар ер бағрида турли чукурликларда босим остида аста - секин бир текисда совиши боисидан кристаллари донадор ёки йирик бўлади. Ана шу сабабларга кўра ҳам тўла кристалланиб улгурган бу жинслар зич, залворли, ғоваклиги жуда кичик бўлади. Эффузив тоғ жинслари магманинг ер устига отилиб чиқиб таркибида газ, сув буғлари мавжудлиги ва тез совиши оқибатида тўла кристалланиб улгурмайди ва бу жинслар ўзига хос бўлган кристалли, майда кристалли, порфирли ва аморфли (шишасимон) тузилишига эга бўлади. Вулқон катта куч, шиддат билан атмосферага ёриб чиқар экан ўзи билан магманинг чанглари (куллар, кумлар) шунингдек йирик совуб улгурган магма бўлаклари - лапилла ва вулқон бомбаларини илаштириб олади. Цементлашиб бирикиб қолган бу тоғ жинслари сув ҳавзалари, ён бағирликларда чўкинди материаллар билан бирикиб вулқон туфлари ва брекчияларини ҳосил қиласиди. Магматик тоғ жинсларини минералогик таркибини кўздан кечирилганда уларнинг 90% силикатлардан, дала шпатларидан, кварц, амфиболалар, пироксенлар, оливин, слюдалардан тузилганлигини кўрамиз. Таркибидаги қумтупроқ таркибига кўра улар 4 - гурухга бўлинади: Нордон, ўртача нордон, асосли ва ультра асослидир.

Магматик тоғ жинсларининг улар таркибидаги  $\text{SiO}_2$  миқдорига қараб классификацияси.

Юқоридаги жадвалда энг кўп учрайдиган интрузив (чукурлик) жинслари ва айнан ухшашликлари, эффузив жинслари келтирилган.

Нордон жинсларда асосий жинс ташкил этувчи минераллардан; калийли дала шпатлари (60% га яқин) ва кварц (30-35%) саналади. +умтупроқ таркиби бўйича гурухларга бўлиниши амалий аҳамиятга эгадир.  $\text{SiO}_2$  миқдори камайиб борган сари, яъни гранитлардан габброидларга ёки порфирлардан

диабазларга ўтиши сифатига қараб зичлик, мустаҳкамлик, зарбий қовушқоқлик ортиб боради, жинсларнинг эриш ҳарорати камаяди, ранги эса қорамтири тус олади.

Турли иншоотларни лойиҳалашда ва қуришда магматик тоғ жинсларидан жуда кенг фойдаланилади. Уларнинг устига иншоотлар қуришда, уларни муҳандислик - геологик нуқтаи назардан баҳолашда эса бу жинсларнинг минералогик таркиби, структурасини, текстурасини, дарзларнинг характеристикини ва нурашга учраганлигини ҳисобга олиш зарур. Булардан ташқари уларни физика - механикавий хоссаларини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Г р а н и т л а р үларга яқин турадиган оралиқ жинслар (гранитоидлар) - кварц, дала шпатлари слюда баъзан шох алдамчиси ёки авгитдан тузилган бўлади. Жинснинг ранги кул рангдан қизил тусгача ўзгариб, дала шпатининг рангига қараб ўзгаради. Гранит юқори зичлик ва мустаҳкамлигига эга бўлишига қарамасдан у анча мўртдир, чунки унинг чўзилишга бўлган мустаҳкамлиги, сиқилишга мустаҳкамлигига қараганда 40 . . . 60 марта кичикдир. Гранитнинг сув шимувчанлиги 1% дан кичик, совуққа чидамлилиги - 200 циклдан юқори, кам ейилувчан, юқори иссиқлик ўтказувчанликка эга.

### 3.1 Жадвал

Тоғ жинсларининг таркиби		Чукурликдаги интрузив жинслари	Магматик тоғ жинслари аналоги	жинслари эффузив
Химиявий	Минералогик		+адимги (ўзгар-гандари)	Ёш (янги)
Кислотавий $\text{SiO}_2 > 65\%$	Кварц, дала шпатлари, (кўпроқ ортоклаз, слюда (камрок бошқа кора минераллар	Гранит	Кварцли порфир	Липпарит
Ўрта $\text{SiO}_2$ 55-52%	Дала шпати (кўпроқ ортоклаз), озрок соҳта мугўз биотит, ўрта плагиоклаз, авгит, биотит.	Сиенит, Диорит.	Ортоклазли порфир Порфирит	Трахит Андезит
Асосий $\text{SiO}_2 \leq 52-40\%$	Асосий плагиоклазлар (кўпроқ лабрадор) авгит баъзан оливин	Габбро	Диабаз	Базальт
Ультра асосий $\text{SiO}_2 < 40\%$	А авгит, оливин, рудали минераллар. Оливин ва рудали минераллар	Пироксенит Перидадит Дунит	- - -	-

Гранитга ишлов бериш осон. Гранитларни биноларнинг олд қисмларини, гидротехник иншоотларини қоплаш учун, поллар учун плиткалар, зиналар учун йўлларга териш учун, шунингдек бетонга тўлдиргич сифатида, тош теришда ишлатилади

■ Сиенит - гранитдан фарқли ўлароқ таркибида кварц бўлмайди, асосан дала шпатлари ва тўқ рангли минераллардан ташкил топган (15% гача). Ташқи кўринишдан гранитга ўхшаб кетади. Унда ўрта донали структура мужассамланган бўлиб, ранги қорамтироқ. Хоссалари гранитга яқин туради, лекин турғунлиги нурашга бўшроқ ва осонгина ишлов бериш мумкин.

■ Диорит - 3/4 қисми дала шпатларидан иборат ва 25% гача түк рангли минераллардан таркиб топган. Диорит - майда ва ўрта донали тузилишга, кул рангли яшил ва түк яшил рангли жинсдир. +урилиш хоссалари жихатидан гранитлардан бўш келмайди, юқори зарбий қовушқоқлиқка эга. Кўпинча диоритдан кошинлаш мақсадида ва йўл қурилишида ишлатилади.

■ Габбро - Асосан дала шпати (50%гача) ва түк рангли минераллардан - авгит, шоҳ алдамчиси, оливиндан ташкил топган. Габбро - яширин кристалли бўлиб, ранги оч корамтирдан қора рангача бўлади.

Оҳак - натрийли плагиоклазлар - лабрадордан ташкил топган габбро - лабродорит деб аталади. Габбро донадор кўринишдаги буюм сифатида қоплама, йўлга теришда, бетонга тўлдиргич сифатида ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

■ Порфирлар - химиявий таркиби бўйича гранитларга яқини (кварцли порфир), сиенитларга яқин тургани (кварцсиз порфир), диоритларга яқини - порфирит дейилиб, порфирли структураларга эга. Тузилиш бир жинсли бўлмаганлигидан нурашга қарши турғун эмас, ейилишга кам чидайди. Бошқа хоссалари жихатидан чуқурлик жинсларига яқин туради.

Трахит - оқиб чиқсан тоғ жинси бўлиб, таркиби худди сиенитга ўхшайди, лекин ер юзасига чиқиб қотганлиги сабабли ғовакли тузилишга эгадир. Трахитдан қурилишда девор материали сифатида, шунингдек бетон тайёрлашда чақилган тош (ҳебень) кўринишида ишлатилади. Трахитнинг бошқача кўриниши – бештаунит деб аталиб, кислотага чидамли бетонларни тайёрлашда шағал кўринишида ишлатилади.

Анdezит. – диоритга ўхшашиб бўлса-да, ундан порфирли кўриниш билан фарқ қиласиди. Зич тузилишга эга бўлган анdezит тошидан кислотага чидамли плита ва кислотага чидамли бетон тайёрлаш учун тош кўринишида ишлатилади.

• Диабаз - минерал таркиби бўйича габброларга ўхшаб кетади. Ранги эса түк яшилдан қора рангача бўлади. Структураси – турли йириклиқдаги донали, кристалл, ва бальзан порфирли тузилишга эга бўлади. Диабазларнинг, айниқса майда донали диабазлар юқори мустаҳкамликка эга бўлиб, 450 Мпа гача етиб боради.

Юқори зарбий қовушқоқлиқка эга, кам ейилади. Синганда мунтазам шакллар бўйича ажралади.

Диабаздан йўл қурилиш ишларида, масалан; йўлларга ётқизиш учун, йўллар четларига териладиган тош кўринишида, бетонга қўшиладиган чақиқ тош кўринишида ва бальзан эса қоплама материали сифатида ҳам ишлатиш мумкин.

Диабаздан қўйма тош ишларида хом ашъё сифатида, кислотага чидамли буюмлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

• Базальт – (диабазга ўхшаб, габбро аналоги) шишасимон ёки яширин кристалли, бальзан эса порфир тузилишли, зич, оғир тоғ жинсидир.

Базальт кул рангдан токи қора ранггача бўлиб, юқори мустаҳкамликка эга (500 Мпа.) Базальтнинг порфир структурали бўлишилиги, магманинг совиши пайтида ҳосил бўлган ёриқлар ва ғоваклилар туфайли, базальтнинг мустаҳкамлиги 100 Мпа гача камайиши мумкин. Базальтларнинг юқори мустаҳкамлиги ва мўртлиги уларга ишлов беришни қийинлаштиради.

Базальт кўприк устунлари, пойдеворлар, йўлкалар, катта кўчалар қуриш учун ва тош йўлларга ётқизиш учун ажойиб материал ҳисобланади. Базальтдан шунингдек бетонга қўшиладиган чақиқ тош сифатида, кислотага чидайдиган материал кўринишида, қўйма тош ишларида, минерал пахта ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Базальтнинг камчилиги шундаки, у ўтга кўп чидамли эмас, катта йўлларга ётқизилган базальт тошлари, вақт ўтиши билан жуда силлиқ бўлиб қолади.

- Вулқон маҳсулотлари бўлмиш, кукунсимон (1мм гача) зарраларни - вулқон куллари, 5мм катталиккача бўлганлари эса, - вулқон қумлари - дейилиб, 5мм дан 30 мм гача бўлганлари – пемзалар деб аталади. Бу жинслар ғовак тузилишга эга бўлиб зичлиги унчалик юқори бўлмасдан, иссиқлик ўтказувчанлиги кичик бўлиб -  $0,13\text{--}0,23 \text{ BT}/(\text{M}\cdot^{\circ}\text{C})$ , сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги - 2...3 МПа ни ташкил этади. Пемза ва пемза қумларини енгил бетонларга тўлдиргич сифатида, иссиқдан ва товушдан ҳимоя қиладиган материаллар ишлаб чиқаришда ва буюмларни жилвирлаш материали сифатида ишлатилади. Бу тоғ жинслари аморф кўринишидаги қумтупроқ ва вулқон шишасидан тузилгани боис, улардан минерал боғловчи моддалар таркибиға фаол қўшимчалар сифатида қўшиш мумкин.

■ Вулқон туфлари - вулқон қумларини табиий цементланиш, сўнгра зичланиш туфайли ҳосил бўлади. Кўп зичланган вулқон туфларига трасслар киради.

+айнаб, қизиб турган суюқ лава таркибиға анчагина миқдорда вулқон куллари ва қумлари аралашиб, туфалова деб аталувчи жинсни ташкил этади. Кўпчилик вулқон туфлари ва туфли лавалар ғовакли тузилишга эга, уларнинг мустаҳкамлиги юқори бўлмасдан, иссиқлик ўтказувчанлиги кичик бўлади. Ранг - баранг кўринищдаги бу жинсларга жило бериш осондир. +урилишда туфлар деворга қирқиб тайёрланган текис тош, харсанг тош сифатида деворга қопланадиган плиталар кўринишида, майдалагичда янчилиб, синиклари енгил бетонга тўлдиргич сифатида аралаштирилади.

### 3.3 Чўкинди тоғ жинслари ва уларнинг қурилиш хоссалари

#### 3.3.1.Чўкинди тоғ жинслари классификацияси.

**Умумий белгилари.** Чўкинди тоғ жинслари нураш туфайли ҳосил бўлган зарра ва заррачалар тўпламидир. Улар сув ва шамол таъсирида ер юзасида денгиз, қўл, дарёларда тўпланади; Ўсимлик ҳамда ҳайвонот оламининг қолдиқларидан ҳам ҳосил бўлади.

Литосфера таркибидаги чўкинди жинслари 5% ни ташкил этсада, ернинг куруқлик юзасини 75% ни қоплаган. Чўкинди тоғ жинслариниг кўп қисми ўзиниг ғоваклилиги ва қатлам- қатлам бўлиши, уларда ҳайвон ҳамда ўсимликларнинг қолдиклари бўлиши, ёпишқоқлиги, баъзи бирлари эса сув таъсирида чўкиш сингари хусусиятлари билан бошқа хил тоғ жинсларидан фарқ қиласди. Чўкинди тоғ жинслари ҳосил бўлиш шароитига кўра 3 гурӯхга бўлинади; Механикавий (парчаланганди), химиявий чўкинди ва органоген ётқизиқлар.

■ Механикавий чўкинди жинслар (бўшоқ ва цементлашган) метаморфик, магматик ёки чўкинди тоғ жинсларини нураши натижасида (сув, шамол, температуралар ўзгариши, музлаб - эришлар ва бошқа атмосфера омиллари таъсирида) ҳосил бўлган турлича катталикдаги заррачалар йиғиндисидан иборат.

Чўкинди тоғ жинслари зарраларининг катта - кичиклигига ва уларнинг боғланган - боғланмаганлигига қараб, а) заррачалари боғланмаган ва б) заррачалари боғланган чақиқ чўкинди тоғ жинслари группаларига бўлинади.

**Заррачалари боғланмаган чақиқ чўкинди тоғ жинслари.** Бу группага йирик заррачаларининг диаметри 0,05 мм ва ундан ҳам катта, яъни таркиби чағиртош, харсанг тош, чақиқ тош, дресва (ўткир қиррали майдада шағал) ва бир-бирига пухта ҳамда жипс ёпишган, цементланган ҳар-хил ўлчамили шағаллардан иборат бўлган конгломератлар, брекчия, қумтошлар ва бошқалар киради.

Заррачалари боғланмаган чақиқ чўкинди тоғ жинслари заррачаларнинг ўлчамига қараб классификацияланади.

3.2-жадвал

Жинсларнинг номи	Заррачаларнинг ўлчами, мм
------------------	---------------------------

Йирик валунлар	800-400
Йирик харсанг тошлар	400-200
Үртача валунлар	
Үртача харсанг тошлар	
Майда валунлар	200-100
Майда харсанг тошлар	
Йирик чақық тош	100-80
Үртача шағал	
Үртача чақық тош	80-40
Майда шағал	
Майда чақық тош	40-20
Йирик шағал	
Йирик дресва	20-10
Үртача шағал	
Үртача дресва	10-6
Майда шағал	
Майда дресва	6-2
Йирик қум	1-1
Үртача қум	1-0,5
Майда қум	0,5-0,25
Жуда майда қум	0,25-0,05
Йирик чанг	0,05-0,01
Майда чанг	0,01-0005
Йирик гил	0,005-0,001
Майда гил	<0,001

3.2-жадвалда келтирилган заррачалар тоғ жинси таркибининг 50% дан ортигини ташкил қиласа, шу зарранинг номи тоғ жинсига берилади, масалан, кумнинг таркибида 1-2 мм катталиқдаги заррачалар 50% дан ортиқ бўлса, у қум йирик қум деб аталади. Умуман юқорида келтирилган заррачалар - боғланмаган чўқинди тоғ жинслари нам ва қуруқ ҳолатда бўлишига қарамай уларнинг муҳандислик - геологик хусусиятлари бир хилдир. Улар яхши сикилмайди, шунинг учун улардан иншоотларга пойdevor қилинади.

**Заррачалари боғланган чақық чўқинди тоғ жинсларига** гил, мергель (гил ва кальций карбонат аралашмаси), қумоқ тупроқ, қумлоқ тупроқ, гилли сланецлар, лёсс ва лёссимон тоғ жинслари киради. Гил деб майда (диаметри 0,005 мм дан кичик) танга шаклидаги зарралардан иборат ва кўп миқдорда сув (3 дан 60% гача) шимиб олиш қобилиятига эга тупроқ минерал массалари тўпламига айтилади. Гил қуриганда унинг ҳажми камайиб, ёрилади. Гил сув ўтказмайди, бошқа жинсларга нисбатан петрофографик таркиби жиҳатидан оддий алюмосиликатлардан иборат бўлиб, унга темирнинг сувли оксидлари ва бошқа минераллар аралашган бўлади. Умуман гилларнинг таркиби жуда ҳам ўзгарувчан бўлади. Гилларнинг келиб чиқиши турличадир. Музлик гиллар, денгиз гиллари, океан гиллари ва бошқа гиллар бўлади.

Энг кўп гил ётқизиқлари денгизда ҳосил бўлади.

Халк хўжалигига гиллар жуда муҳим роль ўйнайди. Улар айниқса курилиш ишларида кўп ишлатилади: улар фишт тайёрлашда, канализация қувурлари, черепица ва кўпприк йўллари учун материал сифатида ишлатилади.

Гилнинг таркибида оз миқдорда  $\text{CaCO}_3$  бўлса, улар оҳакли ёки мергелли гил деб аталади. Агар  $\text{CaCO}_3$ ,  $\text{MgCO}_3$  тузлари тоғ жинси таркибининг 40-60% ни ташкил этса қолган қисми эса гил заррачаларидан иборат бўлса, улар мергель деб аталади. Шундай килиб, мергель гили билан химиявий жинслар ўртасида ҳосил бўлган чўкинди тоғ жинси ҳисобланади. Гиллар устига иморат қурганда уларнинг минералогик таркибини яхши билиш зарур, чунки гил таркибидаги баъзи минераллар сув таъсирида шишиш хусусиятига эга бўлади.

+умоқ, қумлоқ тупроқ тоғ жинслари уларнинг таркибидаги гил заррачаларининг процент миқдорига қараб номланган, буни қуйидаги гилли чўкинди тоғ жинсларининг классификациясида ҳам қўриш мумкин (3.3-жадвал). Агар гилли тоғ жинсида чангли заррачалар миқдорига нисбатан қумли заррача кўп бўлса, у холда тоғ жинсининг номига чангли деган сўз қўшиб ёзилмайди. Масалан, қумоқ тупроқ оғир, қумлоқ тупроқ енгил ва хоказо.

### 3.3-жадвал (В.В.Охотиндан)

Тоғ жинси (грунт)нинг номи	Заррачалар миқдори, % ҳисобида			
	Гиллар <0,005мм	Чанглилар 0,005-0,05	+умликлар 0,05-2 мм	Шагаллилар 2-20 мм
Оғир гил	60			
Енгил гил	30-60			
+умоқ тупроқ оғир чангли	20-30			
+умоқ тупроқ (суглинок) ўртача чангли	15-20	Кўп қумликка нисбатан	Кам чанглига нисбатан	10
+умоқ тупроқ Енгил чангли	10-15			
+умоқ тупроқ (супесь) оғир чангли	6-10			
+умлоқ тупроқ енгил чангли	6-3			
+ум чангли	3			

Бундан ташқари, гилли жинсларга пластиклик сонига қараб ҳам ном берилади. Пластиклик сони гилли тоғ жинсларининг таркибидаги гилли заррачаларнинг миқдорига боғлиқ (3.4-жадвал) бўлиб, қуйидагича классификацияланади.

### 3.4-жадвал

#### Гилли жинсларнинг пластиклик сонига қараб классификацияси (В.В.Охотиндан)

Класс	Жинснинг пластиклик характеристикаси	Пластиклик сони	Жинснинг номи
I	Юқори пластиклик	17	Гил
II	Ўртача пластиклик	17-7	+умлоқ тупроқ
III	Кам пластик	7	+умоқ тупроқ
IV	Пластикмас	0	+ум

+умоқ ва қумлоқ тупроқнинг қурилиш хоссалари лёссимон тоғ жинслариникига яқин. Лёсс ва лёссимон тоғ жинслари Ўрта - Осиё территориясининг 78% ини қоплаган бўлиб, улар асосан тоғ ён бағирларида, текисликларда тарқалган.

+урилиш ишлари, қишлоқ хўжалик майдонлари шу тоғ жинслари тарқалган ерларда олиб борилади. Шунинг учун бу тоғ жинсларининг ҳосил бўлиши, уларнинг физика-механика хоссалари устида VI бобда мукаммал тўхталиб ўтамиз.

■ Химиявий чўкиндилар - Тоғ жинсларини нураб, сувда эриб, сув билан бирга кетиб, ундан чўкма ҳолида ажралиб ҳосил бўлади. Улар муҳитнинг шароитини ўзгариши, турли таркибли эритмаларни ўзаро таъсири ва буғланиш (гипс, ангидрит, магнезит, доломит, оҳакли туфлар) маҳсулидир.

■ Органик ётқизиқлар - ўсимликлар (фитогенлар) ва ҳайвонот дунёси (зоогенлар) қолдиқларининг ўзгаришидан ҳосил бўлган жинслардир. Кўплаб денгизда яшовчи организмлар ҳаёти мобайнида ўзларининг скелетлари, чиғаноқлари, тош қобиқлари учун сувдан кальций тузларини, эриган қумтупроқни ўзлаштириб оладилар, ҳалок бўлганларидан сўнг ҳавзалар тубига тушиб, зичлашиб органик жинсларининг қатlamли қолдиқларини ташкил этадилар. +урилиш мақсадлари учун мел (бўр), оҳактошнинг турли кўринишлари, диатомит ва трепеллар ишлатилади.

### 3.3.2. Чўкинди тоғ жинсларининг химиявий ва минералогик таркиби.

+урилиш мақсадларида ишлатилаётган чўкинди тоғ жинслари кўпинча қуидаги химиявий таркибга эга бўлади: Аморф ва кристалл кўринишдаги қумтупроқ (сувли ва сувсиз), алюмосиликатлар (асосан сувлилари), карбонатлар (сувсизлари), сульфатлар (сувли ва сувсиз). Ана шу бирикмалардан қурилишда ишлатиладиган чўкинди тоғ жинсларининг асосий минераллари ҳосил бўлади: кварц, опал, каолинит, кальцит, магнезит, доломит, гипс, ангидрит.

■ Кварц (кристалли қумтупроқ) - нурашга чидамлиги сабабли химиявий ўзгаришсиз қолиб, кўплаб чўкинди тоғ жинсларини таркибига киради (қумлар, қўмтошлар, гилтупроқлар). Аморф ҳолатида – опал - минерали кўринишида учрайди.

■ Опал ( $\text{SiO}_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ ) - кварцга нисбатан бўшроқ, зичлиги-  $1900-2500 \text{ кг}/\text{м}^3$  ва мустаҳкамлиги камроқдир. Опал - жуда майда заррали ва ички тузилиши кўп майдага ғовакчалардан ташкил топгани сабабли кальций гидрооксид ва оксидлар билан шиддатли реакцияга киришади. Аморфли қумтупроқнинг бу хоссаси аралаш минерал боғловчи моддалар ишлаб чиқаришда кенг ишлатилади.

■ Каолинит ( $\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{SiO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ) - алюминийнинг сувли силикатлари бўлиб, дала шпатлари ва слюдаларнинг парчаланишдан ҳосил бўлади. Ранги бегона аралашмалар бўлмаса оқ рангда бўлади, зичлиги -  $2600 \text{ кг}/\text{м}^3$ , қаттиқлиги - 1га

тeng. Каолинит ва  $\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot n\text{SiO}_2 \cdot m\text{H}_2\text{O}$  турдаги сувли алюмосилиқатлар гилларни ҳосил қылувчи асосий минераллардир. Улар оҳактошлар, қумтошлар, гипслар ва бошқа чўкинди жинслар таркибига аралашган бўлади. Уларнинг тоғ жинсларнинг таркибидаги бўлишилиги, совуқбардошлиги ва сувбардошлигини камайтиради.

■ Кальцит ( $\text{CaCO}_3$ ) - З йўналиши мукаммал бирикувга эга. Зичлиги 2700 кг/ $\text{m}^3$ , қаттиқлиги - 3 га тенг. Кальцит кислоталарда эрийди, сувда оз эрийди - (0,03<sup>2</sup>/л). Оҳактошлар таркибидаги энг кўп тарқалган минерал ранги оқ, кулранг, баъзан тиник рангда бўлади.

■ Магнезит ( $\text{MgCO}_3$ ) - зичлиги 2900-3100 кг/ $\text{m}^3$ , қаттиқлиги 3,5-4,5 га тенг. Кальцитга кўра табиатда кам тарқалган.

■ Доломит ( $\text{CaCO}_3 \cdot \text{MgCO}_3$ ) - физикавий хоссалари жиҳатидан кальцитга яқин туради, қаттиқлиги 3,5 - 4, зичлиги 2900 кг/ $\text{m}^3$  га тенг, мустаҳкамлиги юқори. Ранги аралашмалар борлигига қараб, оқдан тўқ кул ранггача ўзгаради. Оҳактошлар ва бошқа чўкинди жинслар таркибидаги учрайди.

■ Гипс ( $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ) - кристалл тузилишилиги минерал бўлиб, кристаллари - донадор, устунсимон, пластинкасимон, нинасимон ва толали тузилишга эга бўлиши мумкин. Ранги оқ бўлсада, аралашмалар борлигига қараб ранги ўзгариб боради. Бир хил йўналишили бирикишга эга. Гипснинг зичлиги - 2300 кг/ $\text{m}^3$ , қаттиқлиги - 2 га тенг бўлиб, сувда осонгина эрийди. Гипс тоғ жинсини ташкил этади.

■ Ангидрит ( $(\text{CaSO}_4)$  - Гипснинг сувсиз кўриниши бўлиб, шу номдаги жинсни ташкил этади. Зичлиги 2900-3000 кг/ $\text{m}^3$ , қаттиқлиги – 3 - 3,5 га тенг.

### 3.3.3. Асосий чўкинди тоғ жинслари ва уларнинг қурилиш хоссалари

Чўкинди тоғ жинсларининг кўпчилиги қурилиш материали ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлиб ҳисобланса, баъзилари бевосита қурилиш тошлари сифатида ишлатилади.

■ +ум ва шағал - Магматик, метаморфик ва чўкинди тоғ жинсларининг нураши натижасида ҳосил бўлади. +умнинг ўлчамлари 0,14мм ..... 5мм гача, шағалники эса 5. . .70 мм бўлади. +урилишда қумлардан қоришмалар тайёрлашда, оҳак билан аралаштириб силикатли буюмлар олиш учун, шағални эса бетонга тўлдиргич сифатида ишлатилади.

■ Гиллар - жуда майдо заррали ётқизиқлардир. Улар табиатда тоғ жинсларидан гранитлар, гнейслар сингари, дала шпатлари таркибидаги бўлган жинсларни емирилишидан ҳосил бўлади. Унинг таркибига каолинит группасига киравчи минераллар кварц зарралари, слюда, темир оксиди, кальций ва магний карбонатлар киради. Каолинитли гиллар (каолинлар) оқ рангга эга бошқа гиллар таркибидаги бегона аралашмалар тури ва миқдорига қараб турли рангда, токи қора ранггача бўлади. Гиллар намлангандан сўнг пластик ҳолатга ўтиб, хохлаган шаклга кира олади. Уни куйдирилганда эса

сунъий тош материалига айланади. Гиллар сопол материаллар, цемент ишлаб чиқаришдаги асосий хом ашёдир.

■ Гипс ва ангидрид - химиявий чўкинди сифатида ажралиб чиқкан жинс бўлиб, асосан гипс ва ангидрид минералларидан ташкил топган. Ташки кўриниши ва физикавий - механик хоссалари бўйича бир - биридан фарқ қилмайди. +урилишда улардан минерал боғловчи моддалар олиш учун, айримларидан эса биноларнинг ички қисмини қоплаш учун ишлатилади.

■ Магнезит - химиявий йўллар билан ҳосил бўлган, магнезит минералидан ташкил топган жинс. Ундан қурилишда ўтга чидамли буюмлар ва материаллар олиш учун, қисман эса боғловчи модда (каустик магнезит) олишда фойдаланилади.

■ Мел (Бўр) - Органик қолдиқлардан ҳосил бўлган, ўсимлик қолдиқларидан ҳосил бўлган жинс. Химиявий таркиби бўйича бутунлай кальций карбонатдан ташкил топган, мустаҳкамлиги унчалик юқори эмас. +урилишда буёвчи таркибларда оқ пигмент сифатида, замаскалар тайёрлашда, шунингдек оҳак ва портландцемент ишлаб чиқаришда ишлатилади.

■ Диатомит - Органик қолдиқлардан ҳосил бўлган кремнийли жинсdir. Булар сувли қумтупроқдан (опал) иборат бўлган диатомитли сув ўсимликларининг скелетлари йиғиндисидан ташкил топган. Ташки кўринишидан диатомит оқ ёки сарғиш рангли, ғовак, жуда енгил ва юмшоқ. Бир оз цементлашган тоғ жинси бўлиб, кўпинча у ёзадиган бўрга ўхшайди. Бўр билан диатомитнинг бир - биридан фарқи шуки бўр HCl да қаттиқ қайнагани ҳолда, диатомит мутлако қайнамайди.

■ Трепел - +адимги геологик даврлардаги денгизларда яшаган содда ўсимликларнинг, силицитли чиганоқларнинг чўкиши натижасида ҳосил бўлган жинс. Трепел асосан, майда (0,01-0,001) опал минералли заррачалардан иборат. Ранги оқ, бўз, сарғиш пиритсимон бўлади. Диатомит ва трепеллар хоссалари бир - бирига яқин бўлади. Уларнинг ғоваклиги 60...70%, зичлиги  $350\text{-}950 \text{ кг}/\text{м}^3$ , иссиқлик ўтказувчанлиги  $0,17\text{-}0,23 \text{ ВТ}/(\text{м}^2\cdot\text{C})$ , фаол қумтупроқ микдори 75...96% ни ташкил этади. +урилишда диатомит ва трепелдан иссиқдан ҳимоя қиласиган материаллар тайёрлашда, шунингдек минерал боғловчи моддалар таркибида фаол минерал кўшимча сифатида ишлатилади. Вакт ўтиши билан трепел - майда зич заррали ёки ғовак, қийин намланадиган аморфли қумтупроқдан тузилган - опокага айланади. +урилишларда тош ўрнида турли кўринишдаги оҳактошлар, доломитлар ва қумтошлар ишлатилади.

■ Оҳактошлар жуда кўп ҳолларда органоген жинслар бўлиб, шунингдек химиявий йўллар билан ҳосил бўлган оҳактошлар ҳам учрайди (оҳакли туфлар). Оҳактошлар асосан кальцит минералидан ташкил топсада, кўпинча турли аралашмалар (қумтупроқ, гил, доломит, темир оксиди, органик бирикмалар) билан биргаликда учрайди. Ташки кўриниши оқиши, сарғиш ва бўз ранггача бўлади. Механикавий қўшилмалар рангига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин (кизил, пушти, кора, малла ва бошқалар). Таркибида гил микдори 6%

гача бўлгани - оҳактошлар дейилиб, гил миқдори 6-20% бўлса- мергелли оҳактош, гил миқдори ,20% дан кўп бўлса – мергеллар - деб аталади. Мергел сувда турғун эмас, совуққа бардош бермайди, шу сабабли тош ўрнида ишлатиб бўлмайди, бироқ цемент ишлаб чиқаришда баҳоси йўқ хом ашё ҳисобланади. Оҳактошлар таркибида гилларни жуда оз миқдорда бўлиши ҳам (3..4%), уларнинг сувда турғунлигини ва совуқбардошлигини камайтиради. +урилиш хоссалари сифатини камайтирувчи яна бир минерал - бу пиритдир -  $\text{FeS}_2$ .

Таркибида қумтупроқ бўлган оҳактошлар, бошқа хилларига қараганда мустаҳкам ва турғунроқдир.

Таркибида доломит аралашган оҳактошлар, доломитлашган оҳактошлар деб аталади.

■ Зич оҳактошлар - Уларнинг зичлиги 1800 кг/м<sup>3</sup> дан катта бўлиб, зичланган майда кальцит доначаларидан ташкил топган бўлади ёки табиий цементлар (оҳакли, оҳак-күмли) билан зичлашган бўлади.

+урилишда бундай оҳактошлар - тош кўринишида, иситилмайдиган биноларда, девор уришда, пойдевор тоши ўрнида, жанубий ҳудудлардаги турар жой биноларининг деворларини қуришда, деворга қоплаш учун ишлатиладиган плиталар ёки безакбоп деталлар кўринишида, цоқол, карниз, зинапояларда, шунингдек бетонга ишлатиладиган тўлдиргич ўрнида, йўллар пойи учун материал; портландцемент, оҳақ ишлаб чиқаришда асосий хом ашё сифатида ишлатилади.

Чифаноқтошли – оҳактошлар - денгизда яшаган моллюскаларнинг чифаноқларидан ҳосил бўлган ғовак тузилишили, зичлиги ва мустаҳкамлиги паст бўлган жинсдир.

Улардан қурилишда деворга ишлатиладиган тош ўрнида, деворларни устидан қопланадиган материал кўринишида, шунингдек, енгил бетонга тўлдиргич сифатида ишлатилади.

■ Оҳакли туфлар - химиявий йўллар билан ҳосил бўлган серғовак оҳактошлардир. Ҷовакли тузилишига эга бўлишилигига қарамасдан оҳакли туфлар етарлича совуққа чидамликка эга, чунки улардаги майда ёпиқ ғоваклар кам сув шимишни таъминлайди. Оҳакли туфларнинг ўзга кўринишидан бири - травертин тоғ жинси бўлиб, майда зич зарралардан тузилган мустаҳкам (сиқилишга мустаҳкамлиги 80 МПа) жинс, қурилишда биноларни сиртларини қоплаш учун ишлатилади.

■ Доломит - химиявий йўл билан ҳосил бўлган, доломит минералларидан тузилган жинс. Хоссалари жиҳатидан - зич оҳактошларга яқин туради, оҳактошлар қай мақсадларда ишлатилса, доломитлар ҳам ана шу мақсадларда ишлатилади, шунингдек улардан ўтга чидамли ва иссиқдан ҳимоя қиласиган материал тайёрланади.

### 3.4.Метаморфик тоғ жинслари ва уларнинг қурилиш хоссалари

Мураккаб физик - химиявий жараёнларнинг тоғ жинслариға таъсир натижасида уларнинг ўзгариши - метаморфизм деб аталади. Метаморфик тоғ жинслари магматик ва чўкинди тоғ жинсларининг структураси ҳамда минералогик ва кўпинча химиявий таркибининг юқори температура босим, магматик газ ва сув, химиявий моддалар таъсири остида ўзгаришдан ҳосил бўлган. Ер пўстлоғида содир бўладиган метаморфизм процесси қуйидаги асосий турларга бўлинади:

1. Динамометаморфизм - ер шарининг дислокация жараёни тарқалган худудларида кўп тарқалган. Бунда тоғ жинслари юқори ҳарорат ва кучли босим таъсирида, ўз текстураси ва минерал таркибини ўзгартиради.

2. Контактли метаморфизм - тоғ жинслари қизиган магма ва ундан чиқкан маҳсулотлар билан бевосита тегиб турган жойида юқори ҳарорат таъсири натижасида ўзгаришидан ҳосил бўлади. Бу ернинг чуқурроқ қисмларида содир бўладиган метаморфизмнинг бошқа турларидан фарқ қилиб, кучсиз босим остида содир бўлади. Бу ҳодиса натижасида оҳактошдан мармар ва кўмирдан графит ҳосил бўлади. Гидротермал шароитда, яъни иссиқ сувли эритма таъсирида хлоратланиш ва серпентинлашиш содир бўлади.

3. Регионал метаморфизм - катта босим ва юқори ҳарорат таъсирида, ер пўстлоғининг чукур қисмида катта майдонда содир бўлади. Бу метаморфизмнинг пастки зоналарида тоғ жинслари зичлашади ва цементлашади. Масалан; юқорида ётувчи қатламларнинг босими, температура таъсирида гиллар - гилли сланецларга, юмшок қумлар - зич қумларга айланади. Ернинг чукур қисмларида ҳарорат ва босимнинг юқори даражадаги таъсири оқибатида, зичланган тоғ жинслари яна қайтадан кристалланиб уларнинг структураси ва таркиби ўзгаради. Ана шундай шароитларда кристалли сланецлар ҳосил бўлади.

4. Пневмогидротермал метаморфизм - магманинг юқорига ҳаракат қилиб, интрузив тоғ жинсларини ҳосил қилган пайтда ундан ажралган юқори температура ва босимга эга бўлган газлар ҳамда суюқ эритмалар таъсирида магматик, эффузив ва интрузив жинсларининг ўзгаришидан ҳосил бўлади. Бу жараён пневматолит ёки гидротермал метаморфизм деб аталади.

Метаморфик тоғ жинсларининг минералогик таркиби, кўпинча магматик ва чўкинди тоғ жинсларининг айнан ўзларидир. Метаморфик жинсларнинг текстураси - сланцли (гнейслар, гилли сланецлар) ёки массивли (мармар, қумтош). Сланецли тузилиш бир томонлама босим таъсирида шакли ўзгарган жинслар учун характерлидир. Ушбу метаморфик тоғ жинсларининг сланецли тузилишига параллел бўлган йўналиш бўйича курилиш хоссалари, масалан; совукбардошлиги, мустаҳкамлиги пасайиши мумкин. Массивли (залворли) текстура - ҳар томонлама босим остида ҳосил бўладиган жинслар учун характерли бўлиб, бунда керакли чўкинди тоғ жинси қайта кристалланиш ва зичланиш оқибатида яхлит, тузилишга эга бўлади. Бундай жинслар ўзи ҳосил бўлган чўкинди тоғ жинсларига кўра, юқори зичликка эга бўлади.

+урилишда метаморфик тоғ жинсларидан:

Гнейслар, гилли сланецлар, мармарлар ва кварцитлар ишлатилади.

■ Гнейслар - минерал таркибига күра гранит типидаги жинсларга ўхшаш. Сланецли тузилиши бўлгани сабабли узоқка чидамайди. +урилишда уларни кўпроқ пойдеворга тош плитка ўрнида, тротуарларга териш учун, канал қирғоқларини кошинлашда ишлатилади.

■ Гилли сланецлар - Гиллардан ташкил топган типик сланецли метаморфик тоғ жинси бўлиб, ранги қора ёки кулранг қорамтири. Гилли сланецлар сувда ивимайди, сув билан аралашиб кетмайди, нурашга қарши яхши бардош беради, осонгина юпқа варақачаларга (3...10мм) ажралиб, томга ёпиладиган материал сифатида ишлатилади.

■ Мармарлар - Оҳактошлардан ҳосил бўлиб, кальцит минералларининг пухта бирикишидан, баъзан доломит, марганецли, темирли ва углерод бирикмалар билан аралашиб, уларга турлича ранг беради. Аралашмалар бир текисда тарқалмаганлигидан мармарлар ранг - баранг жилоларда товланиб ажойиб кўриниш беради. Мармарларнинг зичлиги анча юқори - 2900 кг/м<sup>3</sup> гача, сув шимувчанлиги 0,7% гача, сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги -300 МПа гача, қаттиқлиги -3 га teng. Мармарларга ишлов бериш осон, уларни юпқа плиталарга қирқиб ажратиш мумкин. Мармарлардан биноларнинг ички қисмидаги деворларга қоплама материал, зинапоя саҳнларида, устунларда, қоплама материал сифатида ишлатилади. Мармарнинг синиклари эса сувоқчиликда пардозбоп қурилиш материали сифатида ишлатилади. Биноларнинг ташки қисмларида қўпчилик турдаги оҳактошларни ишлатиш ярамайди, чунки ташки об - ҳаво таъсиридан (сув, олtingугурт гази, иссиқ-совук) мармар юзасининг жилоси бузилади, кўзга ташланиб турадиган даражада емирилади (ранги ўзгаради, ғовак, ғадир- будир бўлиб қолади).

- +умтошлар (кварцитлар) - қумларнинг зичланиб, кўриниши ўзгарган жинсдир. У зич тузилишли, кварцли цемент билан цементланган, қайта кристалланган кварцдан иборат. Ташки кўринишидан - ок, қизил, тўқ олча ранг бўлади, зичлиги - юқори, 2700 кг/м<sup>3</sup> атрофида, сув шимувчанлиги 0,2% дан кичик, сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги- 400 МПа гача, қаттиқлиги 7 га teng бўлиб, узоқка чидайди. +умтошлар ташки юзаларни пухта қопламалаш учун, кўприкларнинг фермалари остида, чақиқтош ўрнида, шунингдек динасли ўтга чидамли материаллар сифатида ишлатилади

## 4- Боб.

### Геологик эра ва даврлар

#### 4.1 Тоғ жинсларининг ёшини аниқлаш

Ер қобигини узок давом этган геологик тараққиёти тарихини ойдинлаштиришда тоғ жинслари, уларнинг ётиш шакллари, таркиблари ва улардаги органик ҳаётнинг қолдиқлари муҳим роль уйнайди. Тоғ жинсларини тўла ўрганиш орқали, ер қобигининг геохронологик шкаласи ишлаб чиқилган бўлиб, унда ер қобигининг тарихий тараққиёти жараёни вақтини ва кетма - кетлигини геологик йил ҳисобида кўрсатилган. Ер қобигининг геохронологияси Ердаги органик ҳаёт ва ер қобигининг маълум бир тараққиёти босқичлари даврлари кетма - кетликлар йиғиндисидан тузилгандир. Геохронологик бўлиниш нисбий ва абсолют бўлади.

Нисбий геохронология - тоғ жинси қатламларининг энг олдин пайдо бўлганини аниқлаш учун қатламлардаги ўсимлик ва хайвон қолдиқларини топиб, уларнинг бирини иккинчисига таққослаб кўрилади. Энг оддий хайвонлар ва ўсимликлар қолдиги бор пастки қатлам ундан юқорида ётувчи қатламга нисбатан кекса ҳисобланади. +атламларнинг олдин ёки кейин ҳосил бўлганлигини - стратиграфия деб аталади.

Стратиграфияда петрографикавий ва палентологик услублар мавжуддир.

Петрографикавий усул - Тоғ жинсларининг ҳосил бўлиши структураси ва химиявий - минералогик таркибини ўрганиш асос қилиб олинган. Бу кўринишларнинг ўхшашлиги турли худудлардан геологик қирқимлар (қалинликлар) ўзаро таққослаб кўрилади. Тоғ жинсларини нисбий ёшини аниқлаш энг ишончли усули - палеонтологик усул бўлиб, унда қатламлар орасидаги органик ҳаёт қолдиқлари текширилиб, таққослаб курилади. Ердаги органик ҳаёт кетма - кет ва қайтарилмас, оддийдан - мураккаблик томон тараққий қилиб борган. Айрим организмлар груухи, катта худудларда лекин қиска геологик муддатда яшашган. Мана шу груух организмлар, бир - биридан анча узокда жойлашган тоғ жинсларини нисбий ёшини аниқлашда асосий қазилмалар бўлиб ҳисобланади. Органик қолдиқларни текшириш натижасида тоғ жинслари қатламларининг энг олдин пайдо бўлганлари ва ундан кейин ҳосил бўлганлари аниқланади ва геохронологик жадвал тузилади:

Ётқизиклар	Вақтлар
Группа	Эр
Система	Давр
Бўлим	Эпоха
Ярус	Аср

Ер қобиги тарихидаги ётқизиклар ва вақтлар Ердаги тарихий воқеаларнинг асосий табиий босқичларни кетма - кет қамраб олади. Геохронология

жадвалига кирган эралар, давлар, эпохалар номи бир жойнинг, тоғ ахолиси номи билан аталган, ёки тоғ жинсининг таркибига мослаб қўйилган. Масалан; палеозой эраси номи 1838 йилда, А.С Сэджвик томонидан, мезозой ва кайнозой эраларининг номи 1840 йилда Д. Филипс томонидан берилган.

Энг қатта стратиграфик бирликлар группа ва системалардир. Системалар ўз навбатида бўлимларга бўлинади (қуи, ўрта, юқори), бўлимлар эса маҳаллий ном билан аталувчи ярусларга бўлинади. Масалан; Республикаизда тўртламчи системани геохронологик ва стратиграфик бўлиниши қуидагичадир: +уий тўртламчи - Нанай ( $Q_1$ ); ўрта тўртламчи - Тошкент ( $Q_2$ ); юқори тўртламчи - очиқўрикли (голодостепская) ( $Q_3$ ) ва замонавий - Сирдарё ( $Q_4$ ). Геохронологик бирликлар, стратиграфик ётқизиқлар каби номланади

## ГЕОХРОНОЛОГИК ЖАДВАЛ

Мезазой	Кайназой	Эраларнинг номи	Эраларнинг белгиланиши	Бўрмаланиш давлари	Давр (система)	Даврларни белгиланиши	Эпоха	Эпохаларни белгиланиши	Номларни келиб чиқиш тарихи	Органик дунёнинг ривожланиши ва турлари	Давом этган вақт
Мезазой	Тинч океан бўрмаланиши	Альп бўрма Ланиши	Тўртламчи ёки антропоген	Ap(Q)	Хозирги замон тўртламчи	Ap <sub>4</sub>	Тўртламчи давр қазилма ҳолда учрайдиган хозирги замон шаклларининг кўп учраши билан	Одам пайдо бўлган ва хозирги замон ўсимлик ва хайвонлари ривожланган.	1 - 1,5		
					Юқори тўртламчи	Ap <sub>3</sub>					
					Ўрта тўртламчи	Ap <sub>2</sub>					
					+уий тўртламчи	Ap <sub>1</sub>					
			Неоген	N	Плиоцен	N <sub>2</sub>	+азилма ҳолда учрайдиган ўсимлик ва хайвон колдиклари билан	Сут эмизувлар ва гулли ўсимликлар пайдо бўлади.	25–30		
					Миоцен	N <sub>1</sub>					
					Олигоцен	Pg <sub>3</sub>					
			Палеогон	Pg	Эоцен	Pg <sub>2</sub>	Хозирги хаётнинг бошлангичи		30–35		
					Палеоцен	Pg <sub>1</sub>					
			Бўр	C <sub>r</sub>	Юқори бўр	K <sub>2</sub>		Бўр ётқизиги бу давр учун харак-терли	Бошли, оёкли, чиганоклилар ва судралиб юрувчилар, сувда ва қуруқликда юрувчи кушлар пайдо бўлган	55–60	
					+уий бўр	K <sub>1</sub>					
			Юра	I	Юқори юра	I <sub>3</sub>	Бу давр ётқизиклари биринчи марта Юра тоғларида ажратилган		25–35		
					Ўрта юра	I <sub>2</sub>					
					+уий юра	I <sub>1</sub>					
			Триас	T	Юқори триас	T <sub>3</sub>	Табиятда бу даврнинг уч кисмга бўлиниши демакдир		30–35		
					Ўрта триас	T <sub>2</sub>					
					+уий триас	T <sub>1</sub>					



## ГЕОХРОНОЛОГИК ЖАДВАЛ (давоми)

Археозой	Протерозой	Палеозой	Палеозой	Коподон бурмаланиши	Варис ёки Герден бурмаланиши	Бўрмаланиши даврлари	Давр (система)	Даврларни белгиланиши	Эпоха	Эпохаларни белгиланиши	Номларни келиб чиқиш тарихи	Органик дунёнинг ривожланиши ва турлари	Давом этган вакт млн.йил
	P <sub>r</sub>	P <sub>z</sub>	P <sub>z</sub>						Юқори пермь +уий пермь	P <sub>2</sub> P <sub>1</sub>	Давр ётқизиклари Пермь областида биринчи марта ажратилган	Амфибиялар ва спорали ўсимликлар хамда баликлар, елка-оёкли чиганоқлилар пайдо бўлган	25-30
							Пермь	P	Юқори карбон Ўрта карбон +уий карбон	C <sub>3</sub> C <sub>2</sub> C <sub>1</sub>	Кўмир ётқизиклари шу давр учун характерли		50-55
							Карбон	C	Юқори девон Ўрта девон +уий девон	D <sub>3</sub> D <sub>2</sub> D <sub>1</sub>	Девонлар – Англия графлиги, бу давр ётқизиклари биринчи марта ана шу ерда ажратиб аникланган	Умурткасиз хайвонларнинг кўп турлари пайдо бўлган ва ривожланган	45-50
							Девон	D	Юқори силур +уий силур	S <sub>2</sub> S <sub>1</sub>	Силурлар – Англия билан Уэльс орасида яшаган +адимги кабила бу давр ётқизиклари ана шу ерда биринчи марта ажратилган		40-45
							Силур	S	Юқори ордовик Ўрта ордовик +уий ордовик	O <sub>3</sub> O <sub>2</sub> O <sub>1</sub>		+алқонли баликларни биринчи авлоди пайдо бўлган	70-80
							Ордовик	O	Юқори кембрий Ўрта кембрий +уий кембрий	Cm <sub>3</sub> Cm <sub>2</sub> Cm <sub>1</sub>	Кембрия Уэльснинг қадимги номи	Сув ўсимликлари ва бактериялар кўпайган ва ривожланган	70-90
							Кембрий	Cm	Факат маҳаллий бўлинешга эга	P <sub>r</sub>	Анча +адимги хаёт деган маънени билдиради	Оддий сув ўсимликлари, бактериялар ва умурткасиз хайвонлар пайдо бўлган	600-800
	A <sub>r</sub>	P <sub>r</sub>		Кембрийдан олдинги	P <sub>r</sub>				Факат маҳаллий бўлинешга эга	A <sub>r</sub>	Дастлабки хаёт деган маънени билдиради	Бошлангич органик дунё шаклларининг излари учрайди	1000 дан ортик

Абсолют геохронологик - бу абсолют геохронологик йил ҳисобидир. Геологик вақтлар - миллион йилларни ташкил этади. Тоғ жинсларини йил ҳисобида ифодаланган ёши уларнинг абсолют ёши деб аталади. Тоғ жинсларининг абсолют ёшини аниқлашда радиоактив усулдан фойдаланиб, бу

усул радиоактив элементлар (уран, торий, рубидий, калий) парчаланишига асосланган. Табиатда радиоактив моддалар парчаланиши бир хил тезликда, атроф муҳит шароитига боғлиқ бўлмаган ҳолатда рўй беради. Парчаланишнинг сўнгги натижаси маҳсулоти - дастлабки элементга мос келувчи, радиоактивлиги бўлмаган қўрғошиндир. Емирилиши жараёни давомийлиги ҳар қайси радиоактив элемент учун турличадир. Масалан; 1 грамм урандан парчаланиш натижасида, бир йилда қанча қўрғошин ҳосил бўлишини билган ҳолда ва шу минералда уларнинг биргаликдаги микдори қанчалигини аниқлаб, маълум ҳисоблашлар орқали тоғ жинсидаги минералнинг абсолют ёшини аниқлаш мумкин. Углерод С<sup>14</sup>нинг яrim парчаланиш даври 5568 йилга teng, бу усул ёрдамида ёш тоғ жинси қатламининг ёшини белгилаш мумкин. Радиометрик усул - ердаги ҳаётнинг бошланиш вақти, ер қобиғидаги ривожланишидаги тарихий воқеалар, ернинг ёшини аниқлашга имкон беради.

## 5- Боб. Ернинг ички кучига боғлиқ бўлган геологик ҳодисалар

Ернинг устки қавати (литосфера) узлуксиз равишда доимо ҳаракат қилиб, тебраниб ва ўзининг геоморфологик қиёфасини ўзгартириб туради. Ўзгаришларни ҳосил бўлишига сабаб бўлган жараёнлар ернинг ички кучига боғлиқ бўлиб, улар эндоген жараёнлар деб аталади. Эндоген кучлар таъсирида - ер қобиғининг тузилиши ҳаракати, тебраниши, кўтарилиши ва пасайиши сингари тектоник ҳодисалар юз беради.

Ер юзида содир бўладиган ташқи кучлар таъсирида ер юзаси ўзгаради ва бу кучларни экзоген кучлар деб аталади. Эндоген ва экзоген кучларни биргаликдаги таъсирида, Ернинг ҳозирги қиёфаси - яъни қуруқликлар, тоғлар, текисликлар ва океанлар кўп йиллар давомида вужудга келган.

### **5.1. Тектоника. Ернинг тузилишида тектоник ҳодисалар ўрни.**

Ернинг ички, (эндоген) қучи таъсирида ер қобиғида ҳаракатлар рўй беради ва буни тектоник ҳаракат деб аталади. Тектоник ҳаракатлар туфайли ер қобиғи массасини қўчиши кузатилиб, оқибатда ернинг айрим қисмлари кўтарилиши, пастга тушиши ва эзилиши мумкин. Тектоник ҳаракатларни ва улар билан боғлиқ бўлган ер қобиғини деформациясини ўрганувчи геология бўлими - тектоника ёки геотектоника деб аталади. Замонавий рельефнинг асосий негизларини ҳосил этган янги тектоник жараёнларни ўрганувчи геотектоника бўлими – неотектоника - ёки геотектоника деб аталади. Кўпчилик тадқиқотчилар фикрича неотектоник жараёнлари ҳосил бўлиши сабаблари - тўла ўрганилмаган. Тахминларга кўра - тектоник ҳаракатларга ички иссиқлик тўпламидан ҳосил бўладиган зўриқишлиар сабаб бўлиши мумкин. Ер қобиғидаги деформациялар ва тектоник ҳаракатларга денгиз сатҳидан 7 - 8,9 км кўтарилиб турадиган баланд тоғ тизмалари ёки океандаги 6-11км чуқурликлар, 4км баландликдаги АНД тоғларида денгиз қолдиқларидан ташкил топган денгиз ётқизиқлари бўлиши; баланд денгиз ва дарё терраса (супачалари) мисол бўла олади.

Масалан; +ора денгиз, Кавказ олди соҳилларидағи энг +адимий терраса ҳозирда 900м баландликда жойлашган.

Денгиз ётқизиқларининг тарқалиш характеристи, уларни айрим майдонларда тўпланиш вақти - вақти билан рўй бериши, денгизни бир неча марта қуруқликка кириб бориши ва қайтиши билан изоҳлаш мумкин. Ер қобиғининг тектоник ҳаракатлар бўйича силжувчан ва турғун ҳудудлар бўлиб, улар шунга мос равишда геосинклинал ва платформалар дейилади.


**Геосинклиналлар** - Ер қобиғининг 10 - 25км қалинлигидаги ётқизиқларининг геодинамик кучланишларининг катта ўзгариши ва юқори ҳаракатчанлиги зонасини билдиради. Ҳозирда геосинклиналлар ер қобиғининг асосий тектоник элементларига киради. Дастреканинида

геосинклиналлар туби эгилган денгиз бассейнлардан иборат бўлган ва қалин чўкинди тоғ жинсларини ташкил этган. Вақтлар ўтиши билан эндоген жараёнларда тектоник кучлар тўпландиган, чўкинди қатламлар ўзгаришга учраб, букилмали тоғ тизмалари Альп, Карпат, +рим, Кавказ, Помир ва бошқа тоғлар ҳосил бўлган.. Геосинклиналли ҳудудлар учун сейсмик ҳодисалар (ер қимирлашлар) ва вулқонлар бўлишлиги ҳосдир.

**Платформалар (текис формалар)** - Ернинг тектоник ҳаракатлари нисбатан тинч бўлган қисмларидир. Платформалар учун секин тебранма ҳаракатлар характерлидир. Платформалар қўш қаватли тузилишга эга. Остки қаватда (асосда) букилган ҳолатда чўкинди тоғ жинслари ёки метаморфик ёки магматик тоғ жинслари жойлашади уларни устки қисмини эса чўкинди тоғ жинси қоплаб ётади.

## 5.2 Тектоник ҳаракатларнинг турлари ва ер қатламларининг ётиш шакллари

Ер қобигининг тури ва мураккаб деформациясига сабаб бўладиган тектоник ҳаракатлар тебранувчи (тик) ва букилмали (пликатив) кўринишда бўлади. Тебранма ҳаракат - эпейрогенез деб аталиб, бунинг натижасида баъзи жойлар кўтарилиши оқибатида қуруқлик қатталаша боради, баъзи жойлар чўкиб денгиз тубига туша боради. Масалан: Германиянинг шимолий қисми, Голландия, Белгия давлатлари қуруқликлари пасайиб бормоқда, қўшни ҳудудларда эса кўтарилиб бормоқда. Ер қобигининг айни бир ҳудуди, тури геологик даврларда кўтарилиши ёки пасайиши мумкин. Тебранма ҳаракатлар тезлиги турлича бўлиши мумкин. Тахминларча уларнинг энг юқори тезлиги йилига бир неча см дан кўпроқ, ундан ҳам секин бўлиб йилига мм нинг улушларига teng. Ернинг ривожланиш тарихида тебранма ҳаракатларнинг тезлиги бир маромда бўлмаслиги кузатилади: тебранма тектоник ҳаракатлар билан денгизнинг қуруқликка кириб бориши (трансгрессия) ва қайтиши (регрессия) боғланган бўлиб, бинобарин чўкиндилар тўпланиши режими ва тоғ жинсларини ўзгариши, ушбу ҳодиса билан боғлангандир. Пасайиши чоғида асосан карбонат жинслар ҳосил бўлади, кўтарилган чоғида кўпроқ чақилган жинслар ҳосил бўлади. Бу эса ўз навбатида жинсларнинг шакланаётган қатламланиш шароитини белгилайди. Энг фаол, шиддатли тебранма ҳаракатлар нисбий юқори тезлик билан - геосинклинал ҳудудларда намоён бўлади. Уларда чуқур излар - денгиз чуқурликлари ва улкан баландликлар ҳосил бўлади. Букилмали тектоник ҳаракатлар ер қобигининг




5.1 – расм. Букилмалар ва уларнинг элементлари:

а – антиклинал; б – синклинал; Ҷ – ёсаноти; О – букилмалар сеъи; С – эгар:

ташкил этувчи тоғ жинсларининг дастлабки ётиш шаклларини эзилиб, букилиб, яхлитлиги бузилишда намоён бўлади. Тоғ жинсларининг дастлабки ётиш шаклларининг бузилиши яъни дислокацияларини билиш, тоғларнинг ҳосил бўлиши масаласини тўғри ҳал қилиш, тоғларни вужудга келтирган кучларни белгилаш, ер қобигини ўрганиш, фойдали қазилмалар конларини белгилаш ва уларни қидириш, улардан рационал фойдаланишга имкон беради. Ер қатламларида тангенсиал кучлар натижасида буклима ҳосил бўлади.(5.1-расм). Агар биз бир неча букилмаларни олиб кўрсак, уларнинг кўтарилиган жойини ёки кейин паст тушган жойларини учратамиз.

Дўнгликлари юқорига қаратилган қабариқ букилмалар антиклинал букилмалар ёки геологлар тили билан айтганда антиклиналлар дейилади.(5.2-расм)



5.2 – расм. Букилмаларнинг


5.3 – расм.

Ботик, яъни чўққиси пастга қараган букилмалар синклинал букилмалар ёки синклиналлар мульдадар дейилади.

Кўпинча, букилмаларнинг ювилиб кетган қисмларини хаёлан тиклашга, ҳаво букилмалири қуришга тўғри келади. Агар ер қобигининг қўшни участкаларидаги горизонтал кучларининг айирмаси қатламларнинг бир-биридан ажралишига олиб, борса, уларда бир-бирига нисбатан горизонтал силжиш юз беради. Ер қатламларининг бундай горизонтал силжиши сильж иш деб аталади (5.2-расм). Агар қўшни участкаларнинг вертикал кучи таъсирида қатламлар ўртасидаги боғланиш бузилиб, улар бир-бирига нисбатан вертикалига силжиган бўлса, бундай силжиш узилма деб аталади (5.4-расм). +атламларнинг бир-бирига нисбатан вертикал силжиш катталиги узилма амплитудаси деб аталади. Агар қатламларнинг силжишида уларнинг яхлитлиги бузилмаса, бу ҳолда тирсакли буклима ёки флексура вужудга келади(5.3-расм).

Кўпинча, ўзилмалар майлум бир чизик бўйича юз бермайди, балки ҳархил узилма чизиқлари бўйича ҳосил бўлган бир неча узилмалар серияси ҳолида учрайди. Булар горст ва грабенлардан иборат.

Горст бир жойнинг икки томони майлум даражада пастга тушиб, ўртаси кўтарилиб қолганда ҳосил бўлади (5.4-расм).



5.4 – расм. 1 – узилма; 2 – пођонали узилма; 3 – грабень; 4 – горст.

Агар, аксинча, бир жойнинг ўртаси пасайиб ёки кўтарилиб қолса, у ҳолда гра бе нъ ҳосил бўлади.

Синиш - Ер қобиғидаги анча узунликкача чўзилиб борган йирик узилмалардир. Литосферанинг қалинлигига тенг келадиган анча чукурликлардаги синишлар - ички синишлар деб аталади.

Ички синишлар (узилишлар) узок муддатли бўлиб, анча катта майдонларда тарқалган бўлади. Ер қобиғининг юзаси узилишлар билан турли шаклли ва ўлчамли бўлакларга бўлингганга ўхшайди.

Ажралган бўлаклар чегаралари бўшроқ майдонлар (чоклар) ни ташкил этади. Ана шу сабабдан ернинг ички кучига боғлиқ бўлган ходисалар, ер қобиғини бирор майдонини кўтариб ёки туширса, шу майдон шакли ернинг ички узилишидан ҳосил бўлган тўрлар тузилиши шаклини олади.

Ички узилишлар йўналишига қараб, бутун тектоник зоналар аниқ бир йўналганликка эга бўлади. Агарда геологик ёки тектоник харитага қараладиган бўлса, Байкал кўлидан токи Италиягача бўлган тизмалар бир хил, шимолий-шарқий йўналиш томонга чўзилгандир.

Ер қобиғининг ички узилишлар бўйича бўлиниши ички геологик жараёнлар ўзгаришида асосий ролни ўйнайди.

Ер қобиғининг пульсив тебранма харакати катта майдонларда рўй беради ва катта амплитудали тез кўчишлар билан характерланади.

Пульсацион тебранишлар ер қобиғининг чукур қисмида рўй бераётган букилмали харакатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Улар букилмали худудларни Ер юзасига тоғлар кўринишида кўтариб чиқади.

Шундан кўринадики бу ходиса туфайли ер қобиғининг майдонларининг кўтарилиши ва пасайиши ўзгариши нисбати тезлашади, ва қирғоқ йўлларини тез ўзгаришига сабаб бўлди.

Кўрсатилган ушбу икки омилларни фаолияти натижаси орқали кўрсатиш мумкин: бу литологик таркибини жинсларни қатламланиши, шунингдек қатламлар ораси бўлинишлигидир.

Букилмали харакатлар букилмалардаги қатламларни эзилишига сабаб бўладиган, ер қобиғининг пластик деформацияси натижасида хосил бўладиган харакатлардир.

Агарда босим узоқ вақт давом этадиган бўлса хар қандай мустахкам жинс ва минераллар хам деформацияга учраши мумкин.

Ташқи куч таъсирида жинсларнинг узоқ муддатли деформациялари силжиш деформациялари деб аталади.

Агар бирор сиртдаги мум устига унча катта бўлмаган юк қўйилса ва уни узоқ вақт қолдирилса, у эзилиб деформацияланиши мумкин лекин ёрилиб кетмайди. Худди шунингдек тоғ жинсларини қатламини эзib ётган кучлар аста секинлик билан, узоқ геологик даврлар давомида қатламларни ва букилмаларни эгади. Агар зўриқиши тез, шиддатли, кескин, турткисимон тарзда рўй берса, бу хол тоғ жинсларини ёрилишига ва уларда ёриқлар хосил бўлишига сабаб бўлади.

Букилмадаги эзилган худуд дастлабки холатига қайта олмайди, худди шу холат ёриқлар хосил бўлган худудларда хам бўлади. Улар кейинчалик, шароит ўзгаришига қараб кенгайиши кузатилади. Аввал таъкидланганидек узилмалар ва ёрилишга сабаб бўладиган қатлам дислокациялари ер қобиғининг яхлитлигини бузади, унда ёриқлар хосил бўлиб ёриқлар бўйича ер қобиғи нисбатан кўчиши кузатилади.

### Ер қатламларини ётиш холати ва уларни аниқлаш

Ер қобиғиниг тектоник харакати туфайли қатламдаги тоғ жинсларини фазовий турли йўналишларда жойлашишини кузатиш мумкин. +урилиш майдонларини геологик шароитини хисобга олишда, ер қатламларини фазовий жойлашганлик ҳолатини аниқлаб, геологик ҳариталарда белгиланиш лозимдир. Бунинг учун қатламларнинг ётиш элементлари: ётиш, ётиш азимутлари, тушиш чизиги ва тушиш бурчагидир.

Ётиши- қатламнинг узилишини кўрсатиб, қатлам сиртининг, горизонтал текислик билан кесишиш чизиги билан характерланади. (рис 40).

Тушиш бурчаги - +атламнинг сирти билан горизонтал текислик хосил қилган бурчакдир. Унинг қиймати 9 дан  $90^{\circ}$  гача ўзгариши мумкин.

Ётиш азимути - ётиш бурчаги билан географик меридиан орасидаги бурчакдир.

Тушиш чизиги - қатлам сиртидан унинг тушиши томон ўтқазилган чизик бўлиб, ётиш чизигига перпендикуляр равища бўлади.

Ётиш элементларини аниқлаш учун маҳсус ишланган тоғ компаси ишлатилади.

Оддий компасдан уни фарқи шундаки: соат стрелкаси йўналишига тескари ёзилган, даражаланган лимбага эга бўлиб; унда (шарқ ва ғарб) жойланиши ўзгартириб қўйилган. Ҳар қандай азимутни аниқлаш учун, компаснинг асоси томонини, Ш-Ю (шимол-жануб) параллел чизигини, текширилаётган чизикни йўналишига мослаштирилади ва магнитнинг шимолий кўрсатувидан, тайёр натижа ёзиб олинади. Масалан: қандайдир қатламнинг ётишининг ўлчашнинг якуний натижаси шундай кўринишда бўлсин: ШШ  $40^0$ ,  $\angle 29^0$ .

Бу ёзувдан шу кўринадики, қатлам шимолий-шарқга томон тушиб ётган бўлиб, унинг қатламланиш текислиги горизонтал текисликка нисбатан  $25^0$ ни ташкил этган. Ётиш азимутни аниқлаш учун,  $90^0$ ни қўшиб қўйиш ёки айриб ташлаш керак.

Геологик хариталарда ётиш элементлари стрелка кўринишда, тушиш бурчаги эса сонларда ифода этилади.

Ётиш элементлари қатламнинг усти ва ости нуқталарининг абсолют (ёки нисбий) жойлашиш белгиси билан биргаликда, қатламнинг фазовий зжойлашиши аниқ ифодалайди. +атламнинг чукурдаги нуқталари, бурғ қудуклари ёрдамида аниқланади. Бу мақсадда бир нуқтадаги саноқларни аниқлаш кифоя. Бирор томонга қудукларни қазиш билан аниқланади. +атламларнинг фазовий жойлашишини аниқлаш, қатламларнинг чукурлигини, қалинлигини, ётиш характеристини ўрганиб, бино ва иншоотлар уларни асос танлашда аскотади.

### Тоғ жинсларининг ётиш шароитларини ахамияти.

Тоғ жинсларин ётиш шароитини ўрганиш ва айниқса жинсларни бузилиши ва уларнинг қиялиги қурилиш учун мухим аҳамият касб этади. Инженерлик-геологик нуқтаи назардан горизонтал ётган, бир таркибли ва анчагина катта қатламлар қулай ҳисобланади (Рис42. Апаньев).

Бундай холларда бино ва иншоотларнинг пойдеворлари бир жинсли грунтли мухитда бўлиб, иншоот оғирлиги таъсиридан бўладиган чўкишлар бир текисда бўлади. Бундай шароитларда иншоот энг қулай турғунликка эга бўлади.

Дислокацияларни бўлишлиги, қурилиш майдонининг инженерлик-геологик шароитини ўзгартириб, қийинлаштиради. Иншоот асосидаги грунтларни бир жинслиги бузилади, парчаланиш зоналари хосил бўлади, жинсларнинг мустаҳкамлиги камаяди, ёриклар бўйича силжишлар рўй беради, ер ости сувлари ҳаракатланади. +атламлар қийшайган холатда бўлади. +атламларнинг тушиш қиялиги - катта инженерлик-геологик аҳамиятга эгадир. +атламларнинг нотекис қиялаб ётиши натижасида иншоотнинг турли қисмлари, хар-хил жинслар устига жойлашиши мумкин. Бу эса қатламларнинг нотекис қисилиши ва бинонинг хамма бўлакларини турлича чўкиши оқибатида, бутун иншоот деформацияланиши мумкин.

Букилмаларни мураккаб характердан тузилиши, кичик ўлчамли бўлиши, унинг устига қурилган бинонинг нокулай шароитда қолдиради.

Гилли жинслардан ташкил топган қатламнинг етарли даражада қийшайган бўлса, қияликларда кўпинча суримиш ходисаси рўй бериши мумкин. Букилмали дислокациялар кўпинча узилма ва силжишларни вужудга келтиради.

Агар қурилиш майдони анча чўзилган узилма ёки силжиш зонасига тўғри келиб қолса, унда иншоот қурилиш жойини синиш чизигидан узоқроқда жойлаштириш керак. Синиш чизигини беркитиб, устига иншоот қуриш хавфлидир.

+урилиш майдонини инженерлик-геологик баҳолашда, бутун тоғли районнинг геологик шаклланиш тарихини ҳисобга олиш лозимдир.

## **Ер қобигидаги ҳосил бўладиган тектоник харакатлар сабаблари хақидаги гипотезалар**

Ер қобигининг турли букилмали ва узилмали дислокациялари кўриб чиқилганда, уларни ҳосил бўлиши сабаби ернинг ичидаги вужудга келадиган тектоник харакатлар деб кўрсатилади. Лекин айрим узилмали ва узилмали тузилмалар нотектоник йўллар билан ҳам ҳосил бўлиши мумкин, шу сабабли дислокацияларни ўрганиш чоғида тектоник ва нотектоник ҳосил бўлиш тузилмаларини ажратиш лозимдир.

Нотектоник тузилмалар ҳосил бўлиши сабаблари ўрганилган бўлиб, улар экзоген жараёнлар туфайли юз беради. Масалан: суримиш, кўчиш, карстлар, музликларнинг жинсларга босими ва ҳ.к.

Ер қобигидаги тектоник харакатларнинг ҳосил бўлиш сабабларини аниқлаш анчалик мушкул вазифадир.

Ҳозирги шароитда тектоник харакатларни ҳосил бўлиш сабаблари 3 гурӯхга ажратилган:

- 1) Кинематик белгиларга асосланган яъни ер ўқининг тебранма харакати туфайли бизнинг планетамизнинг секинлаб ёки тезлаб кетиши, қуёш ёки ойнинг тортиш кучи туфайли магманинг қайнаши -совуши харакати ва бошқа ходисалар оқибатига асосланган.
- 2) Ер қобигининг экзоген жараёнлар билан боғланиш харакатига асосланган.
- 3) Ернинг ички тузилиши ўзгаришининг геотектоник жараёнлар фактори сифатида тан олиниши.

Бу соҳада В. А. Обручев ва В.В. Белоусов концепциялари кўпроқ танилгандир. В.А. Обручев гипотезасига кўра, ернинг тараққиёти давридаги ер қатламишининг ва айниқса фаол содир бўлаётган, кенгайиш ва қисилиш кучлари таъсири шароитидаги харакатидан келиб чиқади. Бунда 2 хил; тебранма, букилма харакат кўрсатилади.

+исилиш жараёнида иссиқлик йўқолиши, чўзилиш эса магманинг қаттиқ ҳолатдан юмшоқ ҳолатга ўтиш, қисилиш тугагандан сўнг, босим камайиши билан шартланади.

Кенгайиш, кўчувчи белбоғлар - геосинклиналларни ташкил этади. Барқарор бўлган майдонда ер қобиги кўпчийди ва ёриқлар туркумига бўлинади. +исилиш тангенциаль ҳаракатлар туфайли геосинклиналларда букилмалар жараёни оралиқларини хосил қилиб, бу оралиқда энергия тўпланиш учун лозим бўлади (эволюцион давр).

Магматик фаолият кенгайиш даври ва циклари билан боғланиб, магматик қатламга босим кучизланади ва магма қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга ўтиб, ёриқларни тўлдириб юқорига ҳаракатланади (революцион давр).

В.В. Белоусов, ер шари, космик фазодаги совук чангсимон зарраларнинг бирикишидан ҳосил бўлган тахминни илгари суради.

Кейинчалик Ер ичидан, радиактив парчаланиш туфайли қизиб борган. Ер моддасининг иссиқлик ўтқазувчанлиги камлиги туфайли радиоактив иссиқлиги хануз катта чуқурликларда (700 кмдан кўп) тўпламоқда. Ернинг мантия қисмининг юқори қаватлари тарихи мураккаброқдир. Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, дастлаб юқори мантия хаммаси қизиган, сўнгра тахминан бир ярим миллиард йил аввал, радиоактив элементлар тугаганлиги сабаб, босқичма-босқич тепадан пастга томон совиш бошланган.

Радиоактив қиздириш мантиянинг юқори қисми моддасининг қисман эришига олиб келган. Юқори мантиядан сейсмик тебраниш тўлқинларининг тезлиги бўйича юмшоқ қатlam (астеносфера) аниқланган бўлиб, у материк (куруқлик) остида 100-200км, океанлар остида 50-400км чуқурликда жойлашгандир.

Эҳтимол, қисман эриган қатlam шу бўлса керак. Енгил таркиблар ундан эриб чиқиб, юзага устун ёки полоса кўринишида юқорига қўтарилади. Ана шу енгил жинслардан ер қобиги ва хусусан унинг гранит қатлами ташкил топади, пастга томон эса эриган қатламдан оғир моддалар тушиб кетади. Бу жараёнга ички синишлар таъсир кўрсатиши лозим. Улар, енгил моддалар осон қўтариладиган йўллар бўлиб ҳисобланади. Ер қобиғининг юқори қисмida ажralиш жараёни тезроқ ва шиддатлироқ рўй беради, сабаби юқорида босим пастлиги туфайли, модданинг қуюқлиги камроқдир.

Юқорида эриган қатламнинг бўлиниши, ер қобиғини шиддатли геосинклиналларга хос бўлган турли кўтарилишлар, тепаликлар ва чуқурликлар ҳосил қиласи.

В.А. Обручев ва В.В. Белоусовлар гепотезаси ва тахминлари маълум бўлган илмий маълумотларга яқин туради.

Айниқса мантиянинг юқори қисимни ташкил этган модданинг таркиби ҳақида янги маълумотларни тўпланиб бориши билан, бу тахминлар қайта кўриб чиқиб, тўлдириб борилади.

### 5.3. Сейсмик ҳодисалар ва зилзилалар

Сейсмик ҳодисалар - ер қобиғининг айрим жойларини кескин равишида турли куч билан ҳаракатланиши натижасида тоғ жинсларининг эластиклик мұхитда сейсмик түлқинларни ҳосил бўлишида намоён бўлади ва буни - зилзила -деб аталади. Зилзилалар жуда қиска вақт ичида, бир неча секундан бир неча минутгача давом этади. Агар зилзила маркази океан ва денгиз остида бўлса, денгиз зилзиласи деб юритилади. Зилзиланинг сабаблари табиий ва сунъий бўлиши мумкин.

Сунъий зилзилалар кишиларнинг муҳандислик фаолиятлари, ер ости портлашлари (ядерли), тоғларда шахта қазишида тоғ жинсларининг ўпирилиш натижасида ҳосил бўлиши мумкин.


Табиий зилзилаларни келтириб чиқарадиган сабаблар: денудацион, вулқон ва тектоник ҳаракатлар бўлиши мумкин.

Денудацион (ўпирилиш) зилзилалар асосан суюқланувчан тоғ жинслари (оҳактошлар ва тузли қатламлар) бўлган жойлардагина юз беради. У жойларда жуда катта ер ости ғорлари ҳосил бўлади. Агар ғорларнинг шифтлари етарли даражада мустаҳкам бўлмаса, улар ўз оғирлигини кўтара олмай ўпирилиб тушади ва тушган массанинг зарбидан зилзила ҳосил бўлади. Улар кучли бўлмасдан, унча катта бўлмаган майдонлардагина тарқалади.

Вулқон зилзилалари вулқондан магманинг ер сиртига чиқиши канали беркилган вақтда вулқон газларининг портлаши натижасида юз беради. Бундай зилзилалар зўр вулқон отқини вақтида содир бўлиб, баъзан катта ҳалокатларни юзага чиқаради ва бутун - бутун шаҳарларни вайрон қиласи.

Бундай зилзилалар тектоник зилзилалар сингари катта майдонни эгалламайди. Катта вайронагарчиликлар келтирган кучли зилзилаларнинг ҳаммаси тектоник, яъни ер пустининг дислокациялари, тоғ ҳосил бўлиши жараёнлари билан боғланган зилзилалар қаторига киради. Ернинг ички қисмидаги, қобиғ остидаги сейсмик энергия тўпланадиган жой зилзила ўчоғи ёки - гипоцентр - дейилиб, гипоцентрнинг - тик чизик бўйлаб, ер юзасидаги проекцияси - эпицентр деб аталади (5.5-расм).

Зилзила ўчоғидаги ернинг тўпланган ички



13-расм. Зилзиланинг гипоцентри ва эпицентри:

Г—гипоцентр; Э—эпицентр; о—о

5.5 – расм. Зилзиланинг  
гипоцен-три

ва

энергиясининг сарф бўлишда атрофдаги тоғ жинсларига катта босим таъсир этади. Шунда эластик мухитдаги каби сейсмик тўлқинлар ҳосил бўлади. Тўлқинлар деформацияга қараб, кўндаланг, бўйлама ва юзаки бўлиши мумкин. Бўйлама тўлқинлар (горизонтал) - юкори тезликка эга бўлиб, вайроналар ҳосил қилувчи кучга эга. Кўндаланг тўлқинлар (тиқ) қатlam текислигига кўндаланг равишда ҳосил бўлади. Кўндаланг тўлқинлар фақат қаттиқ мухитда, йўналиши эса бўйлама тўлқинлар йўналишига тик холатда бўлади. Юзаки тўлқинлар фақат эпицентрда тарқалади, катта кучга эга бўлмайди ва бузилишларга олиб келмайди.

Тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги тоғ жинсларининг зичлигига боғлиқ. Масалан; гранит, гнейсда ва шунга ўхшаш жинсларда 5000-1000 км/с, оҳактошларда 2000- 5000 км/с, гилларда - 1500-2000км/с, қумда 500-1100км/с, сувда 1500км/с. Кўндаланг тўлқинлар тезлиги бўйлама тўлқинлар тезлигига нисбатан - 1,7 марта кам. Зилзилаларнинг ер ичидаги ўчоғи ернинг турли чукурликларида , 0км дан 600-700км гача бўлиши мумкин, кўпроқ 20-50км чукурликларда кузатилган. Зилзиланинг энг чукур ўчоғи Помир ва Афғонистонда (300 км гача) шунингдек Тинч океани қирғоқларида кузатилган. Гипоцентрнинг ер ичидан чукур жойлашувидан ва улардан чиқаётган катта энергиядан ҳосил бўладиган тўлқинлар катта майдонларда тарқалиши мумкин. Гипоцентрнинг унча чукур бўлмаган ва айникса юзадагиларда, эпицентрда тебранишлар анчагина кучга эга бўлади, бузилишларга сабаб бўлади, лекин катта майдонларга тарқалмайди. Шундай қилиб зилзила кучи гипоцентр чуқурлигига ва ундан чиқаётган энергияга боғлиқдир. Кучли зилзила рўй берганда вулқонлар «жонланиб» кетади, ер юзаси пасайиши, унда ёриқлар пайдо бўлиши, бино ва иншоотларда дарзлар ҳосил бўлиши, қулаб тушиши мумкин.

Офат келтирувчи зилзилалар минглаб турар жойларни бўзиб ташлайди, кўп минглаб кишиларнинг ёстигини қуритади. Тарихда бундай даҳшатли зилзилалар кўплаб рўй берган: Дастребки бизга маълум бўлган зилзила Хитойда, Милоддан аввал VII асрда Сянъ шахрида рўй берган, Калькутта шахри бутунлай вайрон бўлган ва 300 мингдан ортиқ аҳоли ҳалок бўлган. Ўтган XX - асрдаги офатли зилзилалар қуидагилардир: 1923 йил сентябр ойидаги Японияда рўй берган зилзила оқибатида - Токио ва Иокогаму шаҳарлари бутунлай вайрон бўлган, минглаб инсонлар нобуд бўлган. Охирги йилларда бўлиб ўтган офатли зилзилаларни айтиб ўтиш мумкин. Булар: Югославиянинг, Сқопле шахридаги, Туркманистоннинг Ашхобод шахридаги, Пойтахтимиз Тошкент шахридаги, ёки яқин йилларда Мексика, Хитой ва Армениядаги зилзилалардир. Тошкент шахрида зилзила 1966 йил 26 апрелда, 8 балли куч билан 3-4 секунд муддатда бўлиб ўтди. Эпицентр шаҳар марказида бўлиб, ер кимирлаши сезувчи куч билан бир йилдан кўпроқ давом этди. 1988 йил 7декабрдаги Армениянинг Спитак ва Ленинакан шаҳарларида рўй берган зилзила 8-9 балларга етиб бориб, кўплаб инсонларнинг ёстигини қуритди, катта иқтисодий заарар етказди. Ҳар йили ер юзида 100000 кўпроқ

зилзила рўй бериб, шулардан 100 таси кучли бўлиб, қолганларини одамлар сезмайдилар ҳам, уларни фақатгина сезгир сейсмик асбоблар билан аниқлаш мумкин. Зилзила қучини аниқлаш учун сейсмик шкаалалар ишлатилади. Балл шартли бирлик ҳисобланиб, зилзилаларнинг кучи бўйича таққослаш мумкин. Сейсмик тўлқинларнинг амплитудаси ва давр сейсмографлар ёрдамида аниқлаб олингач, қуйидаги формула ёрдамида тупроқнинг тебраниш тезланиши ( $E$ ) ни аниқлаб олишимиз мумкин.

$$E = A \frac{4\pi^2}{T^2} \quad (5.1)$$

Бу ерда  $A$ - амплитуда: мм Т- сейсмик тўлқиннинг тебраниш даври, сек Зилзилаларнинг интенсивлиги зилзила пайтида, гипоцентрдаги ажралиб чиқкан энергиянинг миқдори билан аниқланади. Зилзила энергияси миқдорини, Б.Б.Галицин формуласи билан аниқлаш мумкин:

$$E \propto \pi^2 \cdot \rho \cdot V \left( \frac{A}{T} \right) \quad (5.2)$$

Бу ерда:  $E$  – зилзила энергиясини миқдори, эрг;  $\rho$  - Ер қатлами юқори қисми зичлиги,  $\text{kg}/\text{m}^3$ ;

$V$ - Сейсмик тўлқинларни тарқалиш тезлиги, см/сек;  $A$  – амплитуда, мм;  $T$  – сейсмик тўлқинларнинг тебраниш даври, сек.

Юқорида кўрсатилган кўрсатгичлардан ташқари, зилзилаларнинг кучи билвосита кўрсатгичлар: бино ва иншоотлардаги бузилиш даражаси, Ер юзасининг шакли ўзгариши, ер ости ва усти сувларининг режими ўзгариши, одамлар ва ҳайвонлар сезгиси орқали ҳам аниқланиши мумкин. +уидаги кўрсатилган жадвалда зилзила кучига қараб, ер юзасида содир бўлаётган ўзгаришлар келтирилган.

## Жадвал 5.2

### Зилзила кучига қараб Ер юзасидаги ўзгаришлар.

Зилзила кучи (балл)	Зилзила номи	Сейсмик тезланиш (мм/сек)	Ер юзасидаги ўзгаришлар
1.	Сезилмайдиган	2,5	Микросейсмик тебранишлар. Факат сейсмик асбобалар сезади.
2.	Жуда кучсиз	2-2,5	Билинар –билинмас зилзила. Сезгир одамларгина сезади
3	Кучсиз	5,1 –10	Билинар –билинмас зилзила. Тинч турган одамларгина сезади
4	Кучлироқ	11 – 25	Үртача зилзила Юриб кетаётган одамлар ҳам сезади.
5	Анча кучли	25 – 50	Ухлаб ётган кишилар уйғониб кетади.
6.	Кучли	51 – 100	Иморатларга бир оз зарар етади.
7	Жуда кучли	101 – 250	Деворлар ёрилади, хайкаллар қулаб тушади, дераза ойналари синади
8	Вайронагарчилик келтирадиган	251 – 500	Томдаги мүрилар, күчадаги хайкаллар қулаб тушади. Дераза ойналари синади
9	Харобалик келтирадиган	500 –1000	Уйлар қулай бошлайди.
10	Фалокатли	1000-2500	Күплаб иморат вайрон бўлади, ер юзида катта-катта ёриклар пайдо бўлади
11	Ҳалокатли	2500 –5000	Ер юзида катта-катта ёриклар пайдо бўлади Бузилмаган иморат камдан-кам қолади.
12	Катта ҳалокат, фалокат келтирадиган	5000	Ҳаммаёк бузилиб, иморатлар бутунлай вайрон бўлиб кетади.

Сонлар балларни ифодалаб, юқорида санаб ўтилганларни намоён бўлишлиги даражасини белгилаб беради.

Энг кучсиз зилзила 1 балл ҳисобланиб, энг кучли оғатлиси 12 баллга тўғри келади. Европада ҳам 12 балли шкала қабул қилинган бўлиб, у ҳам юқоридаги шкалага мос келади. Зилзила кучи шунингдек сейсмик коэффицент К оркали ҳам ифода этилиб, у сейсмик тўлқинлар тезланиши (а) ни, оғирлик кучининг (g) нисбатига teng.

$$K \kappa \frac{\alpha}{g}; (5.3)$$

С.В. Медведев фикрича, зилзила кучи қўп жихатдан сейсмик тўлқинлар тарқалаётган жинсга боғлиқдир. Зилзиланинг турли баллари, тупроқнинг маълум тебранишига, ёки аксинча, тупроқнинг тебраниш тезланиши маълум бир баллга тўғри келар экан. +уидаги С.В.Медведев томонидан тузилган

шкалани соддалаштириб келтирамиз, бунда келтирилган балларга тупроқнинг маълум тебраниши тезланиши тӯғри келади.

### 5.3 жадвал

Баллар	Тупроқнинг тезланиши, мм/сек <sup>2</sup>
1	-
2	-
3	-
4	< 100
5	100 – 250
6	250 – 500
7	500 – 2000
8	1000 – 2000
9	2000 – 4000
10	< 4000
11	-
12	-

Зилзилаларни бино иншоотларга таъсири, уларни лойиҳалаш ва қуришда ҳисобга олишни тақазо этади. Ҳозирда зилзилани олдиндан айтиш ва эҳтиёт чораларини кўриш мақсадида жуда кенг миқёсда сейсмик, муҳандислик-геологик, геофизик, тектоник, гидрохимиявий, математик усуслар ёрдамида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ана шу олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари натижасида СНГ худуди учун айрим - айрим сейсмик микрорайонларнинг хариталари тузилган бўлиб бу хариталар орқали, қайси минтақаларда неча балли зилзила бўлишларини аниқ билишингиз мумкин. Сейсмик микрорайонлар харитаси, биринчидан зилзилани вужудга келтирадиган «ўчоқ» - гипоцентрнинг жойлашиш ҳолатини ва зилзила содир бўладиган жой – эпицентрда, силкинишларнинг такрорланиш характерини, интенсивлигини, жойнинг муҳандис-геологик нуқтаи назардан шароитларини, тоғ жинсларини физик-механик хусусиятларини ўрганиш асосида тузилади. Ўрта Осиё Республикалари минтақалари 6-9 балли зилзилала зонага киритилади. Маълум худудининг муҳандислик-геологик шароити ҳисобига сейсмик активликни ошиб кетишини назарда тутиб 10 балл ва ундан юқори баллар белгиланиши мумкин. Юқори сейсмик худудларга (8-9 балл) - тоғли районларда, тоғ олди текисликлари ва даралар киради. Ҳамма юқорида тилга олинган республикаларнинг паст текисликларида сейсмик қуч 5-6 баллгacha камаяди.

### 5.4.Сейсмик районларда қурилиш ишлари

Сейсмик районларда лойиҳалаш ва қурилиш ишларининг характеристи, ҳажми, сейсмик бўлмаган райондагиларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қиласди. Ҳозирда бундай районлар учун лойиҳалаш нормалари ишлаб чиқилган. Бино лойиҳасини тузатгандан, ҳисоб ва ҳаёт синовларидан ўтган маълум конструктив чоралар кўрилса, иншоотнинг зилзилага қаршилиги ортади. Табиийки бундай қурилишнинг таннархи қимматлашади. Зилзилага бардошли бинолар лойиҳасини тузатгандан уларнинг категориясига, ҳажмига, конструкциясига ва жойнинг сейсмик кучига боғлиқлигини ҳисобга олиш лозим. I ва II категорияли иморатларнинг сейсмик ҳисоби 1 баллга оширилади, ва аксинча агар иморат 1 қаватли III-VI категорияли бўлса, уларнинг сейсмик ҳисобининг бали жойнинг сейсмик балидан 1 балл кам қилиб олинади. Зилзилага бардошли бинолар лойиҳасини тузатгандан уларнинг пландаги кўриниши симметрик бўлишига ҳамда масса ва бикирликларининг бир текисда тақсимланишга интилмок зарур. Деворлар ва рамаларни бинонинг бўйлами ва кўндаланг ўқларига нисбатан симметрик равишда жойлаштириш лозим. Бино ёки унинг алоҳида қисмларининг узунлиги норма орқали чекланган бўлади, чунки ортиқча узунликка эга бўлган бинонинг айрим бўлаклари тебранишнинг турли фазаларига тушиб қолса, сейсмик таъсир кучайиб кетади. Шу сабабли узун бинолар антисейсмик чоклар ёрдамида кичик қисмларга (отсекларга) ажратилади. Антисейсмик чоклар ажратилган қисмларнинг бемалол силжишига (тебранишига) имкон бермоғи лозим, акс ҳолда, қўшни қисмлар ўзаро урилиб, қаттиқ шикастланиши мумкин. Антисейсмик чоклар орасидаги масофа ҳамда биноларнинг баландлиги қурилиш нормаларида белгилаб қўйилган. Умуман сейсмик кучлар микдорини камайтириш учун бино конструкцияларининг вазнини камайтириш лозим. Бунинг учун конструкцияларни кўндаланг кесимини мустаҳкамликка путур етказмайдиган қилиб кичрайтириш, конструкциялар учун енгил материалдан фойдаланиш зарурдир. Бинонинг устиворлигини ошириш мақсадида, оғирлик марказини иложи борича пастга тушириш, бунинг учун бинонинг юқори қисмларини енгил материалдан ишлаш, оғир жиҳозларни пастки қаватларга кўчириш йўли билан эришса бўлади. Сейсмик районларда барпо этиладиган бинолар асосий юқ кўтарувчи конструкцияларнинг хилига қараб қуидаги гурӯхларга ажратилади.

1) Деворлари юқ кўтарувчи бинолар (ғишт ёки тош деворли. йирик блокли, йирик панелли, яхлит бетон элементлардан ташкил топган йиғма бинолар ҳам шу группага киради.

2) Бикр диафрагмалари ва синч оралиғи тулдиргичлари сейсмик кучларни қабул қилишда иштирок этадиган каркасли (синчли) бинолар.

3) Сейсмик кучларни қабул қилишда каркас ишида кам иштирок этадиган осма панелли каркасли бинолар, деворлари ўз оғирлигини ўзи қўтариб турадиган каркасли бинолар ҳам шу тоифага киради.

■ Ўишиларда қўлланиладиган антисейсмик чоралар, бир томондан зилзила жараёнида алоҳида конструктив элементларнинг биргаликда ишлашини таъмин этиш мақсадида, улар орасидаги боғланишларни кучайтиришга, иккинчи томондан, юк кўтарувчи конструкцияларнинг ўзини мустаҳкамлигини оширишга қаратилган.

Ҳозирдаги кўп бўшлиқли йиғма темир-бетон ёпмалари горизонтал диафрагма ролини ўйнаб, сейсмик кучларни юк кўтарувчи конструкцияларга (деворларга) тақсимлайди. Ўишиларда бўйлама ва кўндаланг деворларнинг туташув ерлари, чоклари нозик жой ҳисобланиб, икки йўналишдаги деворларни бир-биридан ажратишга интигувчи зўриқишилар шу ерларга тўпланади. Икки йўналишдаги деворларнинг боғланишини кучайтириш мақсадида туташув ерларидан горизонтал чокларга сим тўр ётқизилади. Сим тўрлардан ташқари темир-бетон антисейсмик камарлардан кенг фойдаланилади. Бундай камарлар барча бўйлама ва кўндаланг (ички ва ташқи) деворлар бўйлаб ўтказилиб ҳар бир қаватнинг шипи баландлигида ётқизилади; девор ва ёпмалар билан чамбарчас боғланишни мустаҳкамлайди, деворларни ўз текислигидаги пишиқликни оширади, ёпмаларнинг бикрлиги ва яхлитлигини ортишини таъминлайди. Ўишилар мўрт материалдан ташкил топганлиги учун, зилзила кучларига бўлган қаршилиги, темир-бетон конструкцияларига нисбатан пастроқ бўлади. Ана шунга асосланиб, ғишил деворларни тиклашда девор орасига вертикал йўналишда темир-бетон элементлар - ўзаклар (сердечник) қўйилиб, комплекс конструкция ҳосил қилишни мутахассислар мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Юк кўтарувчи ғишил деворлар остига лентали пойдеворлар қуриш мақсадга мувофиқдир, агар пойдеворлар йирик блоклардан тикланса, у ҳолда блокларни бир-бирига тишлатишга алоҳида эътибор бермок зарур. Сейсмик районларда ҳам пойдевор учун носейсмик районларда қўлланиладиган материаллардан фойдаланилади. Силлиқ чағиртошлар эса, факат 7 баллгача мўлжалланган зоналарда баландлиги 5 м гача бўлган 1 қаватли биноларда ишлатиш мумкин. Агар деворлар устинсимон бўлса, у ҳолда уларнинг барчаси узлуксиз темир-бетондан ишланган тўсиқ ёрдамида ўзаро туташтирилади.

■ Йирик блокли биноларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган умумий талаблар худди ғишил бинолар учун талаблар каби бўлади. Зилзила кучларига қаршилик кўрсатишда, барча блокларнинг бараварига ишлашини таъминловчи конструктив чоралар ҳамда ёпмаларнинг роли бениҳоят катта.

Йирик блокли биноларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлайдиган чоралардан бири блок қирғоқларида вертикал арматура қўллаш усулидир. Вертикал арматура учун сарбаста (перемичка) блокларда маҳсус тешиклар қолдирилади. Арматура ўтказилгандан сўнг ўйилган новлар бетонланади. Арматура каркаслари блокка маҳкамланган ушлагич (скоба) ларга пайвандланади.

■ Йирик панелли биноларнинг вазнининг енгиллиги (ғишт деворга нисбатан 1,2-2 баравар енгил) девор материалларининг мустаҳкамлиги, юк кўтарувчи конструкцияларининг соддалиги ва уларни планда бир маромда тарқалиши, сейсмик зоналарда ҳам кенг ишлатилишга йўл очиб беради. Пойдеворлар яхлит ёки йиғма - бетондан ишланаб, бинонинг остики деворлари пойдевор ёки ер тўла деворларидан чиқиб турган арматураларга маҳкамланади. Сейсмик районларда қўлланиладиган ташқи девор панелларининг конструкцияси бир ва уч қатламили бўлиши мумкин, улар фазовий каркас кўринишида ишланган қўш арматура билан кучайтирилади.

■ Синчли (каркас) иморатлар Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан бери қўлланилиб келади. Синчлар якка тартибли уй-жой қурилишида ёғоч материалдан ишланган. Синчларнинг зилзилаларга яхши бардош бериши кўп марта тасдиқланди ва ҳозирда ҳам бу ғоя дадиллик билан ишлатилмоқда. Замонавий биноларда синчлар материаллари - мустаҳкам металл, темир - бетонлардан тайёрланмоқда. Сейсмик районлар учун мўлжалланган каркас биноларнинг ҳисоблаш ва лойиҳалаш принциплари носейсмик районлар бинолари кабидир, фарқи шундаки, сейсмик зоналарда қад кўтарадиган бинолар, одатдагидан ташқари, сейсмик кучлар таъсирига ҳам ҳисобланади ҳамда шунга яраша конструктив чора тадбирлар белгиланади. Бино каркаси устун (колонна), тўсин (ригель) ва биноёпмадан ташкил топиб ўзаро маҳкам бириктирилган ягона, бир бутун фазовий система ҳосил қиласи. Элементларининг бари ҳам вертикал, ҳам горизонтал (сейсмик) кучларни ўзига қабул қиласи. Каркаслар орасига девор урилади. Деворлар каркас ишида, у ёки бу даражада иштирок этади. Девор конструкциясининг хилига ва уни каркас билан бириктирилиши услубига қараб каркасли биноларнинг ҳисоблаш схемалари турлича бўлади.

Иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги уларни тўғри ҳисоблаш ва тўғри лойиҳалашгагина боғлиқ бўлиб қолмай, кўп жиҳатдан қурилиш монтаж ишларининг сифатига ҳам боғлиқдир. Бино лойиҳаси аъло даражада бажарилган бўлишига қарамай, қурилиш ишлари сифати паст бўлса, у ҳолда бино зилзила таъсирига бардош бера олмайди. Ўишик демонстрацияларда юк кўтарувчи элементларнинг мустаҳкамлиги ғишт ва қоришманинг сифатига шунингдек ғишт билан қоришманинг бириктишига боғлиқ. Бироқ амалда кўпинча ғишт демонстрацияларнинг мустаҳкамлиги меъёрдагидан анча паст бўлган. Масалан: Тошкент, Назарбек ва Газли зилзилаларида шикастланган ва бузилган бино демонстрацияларнинг мустаҳкамлиги меъёрдагидан анча паст бўлган. Демонстрацияларнинг аксариятида ғишт билан қоришма бир-бирига яхши ёпишмаган, айрим биноларда қоришманинг сиқилишига бўлган мустаҳкамлиги 5,0 МПа ўрнига бор йўғи 1,0 - 1,5 МПа ни ташкил этган. +урилаётган объектлар устидан олиб борилган синовлар ғишт билан қоришманинг бириктиши лойиҳадагидан 4-5 марта кам эканлигини кўрсатади. Йирик блокли биноларда горизонтал чокларни қоидага амал қиласи ҳолда, бажарилиши муҳим аҳамиятга эга. Блоклар орасидаги монтаж чокларининг сифати етарли

даражада бўлмаса, устки блокларнинг ости блокларга таяниши юзаси кичрайиб, деворнинг сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги камайиб кетади ички ва ташқи девор блоклари туташадиган жойга қўшимча арматура қўйилади, натижада туташманинг мустаҳкамлиги ортади.

Темирбетон каркасли биноларнинг элементлари туташадиган жойлари пластик деформация ҳосил қиласидаган қилиб ишланиши зарур. Бино ва иншоотнинг сейсмик мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан иншоотнинг устидаги грунтга боғлиқдир. Агар грунтлар бўш бўлса, чўкувчан, бир жинсли бўлмаса, сейсмик кучлар таъсирида бино бузилиши мумкин.

Бинонинг заминини мустаҳкамлаш қўйидаги усувлар билан амалга оширилиши мумкин: грунтни шиббалаш, химиявий усувлар билан мустаҳкамлаш, цемент билан қотириш, силикатлаш, ер ости сувлар сатҳини пасайтириш. Агар замин грунтлари носоз бўлса, у ҳолда қозик пойдеворлардан фойдаланиш ёки бутун темирбетон плиталар билан қоплаш тавсия этилади. +урилиш - монтаж ишларини меъёр ва коидаларга тўла амал қилинган ҳолда ташкил этилиши, иншоотлар сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаши мумкин

## 6-боб

### Ернинг сиртки кучига боғлик бўлган геологик ҳодисалар

#### 6.1 Сурилишлар

Тоғ жинслари массаларининг сув ўтказмайдиган қатламиининг ўз оғирлиги кучи таъсирида сурилишлари рўй беради. Сурилишлар учун кўчаётган тоғ массасини айланмаслиги ва ағдарилмаслиги характерлидир. Кўчаётган тоғ массасининг қўпчилик нуқталари траекториялари, сурилиш юзалари йўлига мос келади.

Сурилиш ҳодисаси геологик жараён бўлиб, тоғ жинсларининг мустаҳкамлиги бузилиши ва табиий омиллар оқибатида ўз мувозанат турғунлигини йўқотиши оқибатида рўй беради. Сурилиш ҳодисалари ер шарининг ҳамма жойида тарқалган бўлиб, халқ хўжалигига катта эарап етказади, унга қарши кураш тадбирлари кўп маблағ талаб этади.


Сурилиш натижасида тоғ ён бағирликлари, денгиз ва дарьё қирғоқлари, сой бўйлари ҳамда очиқ усул билан кавланаётган конларнинг четлари бузилади, ер рельефи ўзгаради, текис қияниклар ўрнига тик ёнбағирликлар вужудга келади.

Сурилишлар ҳажми, ҳосил бўлиш шароити ҳаракат тезлигига қараб турлича бўлади. Баъзан сурилаётган кўчки шундай тезликда ҳаракат қиласиди, ундан одамлар сақланиб колаолмайдилар. Масалан; Оҳангарон водийсидаги 1991 йили содир бўлган сурилиш натижасида кўплаб одамлар тупроқ остида қолиб

кетдилар. Ўзбекистоннинг кон саноати ривожланган Оҳангарон, Олмалиқ, Олтинтопкан туманларида, Юқори Чирчиқ туманидаги Хумсон, Бофистон, Хўжакент, Чибортога ва бошқа қишлоқларда, Сурхондарё ва Кашкадарё вилоятларининг тоғли районларида ҳам кучли сурилишлар руй бериб келмоқда. Сурилиш ҳар - хил морфологик тузилишга ва динамик ҳаракатга эга. Сурилиш морфологияси деганда уларнинг ички ва ташқи тузилишини тушунамиз. Сурилишга учраган ён бағирликлар ташқи ва ички қиёфасининг тузилиши турлича бўлиб, у ён бағирликларнинг геологик ва геоморфологик тузилишига боғлиқ бўлади. Сурилиб, кўчиб тушаётган жинснинг ҳажми ҳар - хил бўлиб, бир неча куб метрдан, бир неча миллион кубметргача етади.

Сурилишнинг юзаси, сурилиш уйими, сурилиш базиси, сурилиш террассаси, (супачаси), узилиш девори, сурилиш танаси, сурилиш тили деб аталувчи элементлари бўлади.

- Сурилиш юзаси ёки сурилиш чизиги деб, сурилаётган массанинг маълум бир юза буйича ҳаракат траекториясига айтилади (6.1.- расм).



6.1 – расм. Сурилиш базисининг ётиш схемаси:

а – сурилиш базисининг ҳиялик чизиғига мос келган щолат, б – сурилиш базисининг

Сурилиш юзасининг шакли турлича, тулқинсимон, ёйсимон, текис тўғри чизик шаклида бўлади.

Сурилиш юзасининг шакли, тоғ жинси таркибига, жойнинг геоморфологик тузилишига ва сурилишнинг турига боғлиқ.

Сурилиш юзасининг ёнбағирликнинг пастки қисмидан, ер юзига чиққан жойига, сурилишнинг - асоси, юқори қисмидан чиққан жойини сурилиш чўйқиси деб аталади.


Сурилиш юзасининг оз-кўплигига қараб, сурилаётган тоғ массаси, яхлит бир бутун, ёки айрим-айрим бўлаклардан ташкил топган бўлади. Агар сурилаётган масса, айрим-айрим йирик бўлаклардан иборат бўлса, сурилиб тушаётган умумий массанинг юзаси поғонасимон бўлиб, зинасимон сурилишлар ҳосил бўлади.

Сурилиш уюми деб, ёнбағирликларда ҳосил бўлган катта чуқурликларга айтилади. Айрим ёнбағирликларда кўчки ҳодисаларининг ҳар йили содир бўлиши натижасида, қияликда бир қатор сурилиш уюмлари ҳосил бўлади, уйимлари бир-биридан ажратиб турадиган жойларни – сурилиш айиргичлари – деб аталади. Сурилиш уйимининг шакли ва чуқурлиги, турлича бўлиб, курилишнинг турига, ҳосил бўлиш шароитига ва жойнинг геоморфологик тузилишига боғлик.

Сурилиш базиси деб - сурилиш юзасининг қиялик чизифи билан кесишган жойига айтилади.

Сурилиш базиси қияликнинг чизигига баравар, ундан баландда ёки пастда жойлашган бўлиши мумкин. Агар сурилиш базиси қиялик чизигидан пастда жойлашган бўлса, сурилиш натижасида ёнбағирликнинг энг пастки қисми кўпчиганга ўхшаб, юқорига кўтарила бошлайди.

Бундай жойлар сурилишнинг ўсиш зонаси деб аталади. Баъзи бир қияликда бир неча марта сурилиш бўлиб, уларнинг сурилиш базислари турлича бўлади. Сурилишнинг бундай кўриниши кўп ярусли сурилишлар дейилади(6.2-расм).



6.2 – расм. Поғонасимон сурилиш схемаси:

1 – лёссимон тоғ жинслари; 2 – шымтошлар; 3 – шымлар; 4 – гиллар. (

Сурилиш натижасида ҳосил бўлган поғонасимон суппачалар сурилиш террасалари дейилади. Сурилиш юз бергандан кейин сурилиш юзасининг очилиб қолган қисми сурилиш ёки ўзилиш девори деб аталади.

Сурилиш деворларининг баландлиги бир неча ўн метрларгача етиб, узунлиги бир неча метрдан – бир неча юз метр ва ундан узун ҳам бўлиши мумкин.

Масалан: Оҳангарон водийсидаги баъзи сурилишлар деворларининг баландлиги 30-40 м бўлиб, узунлиги 600-700 м гача боради.

+иялик бўйлаб кўчиб тушаётган массаси сурилиш танаси деб аталади. Сурилган массанинг катталиги сурилиш деворининг чегараси руй берган жойнинг кенглигига ва сурилган массанинг қалинлигига боғликдир.

Сурилиб тушган массанинг энг олдинги қисми, сурилиш тили дейилади.

Сурилиш танаси устида ва сурилиш деворлари атрофида ҳосил бўлган ёриқлар, сурилиш ёриқлари деб аталади. Сурилиш ёриқларининг кенглиги, чукурлиги ва узунлиги ҳар-хил, кенглиги 1-2 м, чукурлиги 5-7м, узунлиги 15-20м ва ундан ортик бўлади.

Сурилиш табиий ва инсон фаолияти билан боғлик бўлган ҳолда рўй бериши мумкин.

### Сурилиш ҳодисаларини ўрганиш усуллари ва унинг аҳамияти

Сурилишга мойил бўлган қияликларни ташқи кўриниши бир неча белгиларга эга бўлиб, уларга қараб қияликлар хар доим билиб олиш мумкин. Ажралиб кетган тоғ массаси ўрнида қатор концентрик ёриқлар, қияликнинг узунаси бўйлаб ҳосил бўлади. Жинсларнинг қурилиши туфайли қияликларни сиртини ва айниқса паски қисмларини юзалари бўртишларига сабаб бўлади.+урилиб келаётган жинслар босимидағи қиялик устун, босим валлари ҳосил бўладир киради. Валлар ва кўтарилган тепаликлар орасида шароитга қараб юзаки ва ер ости сувлари тўпланади. Бу эса қияликларни ботқокланишига сабаб бўлади ва силжиш рўй беради. Сурилишлар ҳосил бўлиши ва улар ҳосил бўлиши ва ривожланишида баъзи бир маълум шароитлар роль ўйнайди. Улар орасида мухитлар: қияликларнинг баландлиги, қиялиги, шакли, геологик тузилиши, жинслар хоссаси, гидгеологик сифатидир. Ҳамма шароитлар сурилишга моил бўлади. Сурилиш кўтариб турган ва осилиб турган шаклдаги қияликларга хосдир. Сурилиш жараёнларига геологик тузилиши ҳам таъсир этиди. Сурилишга мойил бўлган типик жинслар вакили-турли гилли жинслар бўлиб, уларга силжиш деформацияси хосдир. Бу кўпинча лесс ва лессимон жинслар тарқалган худудларга хосдир.

+ияликнинг механик турғунлиги ёки қияликни турғунлик даражаси, тоғ массасини қиялиқдан пастга сурмоқчи бўлган куч ва уларга қаршилик кўрсатувчи кучлар нисбатига қараб аниқланади. (Рис 161 Аи) Ер массасини қияликдаги турғунлик, холатини қуйидаги ифода билан кўрсатиш мумкин.

T\*Ntgφ+c F :

Бу ерда: Т-массивнинг сурувчи оғирлиги;

N-оғирликни нормал ташкил этувчиси

F-сурилиш сиртининг юзаси;

C-тишлашиш кучи (қовушқоқлик) бурчаги;

tgφ-ички ишқаланиш бурчаги.

+ияликни турғунлик даражаси K<sub>t</sub> қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

## $K_t$ формула

Суратда сурилишга қаршилик курсатувчи кучлар йиғиндиси, махражда эса сурилиш массасини пастга томон сурувчи куч ифода қилинганд.

Сурилишга жинсларнинг қовушқоқлиги ва ички ишқаланиш қучлари ҳам қаршилик кўрсатади. Массани пастга сурувчи кучларга -жинс оғирлиги, унинг устидаги бино ва иншоот оғирлиги, ер ости сувларининг гидростатик ва гидродинамик босимларидир.  $K_t > 1$  бўлганда қиялик турғун ҳолатда бўлади;  $K_t = 1$  булгандаги ҳолат мувозонатлашган дейилиб, маълум шароитда қиялик суриладиган бўлиб қолиши мумкин; агар  $K_t < 1$  бўлса, қиялик турғун бўлмаган ҳолатда бўлиб, сурилиш рўй беради. Сурилиш сабабларини Н.В. Коломенский ва И.С. Комаров бўйича З гурухдаги жараёнларга бўлиш мумкин.

- 1) +ияликни баландлигини ва ташки шаклини ўзgartирувчи жараёнлар: дарёлар, жарликлар эрозияси базиси ўзгариши, оқар сувлар ва тўлқинларнинг емирувчи фаолияти; қияликни сунъий йўллар билан чукурлаштириш.
- 2) +ияликни ташкил топган тоғ жинсларини таркиб ва физик-техникавий хоссаларини ўзгаришига сабаб бўладиган жараёнлар: Нураш таъсирида физик-техникавий хоссаларини ёмонлашуви; Тоғ жинсларини физик-техникавий хоссаларини ёмонлашуви, ер ости сувлари, ёмғир сувлари, эриган қор, музликлар, хўжалик сувлари билан намланиши оқибатида ёмонлашуви. Тоғ жинсларини физик-техникавий хоссаларини улар таркибидаги сувда эрийдиган тузларни ишқорланиб, оқар сувлар таъсирида оқизилиб кетиб, жинсда коваклар ва бўшлиқлар (суффозия) сабаб бўлади.
- 3) +ияликни ташкил этган жинсларига қўшимча босим вужудга келтирадиган жараёнлар: +ияликга қараб фильтрланиб борувчи сувларнинг гидродинамик босими; Жинсларнинг ғовакларидағи ва ёриклардаги сувнинг гидростатик босими; +ияликга таъсир этилаётган сунъий динамик ва статик босим, сейсмик ходисалар.

Сурилишнинг содир бўлиш сабабларидан бири жинслар намлигининг бирдан ошиб кетишидир. Намлик ошган сари унинг оғирлиги ортади, структураси бузилиб ёпишқоқлиги камаяди, оқувчанлиги ортади.

Ёнбағирликларда ётган тоғ жинслари икки томондан; атмосфера ёғинлари ва ер ости сувлари таъсирида намланади. Атмосфера ёғинлари Ўрта Осиёда бўладиган сурилишларнинг бош сабабчиларидир. Тинимсиз 3-4 кун ёқкан ёмғир, эриган қор сувларининг бир қисми қиялик бўйлаб пастга оқса, бир қисми тоғ ёнбағирликларидаги лёсс ва лёссимон жинсларга шимилади. Жинснинг намлиги ошиб, ости қатлам эса сув ўтказмайдиган қатламга тўпланиб кучсизланган зоналар ҳосил бўлади. Жинснинг массаси ортиб,

консистенцияси ўзгариб, ярим қаттиқ ҳолдан - пластик юмшоқ ҳолга ўтади ва қиялик бўйлаб силжийди.

Ер ости сувлари ёнбағирлиқдаги булоқ кўринишида ер юзига чиқиб жинсларнинг намлигини оширади ва иккинчи томондан, қатламлар орасида сувли қатлам ҳосил қилиб, устки ва остки қатламни намлигини оширади. Бундай таъсирлар узоқ вақт давом этишида сурилиш ҳодисаси рўй беради. Тоғ жинсларининг литологик ва минералогик таркиби ҳам, сурилишларнинг ҳосил бўлишида катта рол ўйнайди, таркибида монтмориллонит ва каолинит минерали кўп бўлган жинслар сув таъсирида намлиги ошиб ёпишқоқлиги камаяди, бу пластик ёки оқувчан ҳолатга тез ўтади ва қия қатлам бўйича сурила бошлайди. Тўғон қурилиши натижасида дарёдаги сувнинг сатҳи кўтарилиб қирғоқдаги жинслар сув остида қола бошлайди. Сувнинг кўтарилиши кучи таъсирида, жинснинг оғирлиги камайиб у қиялик бўйлаб ўз устида ётган жинслар босимига бардош бера олмай дарё томон силжийди. Бундай сурилишлар кўпинча янги ишга туширилган сув омборларида вужудга келади.

Зилзила ҳам сурилиш ҳодисасига сабаб бўлади. Зилзила туфайли лёсс ва лёссимон жинсларнинг физик-механик хоссалари ўзгаради. Масалан; кучли зилзила натижасида жинсларнинг ички ишқаланиш бурчаги  $1^0$  дан  $6^0$  гача кичраяди, бу эса ёнбағирликни мустаҳкамлик коэффициенти камайишига сабаб бўлади. Кўчки динамикасида унинг бошланиши, ўса бориши ва тўхташгача бўлган даврдаги хусусиятларининг ва ҳаракат тезлигининг вақт бирлигидаги ўзгаришига айтилади. Шу боис, сурилиш даврларини 3 босқичга: тайёрланиш, сурилиш ва сурилган массанинг қияликдаги кейинги ҳолатига ажратиш мумкин. Тайёрланиш босқичида табиатдаги сурилиш ҳосил қилувчи омиллар таъсирида қияликнинг мустаҳкамлик даражаси камайиб боради ва сурилиш белгилари кўрина бошлайди. Сурилишнинг механизми ва динамикасини баҳолаш учун, уларнинг ҳосил бўлиш белгиларини билиш лозимдир. Улар қуидагилардир;

1.+ияликда ҳар - хил кенглиқда, чуқурлиқда ёриқлар пайдо бўлиб, даставвал улар сезилмай, кейин аста - секин кенгайиб, узайиб кета бошлайди.

2.Сурилиш уюмлари пайдо бўлади.

3.+ояда, кўлмак сувлар, шўрҳоклар ҳосил бўлади, ботқоқ ўсимликлари тарқалади.

4.Сурилишнинг ўса боришидан қияликнинг юқори қисмида ўзилиш девори ҳосил бўлади.

5.Ёнбағирлиқнинг қуий қисмида аста-секин кўтарилган жойлар вужудга келади, бу эса кўчкidan дарак беради.

6.+ияликда жойлашган тоғ жинсларининг намлиги юқори бўлади.

7.Сурилиш бўлган жойдаги дараҳтлар қийшайиб қолади ва шу ҳолда ўсади. Бундай дараҳтлар «Маст дараҳтлар» деб ҳам аталади. Баъзан сурилиш оқибатида, икки дараҳт бир-бири билан қўшилиб, ёки битта дараҳтнинг ўзи

иккига бўлиниб ўсиши ҳам мумкин. +ияликдаги дарахтларнинг бу ҳолда ўсишига қараб, қачон сурилиш бўлганлигини аниқлаш ҳам мумкин.

8. Сурилишга учраган қияликнинг усти кичик - кичик тепаликлардан ва дўнгликлардан иборат бўлиб, улар усти ўтлар ва ёриклар билан қопланган бўлади.

9.+иялик устига солинган уй ва иншоотларнинг деворларида ёки тоғ ён бағирликларидан ўтган йўлларда ёриқларнинг пайдо бўлиши, сув оқиш қувурларининг узилиб кетиши – шу жойда сурилиш содир бўлаётганлигидан дарак беради.

10. Шурфдан ёки бурғ қудуқларидан олинган тоғ жинслари структурасининг кўчиш зонасига яқинлашган сари, бузилиб бориши ҳам сурилиш бўлганлигидан дарак беради.

Сурилиш босқичида, сурилиш жараёни рўй бериб, тезлиги бир хил бўлмасдан, аввал тез, сўнг секин давом этиши мумкин.

Ўрта Осиёда бўладиган сурилишлар тез бўлиб, халк хўжалигига катта зарап етказади. Бу босқичдаги сурилишлар баъзан тўхтаб, узоқ вақтгача ҳам давом этиши мумкин, чунки сурилишга сабаб бўладиган омиллар вақти-вақти билан намоён бўлиши мумкин.

+ияликларда поғонасимон супачаларни пайдо бўлиши ва уларнинг устида хар-хил ёриқларни пайдо бўлиши, поғонасимон сурилиш бўлганлигидан далолат беради.

Р.Ниёзов маълумотига кўра, 1961 йилдан 1972 йилгача олиб борилган муҳандислик - геологик ва гидрогеологик текширишлар натижасида, Ўрта Осиё ҳудудида 8000 га яқин сурилишлар бўлганлигини аниқланган. Шундан 2935 таси Ўзбекистонда, 3500 таси Тожикистонда, 1600 таси +ирғизистонда руй берган. Шуниси характерлики, 80% дан ортиқ сурилиш, лёсс ва лёссимон жинслар тарқалган ҳудудларда содир бўлган.

Сурилиш сабабларини билмасдан, унга қарши чоралар қўриб бўлмайди. Шу сабабли сурилишларни, сурилиш сабаблари бўйича классификациялаш муҳим аҳамиятга эга.

Сурилишларни классификацияларини учта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Алоҳида классификациялар - бунда сурилишнинг бир ёки иккита белгиси ҳисобга олинган бўлади.

2. Умумий классификация - бунда сурилишнинг бир неча белгилари ҳисобга олинади ва кўпчилик сурилиш белгилари учун умумий характерга эга бўлади.

3. Регионал классификациялар маълум районларда тарқалган сурилишлар учун ишлаб чиқилади, бунда тоғ жинси сурилишининг ўша жойда пайдо бўлиш шароити ва тарқалиши ҳисобга олинади.

Сурилишнинг сабаблари ва турлари хилма-хил бўлганлиги учун, уларга қарши кураш чоралари ҳам турличадир. Сурилишга қарши кўриладиган чоратадбирлар пассив ва актив хилларга бўлинади.

Пассив чора - тадбирларга қуидагилар киради:

1. +ияликларда сув тўпланувчи чуқурликлар ҳосил қилмаслик, сувларни ҳар томонга бетартиб оқиб кетишини тўхтатиш.
2. +ияликларни устига чиқинди, тош ва тупроқларни ташламаслик.
3. +ияликлар устига оғир, бино ва иншоотларни қурмаслик.
4. Сурилиш хавфи бор жойларда, портлатиш ишларини бажармаслик.
5. Сурилиш зоналари атрофида поездларнинг ҳаракат тезлиги ошишига йўл қўймаслик.
6. +ияликларга экин экиб, уларни суғормаслик керак.
7. +ияликларни текислаб, нишабликларни камайтириш чораларини кўриш керак.
8. Сурилиш хавфи бор жойларда чиқинди сувларни ва атмосфера сувларини оқиб ўтишига йўл қўймаслик.

Бинолар ва иншоотларни асосини танлашда пойдевор чуқурлиги, нурашга учрамаган жинсгача қадар ковланиши лозим. Бу мақсадда эса, элювий ётқизиқларни махсус чоралар билан зичланса, асос сифатида ишлатса ҳам бўлаверади. Нурашни олдини олиш ёки нурашга учраган жинсларни хоссаларини яхшилаш учун турли тадбирлар қўлланилади:


1. Тоғ жинсларини нуратувчи таъсирдан сақловчи махсус қопламалар билан қоплаш.
2. Жинсларни таркиби турли моддаларни шимдириш йўли билан
3. Нураш агентлари (сув, ҳаво, газ ва бошқа.) ларни таъсирини йўқотиш.
4. Ер ҳудудларини текислаш ва оқава сувларни тартибга солиш.
5. Тоғ жинсларини юзаларини турли материаллар; гудрон, битум, бетон, асфальтобетон, цемент қоришимаси, гиллар билан қопланиб, уларнинг тури, нурашнинг хилига, чуқурлигига қараб аниқланади. Масалан; гудрон, битум, цемент ва бошқа сунъий қопламалар сувни йўлини тўсиш учун ишлатилади, лекин улар ҳам ҳароратнинг иссиқ - совуқ ўзгаришларидан сақлай олмайди. Жинсларни зичлигини ошириш учун уларни суюлтирилган шиша, битум, гудрон, цемент қоришимаси, гилтупроқ билан шимдириш мумкин.

Актив тадбирларга эса сурилишни олдини олиш, уни кучини камайтириш, тўхтатиш учун кўриладиган иншоотлар киради.


Булар ўз вазифасига кўра қуидаги гуруҳларга бўлинади;

1. Денгиз, кўл, дарё қирғокларидаги содир бўладиган, ювилиш ва уйилиш жараёнида содир бўладиган емирилиш – абразия жараёни содир бўлади. +ирғоқларни абразиядан сақлаш учун, қирғоқларга бетондан, темирбетондан ишланган – қайтаргичлар, тўлқин сўндиргичлар, деб аталадиган блоклар курилади. Булар қирғокларни ювилишдан сақлайди ва суриладиган массага таянч бўлади.

2. Бу гуруҳга сурилиш массасини куч билан ушлаб турувчи иншоотлар киради. Суриладиган массани силжитмаслик учун асосан таянч деворлари, ер ости устун қозиқлари, ва контранкетлардан фойдаланилади. (6.3, 6.4, 6.5, 6.6 - расмлар)




6.3 – расм. Суриладиган шияликни устун шозишлар ёрдамида мұсташкамлаш (Б.О.Мавлонов, С.Зошибов расми.).




6.4 – расм. Шияликтарни яссилаб ва контрабанкет үриб уларнинг

3. Учинчи гурухга тааллуқлы тадбирларга ён бағирилқдаги сурилиш эхтимоли бўлган жинсларнинг хоссаларини сунъий тарзда ўзгартириш; цементлаш, электроосмотик қуритиш, зичлигини ошириш йўли билан сурилишга қаршилик кўрсатиш қобилияти оширилади.



6.5 – расм. Дренажли галереяning суриладиган шиялика жойланиш схемаси:(М.З.Назаров расми). а, б, в – сувли

4. Ушбу гуруҳда қўлланиладиган тадбирлар, ён бағирилқдаги суриладиган массани олиб ташлашдан иборат



6.6 – расм. Суриладиган шияликни таяңч девор ёрдамида

## 6.2 Нураш жараёни

Ер юзасидаги физикавий-химиявий ва органик жараёнлар таъсирида тоғ жинсларини таркиб ва ҳолатини ўзгариб, парчаланишига - нураш жараёни деб аталади. Саналган омилларга кўра нурашнинг қўйидаги турлари бор; физикавий, химиявий, органик. Табиатда нурашнинг бу турлари айни бир вақтда руй беради.

Физикавий нураш - ҳавонинг ва сувнинг кунлик ва мавсумий ўзгаришидан юзага келади. +үёш радиацияси таъсирида тоғ жинслари қизиб, уларнинг сиртидаги ҳарорати, ёз кунлари  $70^0$  с гача кўтарилиши мумкин, тунда эса ҳаво ҳарорати пасаяди ва бунинг натижасида жинс таркибиға кирувчи минераллар кенгайиш ва торайиш зўриқишлиари натижасида емирилиб, майдаланиб кетади. Бу жараёнлар тоғ жинси таркибидаги ғоваклардаги сувларни доимий музлаб эришларини кучайтиради. Совуқ иқлимли ҳудудларда ғоваклардаги сув музлаб, унинг ҳажми 11% га ортиб, ғовакчалар деворларини емиради. Узоқ давом этадиган бундай ҳодисалар натижасида, қаттиқ, яхлит, зич жинслар емирилиб, кичик парчаларга бўлиниб кетади.

Нураш жараёни натижасида емирилган, майдаланган тоғ жинслари баязи ҳолларда емирилган жойнинг ўзида колади ва ушбу жараён –элювий жараён - дейилади. Бироқ бу жинслар, кўпинча тоғ ёнбағирликлари бўйлаб сурилиб, делювий қопламани ҳосил қиласади. Делювий деганда, нураш натижасида емирилган тоғ жинсларини ёмғир, қор, муз сувлари таъсирида тоғ олдига ва тоғ этакларига ётқизилиши тушунилади.

Химиявий нураш - химиявий актив сувни, айниқса унинг таркибида эриган моддалар кам бўлиб, (оқар сувлар) асосида карбонат ангидридни кислород билан биргалиқда таъсирида руй беради.

Химиявий нураш турли химиявий реакциялар (оксидланиш, эриш, гидратланиш, гидролиз ва бошқалар) асосида руй бериб, натижада

минераллар ва жинслар тўла парчаланиши ва янги шароитларда турғун бўлган жинс ва минераллар ҳосил бўлиши мумкин.

Масалан, магматик тоғ жинслари (гранит, диорит ва бошқалар) жинс ташкил этувчи минераллари, дала шпатлари ва слюдалар емирилиб, гилли минераллар: каолинит, гидрослюдя ва монтмориллонит каби минералларни ташкил этади. Айни вақтда реакция маҳсули сифатида карбонатлар, сульфатлар, хлоридлар ҳосил бўлиб, қулай шароит ҳосил бўлса, яъни нураш маҳсуллари сувга тўйинса, сувли эритмалар ҳолига ўтиб, физик ва химиявий нурашда иштирок этиши мумкин.

Органик нураш - органик нураш жараёнида ўсимлик ва ҳайвон организмларининг актив иштироқида руй беради. Органик нураш анчагина мураккаб жараёндир. Бунда физик ва химиявий нурашнинг элементлари мавжуд бўлиб, шу сабабли ҳар доим ҳам бу емирилишни тури мустақил равишда учрамаслиги мумкин.

Масалан, турли ҳайвонот организмлар ўз инлари ва йўлларини ўйиб куришда, ўсимликларнинг илдизларини еб, ер ичига кириб бориб, катталашиб, жинсларни емирилиши физик нураш турига киритилади. Организмларни органик моддаларни парчаланиб яшаш фаолияти натижасида химиявий нураш учун муҳим бўлган маҳсулотлар, кислород, карбонат ангидрид гази, турли химиявий компонентлар ҳосил бўлиб, муҳитнинг кислотали шароити ортади. Нурашнинг ҳамма турлари бир-бири билан боғлиқ ҳолда рўй беради. Нураш жараёнининг тоғ жинсларининг хоссаларини таъсири.

Нураш геологик жараён сифатида бирламчи жинсларни емирилишига ва ўзгаришига сабаб бўлади. Инженерлик геологик нуктаи назаридан нураш жараёнининг асосий йўналиши. Тоғ жинсларини физик холатини ва физик механикавий хоссаларини ўзгартиришига қаратилган бўлиб, бино ва иншоот асосидаги, табиий ва сунъий қиялиқдаги, ер ости қазилмалардаги жинснинг турғунлигини камайтиришга олиб келади. Нурашга учраган қатламнинг физик-механикавий хусусияти, уни нурашга учраганлик даражаси, петрографик минерал таркиби ва тузилишига боғлиқ бўлади. Чукурлик магматик жинслари, ер сиртида емирилишига учраб, мустахкамлигини тез йўқотади ва «пўк» жуда паст мустахкамликка, юқори деформатив хоссаларга эга бўлган бўш, юмшоқ жинсларга айланади. Емирилган ўрта ва нордон магматик жинсларнинг бўшоқ жинслари, асосан нурашга бардошли кварц минералидан ташкил топгандир. Асосли ва ультра асосли жинсларнинг бўшоқ жинслар-турғун бўлмаган-дала шпатидан тузилган бўлиб, нураш қобиғида гилли жинсларга айланиб кетади. Бундай жинсларнинг механик хусусияти, нордон ва ўрта нордон жинсларнига қараганда пастроқ бўлади. Магматик жинсларнинг келгуси емирилишида йирик чақиқли эллювиал грунтлар ҳосил бўлиб, уларнинг мустахкамлиги ва сиқилувчанлиги тўлдиргичдан вақисман емирилган жинснинг механик мустахкамлигига боғлиқ бўлади. Эллювиал қумли грунтлар, анчагина структурали мустахкамликка эга бўлиб, бунга сабаб

заррачаларнинг сақланиб қолган табиий бирлашиш кучи ва иккиламчи цементлашишнинг мавжудлигидир. Гилли эллювий жинснинг характерли хусусияти-намланганда шишиб бўкиши ва қуритилганда-кичрайишидир. Бу жараёнлар қурилиш шароитини ва бинодан фойдаланишни ёмонлашувига, харажатларни ошиб кетишига сабаб бўлади. Метаморфик жинсларнинг эллювийи, физик-механик кўрсаткичлари бўйича-асосли ва ультра асосли магматик жинсларнинг емирилишига қобигига яқин туради.

Чўкинди жинсларнинг емирилиши ўзгачалик билан ажралиб туради. Химиявий ва органик жинслар кўпроқ емирилиб, бўш жинслар камроқ емирилади. Химиявий ва органик йўллар билан хосил бўлган жинслар сувда тўла эрийди ёки қум ва гилли ўлчамлар бўйича майдаланиб кетади. Цементлашган жинсларда дастлаб цемент емирилади, қумтош қумга айланади.

Гилли жинслар нураганда қуйидагилар рўй беради: а) мавжуд ёриқлар кенгаяди ва янгилари хосил бўлади; б) /оваклашиш, в) иккиламчи минераллар пайдо бўлади. Бу жараёнлар гилли жинсларнинг физик-механик хусусиятларини ёмонлаштириди, уларда сурилишга қаршилик камаяди ва сиқилувчанлиги ортади. Бу жараёнлар айниқса уларни кескин бўшатиш, устидаги босиб ётган жинслар оғирлиги олиб ташланганда рўй беради. Бундай ходисалар чуқурлар қазиша намоён бўлади. Гиллар юқоридаги оғир босиб турувчи қатламдан озод бўлгач, ўз хажмини оширишга интилади. Шунда уларда нурашнинг ташқи агентларининг ўтқазувчи ёриқлар пайдо бўлади.

Минерал таркиби кўпинча монтмориллонит миқдори ошиши томонига ( $\text{pH} > 7$ ) ўзгариб, гилли грунтларнинг сиқилувчанлиги ва бўкиши ортади. Юқоридагилардан қўринадики, нураш жараёни грунтларнинг ва қурилиш майдонининг геологик шароитини шунчалик ўзгартирадики, биноларни ва иншоотларни махсус тадбирларсиз қуришни кўз олдига келтириб бўлмайди.

Нураш процессининг содир бўлиши ва кучайишига кишиларнинг муҳандислик фаолиятлари ҳам катта таъсир қиласи.

Муҳандис иншоотлари, шахталар, котлавонлар, сув омборлари қуриш сингари ишларда ернинг геологик шароити ўзгаради. Сув омборлари қурилишида, тўғон ҳисобига сувни кўтарилиши оқибатида, тоғ жинслари таркибидаги тузларнинг миқдорини ошиши, бурғ қудуқларини қазиш, ер ичидаги маълум чуқурликларда қандайдир даражада бўлса ҳам, вақт ўтиши билан механикавий, химиявий ва органик нураш жараёнлари бошланади. Нураш жараёнида тоғ жинсларининг физик - механик хусусиятлари ўзгаради, уларда ёриқлар хосил бўлади, улар кенгаяди, ғоваклиги ортиб, мустаҳкамлиги пасаяди.

Бинолар ва иншоотлар асосини танлашда пойdevor чуқурлиги, нурашга учрамаган жинсгача ковланади ёки элювий ётқизикларини махсус чоралар билан зичланса, асос сифатида ишлатса ҳам бўлаверади. Чуқурликлардаги қияликларни нурашга учраган жинсни ҳисобга олиб тайинланади. Нурашнинг

олдини олиш ёки нурашга учраган жинсларни хоссаларини яхшилаш учун турли тадбирлар қўлланилади:

1. Тоғ жинсларини нуратувчи таъсиридан сакловчи маҳсус қопламалар билан қоплаш.
2. Жинсларни таркибига турли моддаларни шимдириш йўли билан
3. Нураш агентлари (сув, ҳаво, газ ва бошқа) ни таъсирини йўқотиши.
4. Ер ҳудудларини текислаш ва оқава сувларни тартибга солиш

Тоғ жинсларини юзаларини турли материаллар-гудрон, битум, бетон, асфальтобетон, цемент қоришимаси, гиллар билан қоплаб, улар нурашнинг хилига, чукӯрлигига қараб белгиланади.

Масалан, гудрон, битум, цемент ва бошқа сунъий қопламалар сувни йўлини тўсиш учун ишлатилади, лекин улар ҳам ҳароратнинг иссиқ - совук ўзгаришларидан саклай олмайди. Жинсларни зичлигини ошириш учун уларни суюқ шиша, битум, гидрон, цемент қоришимаси, гилтупроқлар билан шимдириш мумкин. Ер ости сувларини йўқотиши дренах (захқоп) лар қуриш йўли билан амалга ошириш мумкин. Тош материаларни нурашдан саклаш чоралари 2 га бўлинади: Конструктив ва химиявий:

Конструктив чора тадбирлар турқумига тош - материаллар устига ёғин - сочинларни тегдирмасликни таъминлаш, материал юзасини ва шаклини силлиқлаш ҳисобига тушган сувни унда туриб қолмаслик ва ичига кирмасликни таъминлаш чоралари киради.

Химиявий чораларга эса тош материаллар сиртида зич, сув ўтказмайдиган юзалар ҳосил қилиш ёки уни гидрофоблаш киради.

Юзаларни зичлашдаги усулларидан бири флюатлашdir. Бунда карбонатли жинслар кремнийфторли водород кислота тузлари билан шимдирилади. Бу жараёнда қуйидаги реакция руй беради.



ва тошнинг ташқи ковакларида, сувда эримайдиган магний ва кальций фторидлар ҳосил бўлади. Карбонат бўлмаган жинсларни олдиндан кальций тузларининг сувли эритмалари, ва масалан, кальций хлор билан ишловдан ўтказилади.

Гидрофоблаш - деганда ғовакли тош материални гидрофоб (сувни итарувчи) моддалар билан шимдириш тушунилади.

Бунда тош қопламанинг юзаси зичлиги ортиб, нурашга яхши чидайди. Тошларни кремний - органик суюқликлар, полимер материаллар, парафин эритмалар ёки металл чанглари (алюминли, рухли) билан шимдириш яхши самара беради. Тош материаллар сиртини мономерлар билан қоплаб, сўнгра уни полимерлаш уни узоқ муддатларга чидамлилигини оширади.

### 6.3. Шамолнинг геологик иши. Эол ётқизиқлар

Ер юзида турли йўналиш ва тезлиқда шамоллар эсиб туради. Шамолнинг тезлиги 60 - 70 м/сек га етса, у қуюнга айланиб катта вайронагарчиликлар келтиради, одамларни ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин ва халқ хўжалигига катта зарап келтиради. Шамол ўз йўлида катта геологик ишларни бажаради. Шамол ўз йўлида қумларни суриб кетади. Уларни тошларга бориб уради. Тошлар юзи бу зарбалар натижасида текисланиши, жўяқчалар, чукурликлар ҳосил бўлиши мумкин. Шамолнинг иши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай жараёнларни **Эолли** жараёнлар деб юритилади.

Шамолнинг механик кучи бино ва иншоотларга жиддий таъсир кўрсатиб, унга тўсик бўлиб хисобланади. Бу шамолдан бўладиган юклама дейилади, қурилиш конструкцияларининг ён томонларига таъсир кўрсатади. Баланд қурилмалар, айниқса заводларнинг баланд тутун трубалари шамол юкламалари таъсирида доим тебраниб туради. +урилиш конструкцияларини лойихалаш ва хисоблашда бу юкламаларни хисобга олиш лозимдир. Шамол ўз харакати давомида ўзи билан қум, хатто шағалларни хам учирив кетади. Энг катта бузувчи, емирувчи ишларни қум парчалари бажаради. Улар қаттиқ жинсларга урилиб, улар юзасида турли жўяқчалар, йўлчалар, чукурчалар ҳосил қиласи. Бу ҳодиса коррозия деб ном олган. Чўлларда коррозия туфайли телеграф устунлари, симлар тезда яроқсиз холга келади, биноларнинг олд қисми кўриниши бузилади. Дефляциянинг ва коррозиянинг биргаликдаги харакати фақат юмшоқ жинслар эмас, қаттиқ жинсларни хам емириб, турли ўлчамли парчаларга айлантиради. Айни вақтда ушбу жараёнлар рельефнинг турли шаклларини юзага чиқаради. Шамолнинг тезлиги билан ва заррасининг катта-кичиклигига қараб қум кўчган ҳолда ёки урилиб айланиб кетиши мумкин.

Гилли чангсимон ва майин қум зарралари тепага кўтарилиб кўчади ва шамолнинг кучига қараб юзлаб ва хатто минглаб км гача кўчиб бориши мумкин.

Шамол ўз йўлида тоғ жинсларига механикавий таъсир этиши натижасида ундан майда зарраларни, ғоваклардаги нураш маҳсулотларни ўзи билан олиб чиқиб кетади. Бу ҳодиса - дефляция деб аталиб, чўлда тоғ жинсларини батамом бузилишига олиб келади. Шамол фақатгина майда зарраларнига учирив кета олади. +умни эса ер устидан бир озгина кўтариб, учирив кетади ва узоқ жойга бормай уларни тўплайди. Шамол таъсирида чўлларда катта - катта қум тепаликлари, дўнгликлар ҳосил қиласи. Булар қум дюналари, барханлари деб аталади. +ум дўнгликлари Сахрои Кабирда, Арабистон ярим оролида, Мексика, экватор сахроларида, Республикаизда Орол денгизи бўйларида, Амударё қирғогида, +орақум ва +изилқум сахроларида, Фарғона водийсидаги, Ёзёвон чўлларида ва Мирзачўлда учрайди. Бу дўнгликлар шамол таъсирида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юради.

Шамол таъсирида тупроқнинг майда заррали қисми ҳамда ундаги чиринди ва озуқа моддалар йўқолади, натижада тупроқнинг унумдорлиги

ниҳоятда пасаяди. Шамол ернинг унумдор қатламларини сидириб кетишдан ташқари баъзи худудларни шўрланишига ҳам сабаб бўлади. Маълумки шўрхок ерларда денгизнинг қуриган қисмларида ва қирғоқларида масалан, Орол дengизи қирғоқларида туз йифилади. Шамол бу тузларни учириб, бошқа жойларга элтиб ётқизади, натижада унумдор ерлар шўрхок ерларга айланади. Бу ҳодисани Мирзачўлда, Фарғона ва +арши чўлларида кўп кузатиш мумкин. Шамол эрозиясини (емирилиши) бартараф килишда, темир йўлларни, пахта майдонларини, боғларни, каналларни шамоллардан ҳимоя қилишда маҳсус юпка кобиклар ҳосил килувчи моддалар ишлатилмокда. Бу моддалардан, масалан - поликарилладнинг сувдаги эритмаси, ҳаракат қилувчи қумлар устига сепилганда маълум қалинликда юпқа қатlam ҳосил бўлади ва қум кўчишдан тухтайди.

Шамол сув ва музликлар нураш маҳсулотларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириш билангина чегараланмайди, балки улар тоғ жинсларини механикавий равишда парчалайди ва ер юзи рельефини ўзгартиради. Бу ҳодиса геология фанида - Денудация жараёни деб аталади.

#### **6.4 Карстланиш ҳодисаси.**

Ер ости сувлари таъсирида оҳактош, доломит, гипс, ош тузи каби тоғ жинсларини эритиш натижасида ҳосил бўладиган геологик жараёнлар-карстлар - деб аталади.

Карст сўзи шимолий - ғарбий Юgosлавиядаги карст платоси (яssi тоғ) номидан олинниб, «Тош» деган маънони билдиради. Бундай деб аталишига сабаб шуки, ана шу яssi тоғда бундай ҳодисалар жуда кўп тарқалган ва дастлаб шу ерда яхши ўрганилган.

/орлар турли шакл ва ҳажмдаги бўшлиқлар кўринишида бўлади. /орлар икки хил бўлади: очиқ ғорлар ёки воронкасимон ўпирилган чуқурликлар; ёпик ғорлар - бу оҳактошлар жинслари орасида пайдо бўлган горизонтал ёки тик қия бўшлиқлардир. Морфологик жиҳатдан ғорлар Ер юзида кўпроқ ботик шаклларини ташкил қиласи. Очиқ карст (фор) лар хар - хил шаклга эга бўлиши мумкин. Ер остидаги карстлар ҳам бир неча хил бўлади; тик йуналган қудуқ, оғзи тор, ичига томон кенгаювчи (эпикарст), горизонтал йўналган каналли, ер юзига ер ости сувини олиб чикувчи (мезокарст), чуқурлик (гипокарст). Карст шакллари ботик ва қавариқ бўлиши мумкин, ботик шаклларнинг чуқурлиги бир неча метрдан, минг м гача бўлади. Емирилувчи, ғорлар ҳосил килувчи жинслар сувда эрийдиган жинслардир: карбонатли жинслардан: оҳактош, доломит, бўр, мармар: Сульфатли жинслардан: гипс ва ангидрит; хлоридлардан - ош тузи, сильвин ва бошқалар.

Энг кўп эрийдиган хлоридлар бўлиб, хар қандай химиявий таркибдаги сувда эрийди; 1 л дистилланган сувда 328 грамм ош тузи эриши мумкин. Сульфатлар сувда нисбатан кам эрийди; 1 л дистилланган сувда 2,6 г гипс эрийди. Агар сув таркибидаги NaCl бўлса, унинг эрувчанлиги 4-марта ошади,

$MgSO_4$  бўлса, эрувчанлиги аксинча камаяди. Карбонатлар қийин эрийдиган жинслар ҳисобланади: 1 л дистилланган сувда 0,013 г  $CaCO_3$  эрийди. Умуман олганда, сувнинг тоғ жинсларига таъсири жуда секинлик билан боради, бироқ сувнинг таркибида карбонат ангидрид кўп ва ҳарорати юқори бўлса, бу жараён тезлашади. Карбонат ангидрид сувда қийин эрувчи магний ёки калций карбонатли сувда эрийдиган бикарбонатларга - айлантирилади.



Бўр бўш жинс бўлганлигидан сувда фақатгина эриб қолмасдан, осонлик билан ювилиб чиқиб кетади. Карстни ҳосил бўлишида тоғ жинсларнинг дарзлилиги ҳам катта таъсир кўрсатади. Дарзлардан кириб борган, ер ости сувлари, атмосфера ёғинлари ва тоғ жинслари емирилишини кучайтиради. Карстлар, айниқса тектоник зоналарда кўпроқ учрайди, сабаби бу зоналарда тоғ жинслари дарзлари кўпроқ ва ернинг чуқуррок қисмларигача кириб боради.

Атмосфера ёғинлари ва дарё сувлари камроқ минераллашгани сабабли, карстлар ҳосил килишда фаол роль ўйнайди.

Атмосфера сувлари емирилувчи жинслар массивлари устида дастлабки йўлларни ҳосил килади, сўнгра бу йўллар кенгайиб жўяклар, тарновлар (каррлар) ҳосил килади ва бу ҳосил килинган юзаларни - каррли юзалар деб аталади.

Лёсс тоғ жинсларида ҳосил бўладиган бўшлиқлар, кўпинча ўсимликлар ҳамда хайвонларнинг (кемиравчилар) яшаси жараёнидан пайдо бўлган, ер устидан пастга қараб йўналган, найсимон, баъзан айланасимон ҳолдаги, турли катталиқдаги бўшлиқларга, атмосфера ёғинларининг оқиб кириши ва бирорта пастлик, қулай жойдан ер юзасига сизиб чиқиши натижасида ҳосил бўлади. Бундай бўшлиқлар Республикаизда Тошкент олди районларида, Паркент водийсида, Шимолий Фаргона водийсида - Намангансой, Чортоксой, Косонсойда учрайди. Карстлар ҳосил бўладиган тоғ жинслари қурилиш учун анчагина мушқулликлар туғдиради. Гипсли ва ош тузи тарқалган жойларда фақатгина мавжуд бўлган карст эмас балки, унинг янги хилларини ва айниқса бинонинг асосида ҳосил бўлиши, қурилиш учун хавф солади. Оғир иншоот қурилиши натижасида ер юзасига яқин жойлашган ғорлар, ўпирилиб тушиши мумкин. Тоннелларни қуришда карстли худудлардан ўтишда, йўлларда йирик ғорлар учраши мумкин ва бу анчагина қийинчиликлар туғдиради. Агарда иншоотнинг геологик жиҳатдан қулай бўлган жойларга жойлаштириш имкони бўлмаса, карстли бўшоқ тоғ жинсларини сунъий равишда заминда зичлаш, масалан, зич цементли, майда заррали қум аралашмалари, цементли -- гилли аралашма билан зичлаш лозим. Тоннелларни ўтирилиб кетмаслигини олдини олиш мақсадида, мустаҳкам том нишалари тайёрланади.

Карстли худудларда ҳар қандай иншоот қурилишида ер ости ғорликлари намоён бўлиш босқичи ва характеристини ўрганиш, карстли қатламларини ва

унинг сувли хусусиятларини ўрганиш, ва айниқса тектоник зоналарга аҳамият бериш зарур.

## 6.5. Селнинг геологик иши ва пролювиал тоғ жинслари

Сел сўзи арабчадан олинган бўлиб «тез оқувчи сув» деган маънони билдиради. Тоғлик районларда музнинг, қорнинг эриши, ёмғир ва жалалар ёғиши натижасида ҳосил бўлган ўзанли, вақтинча катта тезликдаги сувлар оқими ўз йўлида тоғ жинси парчаларини суриб кетиб, пастга томон оқизиб кетади. Бу вақтинчалик катта кучга эга бўлган сув оқимини сел деб аталади. Сел ичидаги аралаш тоғ жинслари бўлганлиги учун унинг зичлиги 1,2 - 1,8 г/см<sup>3</sup>, тезлиги эса 10 - 15 км/соат га етади.

Селлар қўйидаги шароитларда ҳосил бўлади:

- Кучли жала ёғиши ёки қорнинг шиддат билан эриши;
- Тоғ ён бағирликлари, водийлар ўзанларининг нишаблиги 35%дан кўп бўлишлиги;
- Нурашдан майдалангандан жинсларнинг тоғ ён бағирликларининг ҳавзаларида йиғилиб, катта миқдордаги бўш жинс уюмларини тўпланиши.

Сел массаси таҳминан 50 - 60% ҳар - хил тош парчалари, қумлардан, гиллардан ва ўсимликлар таналаридан иборат бўлади. Шу билан боғлиқ ҳолда, селлар тез емирилувчи жинслар (гилли, сланецли) жойлашган тоғли курғоқ ҳудудларга хосдир. Бундай ҳудудларда тоғ жинсларини нураши натижасида тўпланиб қолган бўш жинслар уюми тўпланган бўлади. Ҳосил бўлиш манбаига қараб сел регионал ёки маҳаллий хилларга бўлинади. Уларнинг биринчиси, жойнинг геологик ва геоморфологик шароити билан, чамбарчас боғлиқ ҳолда, ёғин кўп ва тез ёғишидан содир бўлади. Маҳаллий сел эса маҳаллий қатламлари бирдан эриши натижасида тоғликлардаги кўллардаги сув кўпайишидан, бу кўллар ҳавзаларининг айrim жойлари ўпирилишидан вужудга келади. Сел ходисаси содир бўладиган ҳавза З зонага бўлинади.

1. Таъминланиш зonasи - Бунга баланд тоғли районлардан тоғ олди районларини ҳам ўз ичига олган территориялар киради. Сув ўзининг дастлабки ҳаракатини, тоғ жинсларидан иборат сел массасининг асосий қисмини ҳам шу ерда йиғади.

2. Сел ҳаракати ёки транзит зonasи

Унга сел оқими ҳаракат киладиган дарё ўзани ва унинг ирмоқлари киради. Кичик жилғалар бир - бирига қўшилиб йўл - йўлакай ўзи билан парчалангандан жинсларни оқизиб бориб, учраган тўсиқларни бузиб кетади.

3. Йиғилиш зonasи - бу зонага паст текисликлар кириб, сел тоғлардан оқизиб келган жинсларни шу ерда тўплайди.

Сел оқимининг миқдори ва йўналиши текисликларда регионнинг умумий геологик тузилишига қараб, ўзгариб боради. Сел ходисаси Ер шарининг ҳамма тоғлик районларига хос бўлиб, бизнинг мамлакатимизда эса Тошкент

вилояти тоғ олди районларида, Чирчик, Охангарон дарёлари водийларида, Наманган, Андикон вилоятларининг тоғ олди районларида рўй беради. Мамлакатимизда 1870 йилдан 1964 йилгача 2079 марта сел ҳодисаси бўлиб, П.М. Карпов уларни 4 типа бўлади.

1) Лойқа тошли - 909 та; 2) Сув тошли - 336 та; 3) Лойқа селли - 261 та; 4) Типи аниқланмаган сел - 570 та. Ўрта Осиёдаги пролювиал лёсс жинслари сел ётқизиқлари бўлиб, сувнинг оҳакли тоғ жинсларини ва дала шпатининг каолинланиши натижасида лёсс жинслари карбонатлашади. Сел оқимлари халк хўжалигига катта зарап етказади, йўлдаги учраган нарсани вайрон килиб, экинзорларни кўмиб юборади.


Селларга қарши кўриладиган кураш сермашақкат ва сарф - харажатларни кўп талаб этади. Селларга қарши курашнинг энг самарали усуулариданбири; тоғ ён бағирликларида дараҳтлар ўтқазишидир. Дараҳт ўз илдизлари билан тоғ жинсларини маҳкам ушлайди, нурашдан, ювилиб кетишдан сақлайди. Лекин бу усул анча вақтни талаб этади. Керакли пайтларда - селнинг ҳаракатланиш зonasида, селнинг йўналишини ўзгартирувчи ҳар - хил иншоотлар қуриш, селнинг бир неча йўналишларини ўзгартирувчи мосламалар, шунингдек тиргак деворлар қуриш шулар жумласидандир.

## 6.6. Эрозия

Нураш махсулотларини - лойка, қум, шагални доимий шағал сувлар ва вақтинчалик бўлган оқимлар оқизиб, ювиб кетади. Ювиб, оқизиб кетувчи (эрозион) жараёнлар Ер рельефининг шаклланишда асосий ролни ўйнайди. Эрозия жараёнининг таг (чуқурлик) тури сув оқимининг чуқурлиги буйича тоғ жинсларни емиради, ён эрозия эса сув оқимининг ён томонидаги тоғ жинсларини емиради.

### **Вақтинчалик сувлар эрозияси ва жарликларни ҳосил бўлиши.**

Вақтинчалик оқимлар, эриган қор сувлари ва ёғин сувларидан ҳосил бўлади. Уларнинг емирилиши фаолияти туфайли жарликлар ҳосил бўлади. Ёғин сувлари ер юзасининг чуқурчалари устида тўпланиб, уларни аста - секинлик билан ювиб, ўпқонлар, ўнқир - чўнқирлар ҳосил қила бошлайди. Тоғ жинсларининг қаттиқлиги ёки юмшоқлигига қараб, бир жойи секин, иккинчиси тез ювила бошлайди. Натижада ён бағирликнинг устки қисмида турли томонга йуналган ёки параллел жўяклар ҳосил бўлади. Жўякларнинг баъзилари ёнбағирликларнинг қуий қисмида бирлашиб чуқур ва катта жўяклар ҳосил килади (6.7 - расм).



6.7-расм. Жарликларнинг кенгайиб бориши:

I- Жарликни бөйлама ширими; 1-боши, 2-асоси, 3-чөштиси, 4-жарнинг кенгаиш томони, 5-чишиш конуси, 6-емирилиш базиси.

II- Жарликнинг көндаланг ширими;

1-фаол жарлик, 2-балка

III- Фаол жарликнинг элементлари;

a) ошым боши.

Вақтингаплик сувларнинг емириш фаолияти бир канча омилларга боғлиқ бўлади:

Ўсимлик қатламида осон ювилувчи, бўшоқ, боғланмаган жинсларнинг мавжудлиги, жалаларнинг ёғиши, дарё оқимларининг емирилиш базисини пастда жойлашганлиги, юзани нишаблиги катталиги, жинслар таркибидаги туз микдорини оз бўлиши - бу омилларга мисол бўла олади. Жарликларни ҳосил бўлиши ва уни кенгайиб кетиши, экинзор ерларга, аҳоли яшаш жойларига ва иншоотларга катта хавф солади.

Жарликлар яқинида бўлган иншоотлар замини ювилиб кетавергач, ўзининг турғунлигини йўқотади. Шуни ҳам айтиш керакки, сугориладиган районларда суғориш иригация эрозияси ҳам содир бўлади. У сугориладиган баланд - пастликларда суғориш техникасига етарли риоя қиласлик оқибатида келиб чиқади. Эрозия туфайли сув жўякларни ювиб, даладан кўп майда зарраларни оқизиб кетади, тупроқ унумдорлиги пасаяди, ўсимлик яхши ўса олмай, ҳосили камаяди. Жарликларни ҳосил бўлмаслиги учун турли тадбирлар қўлланилади. Улар актив ва пассив бўлиши мумкин.

Жарликларни олдини олиш пассив тадбирлардан;

Жарликлар яқинидаги, ўрмонзорларни кесмаслик, ер ҳайдамаслик, мол боқмаслик ва х.к.

Жарнинг кенгайиб кетмаслиги учун кўриладиган - актив чора - тадбирларга юзадаги сувлар харакатини тартибга солиш (чуқурликлар ва лотоклар ётқизиш); жарнинг тубини кичик тўғонлар қуриш йўли билан ювилишдан сақлаш, қирғоқларни мустаҳкамлайдиган ўсимликлар ўтқазиш хисобланади


### Дарёларнинг геологик иши

Кўп аҳоли яшайдиган пунктлар, саноат марказлари, қишлоқ хўжалик майдонлари дарё водийларига жойлашган. Дарё геологик нуқтаи назардан уч

қисмдан иборат бўлади; юқори, ўрта, ва қуи оқим. Дарёларнинг сув оқадиган жойи ўзан деб аталади.

Иссиқ кунлар бошланиши билан тоғлардаги қор ва музлар эриши ва баҳордаги ёғингарчилик кўплиги туфайли сув сатҳи кўтарилади, баъзан кирғоқларга чиқиб кетади, уларни емиради. Дарё бошланиш қисмидаги тоғ жинсларини ювиб келиб, ўз йўлида ўрта ёки қуи қисмларида уларни ётқизади, натижада аллювиал ётқизиқлар ҳосил бўлади, буни аккумуляция жараёни дейилади.


Аллювиал ётқизиқларни ташкил қилган жинслар доналари сараланган, силлиқланган бўлади. Дарё сувлари ўзан туби ва ёнларини тўхтовсиз емиради. Бунга дарё эрозияси - дейилади. Дарё қуийладиган сув ҳавзаси сатҳи эрозия базиси дейилади. Масалан, Чирчик ва Оҳангарон дарёлари эрозия базиси, Сирдарёning сув сатҳи ҳисобланади. Сирдарёning эрозия базиси бўлиб, Орол денгизининг сатҳи ҳисобланади. Ўзан ва кирғоқларнинг ювилиши натижасида дарёning иккала қирғоқларида поғона - поғона шаклидаги баландликлардан иборат супачалар ҳосил бўлади, булар дарё террассаси деб аталади. Дарё террассаси ўз тузилишига қараб, учга; эрозион (ювилган), эрозион аккумулятив (ювилиб йиғилган) ва асосли террассаларга бўлинади.



99-расм. Дарё эрозион террасалари

6.8 – расм. Дарё эрозион террасалари-нинг көндаланг кесими: аарё дастлаб аа<sup>1</sup> кейин вв<sup>1</sup>

Террасалар водий ёнбағри бўйлаб қия супачалар шаклида тарқалган бўлади, бундай супачаларнинг сони ҳар хил бўлиб, 3 дан 20 тагача бўлади. Тузилишига кўра террасалар: аллювиалли, тўла аллювиал, ётқизиқларидан иборат, эрозион - туб жинслардан ташкил топган бўлиб, аллювиал жинслар билан қопланган бўлади.



6.9 – расм. Дарё эрозион – аккумулятив террасаларининг көндаланг кесими:  
дарё дастлаб аа<sup>1</sup> кейин бб<sup>1</sup> ва вв<sup>1</sup> пункттир

Эрозион террасалар дарё қирғоқларида туб жинсларнинг емирилишидан ҳосил бўлади (6.8- расм).

Эрозион аккумулятив терраса дарё ётқизиқларининг қайта-қайта ювилиб таги очилиши натижасида ҳосил бўлади. (6.9- расм)

Дарё водийсида эрозион ва аккумулятив цикларнинг бир неча марта тақорланиши туфайли эрозион ва аккумулятив террасалар ҳосил бўлади.

Дарёларнинг емирилиб бориши, унинг яқинидаги аҳоли яшайдиган жойларга, саноат иншоотларига ва айниқса кўприкларга зарар етказиши мумкин. Кўприклар учун таг ва ён эрозия ҳам ҳавфли ҳисобланади. Кўприкнинг таянч устунлари

сувнинг оқими ва ўзанида бўлса, оқим юзаси бу зонада кичиклиги сабабли сувнинг тезлиги катта бўлиб, таги тез ювила бошлайди. Кўприкларни емирилишидан сақлаш чораси, таянч асосини иложи борича чуқуррок жойлаштириш, ва қўшимча чора сифатида харсанг тош, оғир юкларни кўприк асосига ташлашдир. Ён томонни ювилишдан сақлаш учун қирғоқ ихота қисмларини мустаҳкамлаш зарурдир.

## 6.7. Пливун

Таркибида чанг зарраси кўп бўлган сувга тўйинган майда гилли жинсларга пливунлар дейилади. Улар тўртламчи ва шу давргача бўлган жинслар ичидаги айниқса лёссслар ва лёссимон тупроқларда кўп тарқалгандир.

Пливунларнинг қурилиш практикасида, сувга тўйинган ғовак жинслар, одатда қумлар бўлиб, турли қазилиш ишларида очилиб қолганда суюқлашади, ҳаракатланади ва аталасимон оғир суюқликка айланади. +умлардан ташқари, пливунлик ҳодисаси, маълум шароитларда чангсимон қумоқ тупроқларда, қумлоқ тупроқларда шағалли ётқизиқларда ва коваклари катта бўлган жинсларда ҳам учрайди. Жинсларда пливунлик ҳодисасини асосий сабабиковаклардаги сувнинг гидродинамик босими бўлиб, бу ўз навбатида котлован, ҳандаклар қазиш чоғларида, грунт сувлари босимини тушиши (градиенти) натижасида бўлади.

Одатда пливунли жинсларнинг сув ўтказувчанлиги паст бўлганлиги учун, гидравлик градиент жинс зарраларига фильтрланиш босими кўрсатиб, улар ҳаракатини градиент йўналиши ёки бошқача қилиб айтганда, бўшалиш зonasи, ёъни ҳандакларга йўллайди. И.В.Попов жинснинг ҳолатига ўтишдаги фильтрланиш градиенти критик қиймати  $I_{kp}$ ни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия этади.

$$I_{kp} = (\gamma - 1)(1 - n),$$

Бу ерда  $\gamma$  - жинснинг зичлиги,  $n$  - ғоваклик ( бирликка нисбатан )

Пливунлик ҳолатида жинслар бутунлай структуравий боғланишларни йўқотадилар ва зарралар оқиш ҳолатига ўтади.

Пливунлик ҳодисалари жадаллашуви градиент катталиги, жинснинг гранулометрик, минералогик таркиби, зарралар шакли, зичликлари ва бошқа бир неча омилларга боғлиқдир.

Илмий тадқиқотлар натижалари-қумли грунтлардаги пливунлик ҳодисалари сабаби, бактерияларни айрим тури эканлиги исботланди. Бундай биохимиявий пливунларни ҳосил бўлиши шундай тушунтирилади, сувга тўйинган дисперсли жинсларда юқори даражада тургунлашган коллоидлар ва шу билан, микроорганизмлар ҳаёти фаолияти бўлмиш газлар тўпланиши оқибатида ғовакларда ортиқча босим тўпланиб, жинснинг ҳаракатланишига туртки бўлади. Микроорганизмлар ҳақиқий пливунларда топилиб, яна шуни

аниқландик биологик нураш 50 м чуқурликдаги жинс қатламларида рўй берар экан. Тинч осойишта турган пливунлар сувни кам йўқотади ва сувни кам ўтказади.

А.Ф. Лебедев пливунларни сохта ва хақиқий турларга ажратди. Сохта пливунлар-структуравий боғланмаган жинслар, турли қумлар ва шағаллар ётқизиқлардир.

Пливунлик ҳолатига ўтиш ер ости грунт сувларининг оқимининг юқори гидравлик босим градиенти тасирида содир бўлади. Фильтрланиш коэффициенти суткасига 1 – 2 метр ва ундан ҳам кўп бўлади. Жинс зарралари қўчган оқим ҳолатига ўтади ва улар орасида ишқаланиш йўқолади. Бундай қумлар тез ва осон оқиб кета бошлайди. Сувсиз ҳолатидаги ўрта зичлиги  $1,5\text{--}1,75 \text{ т}/\text{м}^3$  га teng бўлади. Гидрадинамик босим остида фақатгина қумларгина эмас, балки ғовакли жинслар ҳам оқизилиши мумкин. Сохта пливунларга хос бўлган хусусият- унинг осонлик билан сувсизланишдир. +уригандан сўнг улар бўш, серғовак камцементлашган массага айланади.

Хақиқий пливунлар – коагулацион ёки аралаш боғламли жинслар – гилли қумлар бўлиб, қумоқ ва қумлоқ тупроқлардир. Структуравий боғланишлар сабаби, унинг таркибида юқори гидрофиль хусусиятли , гилли ва коллоидли зарралар ( $0,0001 \text{ мм}$  дан кичик) бўлишилигидир.

Пливунлик ҳолатига ўтишлик, унча катта бўлмаган гидродинамик босим ва ўзига сув тортиб оладиган ( гидрофилли) коллоидли ва гилли заррачалар борлиги билан тушунтирилади. Ана шу зарралар атрофида боғланган сувлар қобиғи тўпланиб, структуравий боғланишни кучизлантириб, жинснинг сув ўтказувчанлигини камайтиради.

Фильтрланиш коэффициенти қиймати жуда кичкина бўлиб, у  $0,005$  –  $0,0001 \text{ см}/\text{сек}$  оралиғида бўлади. Хақиқий пливунларнинг сувсиз ҳолатидаги ўрта зичлиги  $1,8\text{--}2,2 \text{ т}/\text{м}^3$  га teng. Пливунларнинг суюлиши намлик даражаси тўла нам сифимидан кичик бўлганда руй беради. Коллоидли зарралар сувни кул рангдан оқ ранггача бўяйди. Уни дистилланган сувда чайқалганда, идиш тубида турғун суспензия ҳосил бўлади.

Хақиқий пливунлар қуритилганда, коллоидли зарраларнинг елимловчи қобилияти туфайли, деярли қаттиқ, мустаҳкам, цементлашган массаларни ҳосил қиласи. Хақиқий пливунларга хос бўлган хусусият, уларни намликни кам ажратиб чиқаришидир. Улар асосан физик боғланган сув ҳисобига «оқади».

+урилиш амалиётида жинснинг пливунлик ҳолатига ўтиш қобилияти ва унинг турини аниқлаб олиш муҳимдир. Буни қатор кўрсаткичлар бўйича тажриба таҳлиллари асосида аниқлаш мумкин. Жинснинг пливунлик ҳодисасига мойиллигини , сувни йўқотилиши ( сувсизланиши), юқори ғовакликка эга бўлган ( $43\%$  дан кўп) жинсда кўпроқ, майда заррали жинсларда камроқ бўлади.

Дала шароитлар қурилиш худудини ида пливунликка мойилликни , бурғ қудукларини қазищдаги сувли грунтлар намунасидан билса бўлади. Пливунликни қайси турига мансублигини аниқлаш мушкулроқдир. Бунинг учун қурилиш худудини тўлалигича , муҳандислик геологик ва гидрогеологик шароитлари ўрганиб чиқилиши керак бўлади.

Пливунликни аниқлашни бошқа кўрсаткичлари ҳам бор. Масалан, ҳақиқий пливун ҳандақларидағи сув ранги худди цемент сутига ўхшаган бўлади. Ҳандақдан олинган бир бўлак қум, нами қочган грунтга ўхшаган бўлади, ўзидан сувни йўқотмайди ва аста-секин кулчага ўхшаб қотиб қолади. Пливуннинг сирт юзаси тортиши катта бўлганлиги сабабли, унинг устида юрса ҳам бўлади. Сувли идишга солинган, турғун суспензияни беради. Пливунлар қурилиш ишларини қийинлаштиради.

Пливунлари берк худудга ичига олинса, улар, яхшигина асос бўла олади, лекин бу вазифа мушкулдир. Пливунлар қўққисдан, пойдевор тагидан, сизиб чиқиши мумкин. Бу эса ернинг сурилиши, чўкишига олиб келади, устидаги иморатлар деформацияга учратади.

Пливунлар билан курашиш анча сермашаққат бўлиб, ҳар доим ҳам кўзланган мақсадга олиб келмайди. Бундай ҳолларда котлован (хандақлар) қазищдан воз кечиб, қозиқсимон пойдеворлар вариантини кўллаш, ёки пойдеворни оқувчи қатламларгача олиб бормаслик керак. Кураш усулини танлашда пливуннинг кўриниши мухим рольни ўйнайди.

Пливунларга қарши курашни қуидаги З гурухга бўлиш мумкин.

- 1) Оқувчан жинсларни қурилиш даврида сунъий равишда қуритиш (хандақлардан сувни тортиб чиқариш, игнафилтрлар) ва х.к.
- 2) Шпунтлар ёрдамида пливунларни тўсиб қўйиш.
- 3) Пливунларни ўзини уларни физик хоссаларини ўзгартириш йўли билан (силикатлаштириш, цементлаштириш, музлатиб қўйиш, электрохимиявий усувлар ва х.к.).

Соҳта пливунларга қарши ҳамма усувларни ишлатиш мумкин.

Ҳақиқий пливунларга қарши фақат тўсиқлар билан тўсиб қўйиш усули, музлатиб қўйиш ва электрохимиявий йўл билан қотиришdir. Ер ости қазишиш ишларини олиб борища, пливуннинг суви босимини мувозанатга келтириш учун юқори босим қўлланилади. Пливунларни қуритиш имконияти-фильтрланиш коэффициентига боғлиқ бўлади.

Агар  $K_{\phi} > 1$  м/сут-бўлса сувни қудукдан тортиб чиқарилади;

$K_{\phi} \leq 1,0 \dots 0,2$  м/сут бўлса, маҳсус қурилма-игнафильтрлар улар 5-6м чуқурликгача қуритиб борса, маҳсус қурилмали игнафильтрлар эса 12-15м ва ундан чуқурроқгача ҳам қуритиб боради.

$K_{\phi} < 0,2$  м/сут бўлса, игнафильтрларни электродренаж билан биргаликда ишлатилади.

+урилиш котлованини (хандақни) пливундаги шпунтли тўсиқ билан ажратиб қўйиш вазифаси асинсини қирқиб, босимни ўзлигига

олишдир. Ёғочли шпунтларни 6-8м чуқурликгача, металлиси эса 20-25мгача қоқиб борилади. Шағалли ёки қаттиқ грунтли қатламларга шпунтларни қоқиб бўлмайди.

Пливунларни музлатиш вақтингчалик тадбир бўлиб хисобланади. Бу мақсадда йилнинг совуқ ойлари ёки маҳсус музлатгичли қурилмалар ишлатилади. +иш ойларида хандақларни 20-30см ли босқичма-босқич қилиб қазиб борилади. Сунъий музлатишда хандақ атрофи бўйлаб, қудуқлардан- $20-40^{\circ}\text{C}$  гача музлатилган  $\text{CaCl}_2$  эритмаси оқизилади. Бу хандақ атрофидаги сув ўтқазмайдиган музлатилган зона хосил қиласди. Силикатлаштириш-бу суюқ пливунга эритилган(суюқ) шишани киргизишдир. Буни пливунларни сув ўтказувчаниги анчагина юқори бўлганда  $K_{\phi}>0,5\text{m}/\text{сут}$  иложи бўлади. Силикатлаштириш катта харажатлар талаб этса ҳам, жуда самаралидир. Пливунларга қарши ўз вактида ва тўғри бажарилган чора-тадбирлар қурилиш ишларини мувоффақиятли олиб боришни таъминлайди.

Бу ҳодисага қурувчилар котлован қазишда, каналлар қазишда, темир йўл тўшамасини қуришда, метро линияларини қазишда дуч келишади. Одатда пливунларнинг кўпчилиги дарё ўзанларида ва биринчи қайир устки террасаларида турли қалинликда учрайди. Пливунларда тиксотропия хусусияти мавжудлиги туфайли, ташқи механик куч таъсирида бирдан суюқ аталага айланиб, шахта деворларидан, метро деворларидан, иморат котловани қирғоқларидан, тоғ ён бағирликларидан оқиб чиқа бошлайди. Пливун ҳодисаси сабабли иншоотларнинг мустаҳкамлиги пасаяди, тоғ ён бағирликларидан чўкишлар, сурилишлар ҳосил бўлади. Кўпинча пливунлар туфайли қумлар зичлиги ортади, натижада ҳажми кичрайиб, ер усти чўқади. Бу эса шу жойдаги қурилишга катта зарап етказади.

Пливун ҳодисаси икки турга: сохта пливун ва ҳақиқий пливун ҳодисасига бўлинади.

Сохта пливунлар - структуравий боғланмаган, қумли ва шағалли ётқизиқларда кузатилади. Сохта пливун ҳодисаси сабаби - қумли қатламлардаги гидродинамик босимни вужудга келишидир. Гидродинамик босим ошган сари қум зарраларини ўраб олган сув қатлами ошиб бориб, бунинг таъсирида қумлар орасидаги ишқаланиш йўқолади, пировардида, ҳаракатга кела бошлайди. Озгина ташқаридан динамик куч таъсир этиши билан бу қум массаси силжий бошлайди.

Ҳақиқий пливун ҳодисаси қумлок ва қумоқ жинсларда учрайди. Ҳақиқий пливун жинс суюлгандан сўнг ҳам анча вақтгача шу ҳолатда туради, жинслардаги намлик тўла намлик сифими миқдоридан кам бўлганда, суюқланади. Жинсни суюлиб, оқишига сабаб – бу унинг таркибидаги физиковий боғланган сув бўлиб, уни ажратиш анча қийин. Пливунлар турли тебранишлар, динамик зарбаларга сезгир бўлади. Шу сабабли кузатиш марказидан узоқ бўлган жойларда ҳам иншоотларга хавф туғдириши мумкин. +урилишда пливунларга қарши кураш чоралари 5 гурухга бўлинади.


1. +урилиш майдонидаги пливунларни сунъий равишда қотириш. Бу усул ўз навбатида 3 га бўлинади:

- а) котловандаги сувни маҳсус насослар билан чиқариб олинади.
- б) суюқланувчи қатламлар устидан фильтрлар қоқилади. +оқилган фильтрни бир қисми пливун орасида бўлса, бошқа қисми унинг остидаги қатламда бўлади. Бунда пливун сув фильтрлар орқали остики қатламларга ўтиб кетади. Бу усул пливуннинг фильтрланиш коэффициентининг қиймати бирдан кичик бўлганда қўлланилади.
- в) нина фильтрлар орқали пливунга ток юбориб, консистенцияси ўзгартирилади. Бунинг учун бир - биридан маълум масофада жойлашадиган қилиб, электродлар қоқилиб, уларга ўзгармас ток юборилади. Бу усул

фильтрланиш коэффициентининг қиймати 0,2 дан кичик бўлмаган гил ва лёссимон жинслар учун қўлланилади.

## 2. Плиувунларнинг шпунт ёрдамида тўсиб кўйиш.

Бунинг учун бино ёки иншоот пойдевори ўрни очилиб, котлован қазишдан аввал атрофи бўйлаб 4 - 5 метргача чукурликгача ёғоч, темир-бетон, метал устунларни қоқиб киритилиб девор ҳосил килинади (6.10-расм)



107-расм. Котлован атрофига ўрнатилган шпунтли деворлар. юбориб турилади. Эритманинг котлован атрофида айланишидан жинслар - 2<sup>1</sup> 6.10 расм. Котлован атрофига сөрнатилган м<sub>2</sub> ван атрофида сув ўтказмайдиган иди.

4. Плиувун таркибидағи сувни ҳаво билан сиқиб чиқариш. Бунинг учун плиувун устига кессон ўрнатилиб, унинг ичига 0,25 Мпа ҳаво босими берилади. Босим таъсиридан плиувунлар таркибидағи сув, ҳаво билан ҳар томонга тарқалиб, у сувсизланиш натижасида суюқланишдан тўхтайди. Шундан сўнг қотган плиувунни бемалол қазиб олиш мумкин бўлади. Бу усулнинг камчилиги, уни катта майдонларга тарқалган плиувунларда ишлатиб бўлмаслигидадир.

5. Плиувунларнинг ичига суюлтирилган шиша моддасини юбориш усули – силикатлаш деб аталади. Бунинг учун бурғ қудуклари қазилиб, қум қатламлар ичига трубалар орқали суюқ шиша ва суюқ кальций хлорид юборилади. Эритмалар қум қатламига шимилиб, уни қаттиқ тоғ жинсига айлантиради. Ушбу усул анча қимматлилигига қарамасдан, жуда самарали натижаларни беради.

## 6.8. Суффозия

Ер ости сувлари ҳаракатидан, қум, тош, шағал қатламлари ҳамда тоғ жинси дарзликларини тўлдирган майда зарралар, ҳолатига келиб, улар ер ости сувлари билан ер юзасига чиқади. Ер ости сувини, ўз йўлидаги тоғ жинсларини ўйиши – суффозия ҳодисаси деб аталади. Суффозия 2 хил – механик ва химиявий суффозияларга бўлинади.


- Механик суффозияда фильтрланиб ўтаётган сув, кум ва шағал қатламларидаги майда жинсларни (гилли, чангли ёки қумли) ҳаракатлантириб, ўзи билан олиб чикади.

- Химиявий суффозияда эса – ер ости сувларини тоғ жинсларини эритишидан ҳосил бўлади ва кўпинча карстланиш жараёнига яқин туради. Химиявий суффозия асосан лёсс ва лёссимон жинслар тарқалган жойларда учрайди.

Иншоотларни лойихалаш ва қуришда бажариладиган муҳандислик – геологик ишларда суффозия ҳодисасини ўрганиш учун тоғ жинсларини гранулометрик таркибини, хар – хиллигини, фильтрланиш оқими тезлигини, оқим градиентини, суффозия учраган тоғ жинсларининг физикавий – химиявий хоссаларини, гранулометрик ва минералогик таркибини, сувда осон эрийдиган тузларнинг ётиши, ғоваклилиги, сув ўтказувчанлиги ва бошқа хоссаларини назарда тутиш керак. Суффозиянинг олдини олиш чораларидан бири унга учрайдиган жой қатламларини ер ости ва атмосфера ёғинларидан сақлашдир. Шу мақсадда очик лотоклар ётқизилади. Ер ости сувларини тартибга солиш, йўналишини ўзгартириш учун очиқ ёки ёпиқ зовурлар қазилади. Ер ости сувлари ҳаракатини камайтириш мақсадида, сувли қатламларга суюқ шиша, цемент қоришимлари ёки гилли қоришимлар юборилади.

## 6.9. Чўкиш ҳодисаси

Ташқи куч ёки ўз оғирлиги таъсирида зўриқиши ҳолатидаги грунтнинг, қўшимча омиллари тифайли келиб чиқадиган қўшимча деформациялари – чўкиш деб аталади.



110-расм. Чўкиш ҳодисаси туғайли лёссимон жинсларда деформацияларни зоанлар схемаси (F. Маглоров ва К. Пўлатов):

1-микровакли чўкувчан лёссимон жинслар (сув билан намланмаган); 2-тошли қағаллар; 3-жинслик кейинк қурилган ишшоот; 4-ташик куч таъсирида грунтларда кучланишининг тарқалиш схемаси (0,2 ва 0,8 күчларнишлар миқдори, кг/см<sup>2</sup>); 5-лёссимон жинслар намланшишига қадар грунт суванинг сатҳи; 6-чўкишгача ер юзасининг сатҳи; 7-бирор чўкиш ва сув билан намланган жинс; 8-чўкишикка чўкувчи участкада ҳосил бўлган өриқлар; 9-чўкишининг миқдори, см; 10-қўшимча чўкиш миқдори, см; 11-иншоот оғирлиги таъсирида деформацияларни зоаннинг қалинлиги, м; 12-чўкувчан жинслик қалинлиги, м; 13-грунт намланшик натижасида калинликларниш миқдори; 14-чўкишдан кейин ер юзасининг сатҳи; 15-гил қатламлари.

1. Намланиш натижасида ўз оғирлиги таъсирида чўкадиган лёсс ва лёссимон жинслар, Ўрта Осиёда кўп тарқалган.

лёссимон  
схемаси  
чёкувчан  
; 2-тошли  
шургилган  
грунтларда  
0,8 сонлар  
н жинслар  
- бир оз

F.O.Мавлонов, П.М.Карпов ва А.И. Исломов маълумотларига кўра, уларнинг чўкиш даражаси 2,5-3,0 м гача боради.

2. Намланиш натижасида ўз оғирлиги ва устига қурилган бино босими таъсирида кучли чўкадиган жинслар. Бино оғирлиги таъсирида қўшимча чўкиш ҳосил бўлади. (6.11-расм)

3. Сув таъсирида шишиб, сўнгра ташқи юклама (бино ёки иншоот) таъсирида зичланадиган ва маълум даражада чўкадиган жинслар. Булар асосан таркибида монтмориллоннит минераллари кўп бўлган лёссимон жинслардир.

4. Намланганда ўз оғирлигидан зичланмайдиган жинслар. Буларга асосан ер ости сувли қатламлари тагида ётган ҳамда доимий оқар сувлар таъсирида ҳосил бўлган аллювиал лёссимон жинслар, шунингдек доимо сугориладиган жойлардаги лёссимон жинслар ҳам киради.

Чунки кўп йиллар давомида намланиш натижасида уларда чўкувчанлик хусусияти йўқолади. Тоғ жинсларининг чўкувчанлиги, уларнинг генетик турига, ғоваклигига ва таркибига боғлиқ. Жинсларнинг чўкувчанлиги ҳақида ҳалигача аниқ бир фикрга келинмаган. Ўрта Осиёда учрайдиган лёсс ва лёссимон жинсларда содир бўладиган чўкиш ҳодисасини ўрганиш билан жуда кўп Ўрта Осиёлик олимлар ҳам шуғулланиб келишган. Улар лёссимон жинсларда содир бўладиган чўкиш ҳодисасининг сабаблари ҳақида бир бирига мос ҳамда ўзаро зид фикрларини баён қилганлар. Бунинг сабаби лёссимон жинсларнинг таркиби ва тузилиши ҳар хиллиги, турли генетик типга мансублиги ва намланиш шароитининг турлича бўлишидир.

Грунтларнинг чўкувчанлиги ҳақида жуда кўп гипотезалар бўлиб, улар турличадир.

Айрим олимлар чўкувчанлик сабаби, табиий зичланмай қолишилик деб тахмин қилса, бошқалари чўкиш ҳодисалари улар таркиbidаги сувда тез эрийдиган тузларнинг ювилиши натижасида вужудга келади деб ҳисоблайдилар. Бошқа бир гурӯх олимлар, лёсслардаги чўкиш ҳодисасини, сув фильтрацияси вақтида жуда майда ва нозик зарраларнинг сув билан бирга чиқиб кетиши ҳисобига лёссларнинг кейинчалик зичланиши деб тушунирадилар. Биринчи турдаги гипотезалар – сувни грунтга таъсирига турлича ёндошишдир. Бунда грунтнинг намлиги ошса, чўкиш ҳодисаси содир бўлади, деб ҳисобланади.

Е.А. Замарин ва М.А.Решеткинлар чўкиш ҳодисаси вужудга келишида лёсслардаги кўзга кўринадиган йирик ғоваклар катта роль ўйнайди деб ҳисоблайдилар.

Нисбий чўкувчанлик қўйидаги аниқланади:

$$S = \frac{h - h_1}{h_0}, \quad (6.1)$$

бу ерда:  $h$  – Табиий намликда олиб текширилаётган намунанинг табиий ва бино босими таъсиридаги баландлиги, мм.

$h_1$  – текширилаётган намунанинг табиий ва бино босими таъсирида намлангандан кейинги баландлиги, мм.

$h_0$  – табиий намлиқда олиб текширилаётган намунанинг табиий босим таъсиридаги баландлиги, мм.

$S$  – нинг қиймати буйича жинслар қуидаги бўлади:

Агар  $S > 0,01$  бўлса, чўкиш ҳодисасига эга эканлиги ва  $S < 0,01$  бўлса – амалда чўкувчанлик хоссасига эга эмаслиги аниқланади.

Шуни назарда тутиш лозимки:

Лёсс ва лёссимон жинслардаги чўкиш зонаси, ер юзидан 8...10м, баъзан 20...25м чукурликда рўй бериб, нисбий чўкувчанликни 30...40м га етадиган бутун лёссли жинслар қалинлигига ҳисобланмасдан, фақат юқори қатламлари учун ҳисобга олинади.

Чўкувчанликни асосий аниқловчи чегаралар лёссимон жинсларнинг зичлиги ва ғоваклигидир.




Зичлик қиймати –  $1,7\text{г}/\text{см}^3$ , ғоваклиги эса – 80% атрофида бўлиб, булар ушбу кўрсатгичларнинг юқори қийматлари ҳисобланади.

Лаборатория шароитида лёссимон жинсларнинг чўкувчанлигини компрессион асбобда, дала шароитида эса – штамплар билан текшириб кўрилади.

Табиий намлиқдаги (1) ва сувга тўйинган (2) лёссимон жинснинг зичланишининг эгри чизиқлари (расм 6.12) да кўрсатилган. Биринчи қабариқли эгри чизиқ (1) - катта босим остида, жинснинг юқори даражада зичланганлигини кўрсатади. Иккинчи эгри ботиқ чизиқ – унча катта бўлмаган босимдаги, юқори зичланганликни кўрсатади. Биринчи ҳолда, боғланишлар анчагина мустаҳкам бўлиб фақатгина кучайиб бораётган зўриқишлиардан бузилса, иккинчи ҳолда боғланиш мустаҳкамлиги лёссимон жинсни сув билан намланганда сезиларли даражада пасаяди. 1 ва 2 эгри чизиқларни, бир – биридан фарқланиши табиий намлиқдаги ва сув билан намлангандаги зичланиш даражаси турлича бўлишлигини кўрсатади ва лёссимон жинслар учун чўкувчанлик мезони бўлиши мумкин.

Икки эгри чизиқли график – лёссимон жинсларнинг чўкувчанлиги қиймати доимий бўлмасдан, балки сиқувчи кучга боғлиқлигини кўрсатади. Икки эгри чизиқли график усули, босимнинг ҳар қандай қийматига танлаб олинган оралиқдаги чўкувчанликни аниқлашга имкон беради (6.13 – расм).

Чўкувчанликни битта эгри чизиқ ёрдамида аниқлаш усули, мавжуд бўлиб, бу усулда жинсдан 1 та намуна олиниб, олдиндан белгиланган



6.12-расм. Сувга төла төйинган ва табиий намлиқдаги лёссимон жинсларнинг зичланишини. 6.13-расм. Олдиндан 6.14-расм. Лёссимон жинснинг зичланишини.

юкламага мослаб намланади (6.14- расм).

Биринчи эгри чизик усули иншоотнинг ишлаш шароитидаги жинснинг хақиқий ҳолатини ифодалайди деб ҳисобланади.

Ҳозирда лаборатория шароитида синаш чоғида чўкувчанликни аниклашда намунага иншоот оғирлиги ва устидаги намланган грунт оғирлигидан кам бўлмаган кучда синашни тавсия қилинмоқда.

Дала шароитидаги чўкувчанликни штамп усулида аниклаш, лаборатория усулига қараганда аникроқ бўлади. Штамп усули билан аниклашда, намланган жинсларни, иншоот оғирлиги ва жинс устида ётган массаларига тенг бўлган юкламадаги куч билан синаб қўрилади.

Чўкиш ҳодисаси халқ хўжалигига жуда катта қийинчилик туғдиради ва зарар келтиради. Лёсс ва лёссимон жинслар устига бино ва турли иншоотлар курилса, заминдаги жинслар озгина зичланади, аммо бир оз таъсир этса, улар жуда тез зичланади, ўз ҳажмини камайтиради ва чўкиш вужудга келади. Бино ва иншоотлар заминдаги жинслар билан бирга чўкади. Чўкиш бир текис, оз ва секин бўлса, бино ва иншоотлар учун унча хавфли бўлмайди, агар чўкиш нотекис, бир жойда тез, иккинчи жойда секин бўлса, бино ёки иншоот қийшаяди, баъзан эса қулаб тушади. Чўкиш ҳодисасини ўрганиш бино ва иншоотларни лойиҳалашда катта аҳамиятга эга.

Чўкувчанлик ҳодисасига қарши курашда қуидаги муҳандислик – чораларини кўриш мумкин:

1. Чўкувчанлик оқибатида, бинолар, иншоотлар, курилмаларни шикастланишини олдини олиш учун қилинган конструктив чоралар.

2. Лёсс ва лёссимон жинсларни, атмосфера, ер ости, майший ва ишлаб чиқариш сувлари билан намланмаслиги учун маҳсус сакловчи мосламалар ўрнатиш.

3. Грунтларни сұйний равища қотириш, бунинг учун силикатлаш ёки қуидириш усулларидан фойдаланиш мумкин.

Иморатлар асосидаги чўкувчан грунтларни имкони бўлса, кўчириб, ўрнига, зич, чўкмайдиган грунтларни жойлаштириш лозим.

## 7-Боб


### Ер ости сувлари

#### 7.1 Ер ости сувларининг пайдо бўлиши.

Ер юзидағи сув ҳар доим ҳаракатда бўлади. Денгиз, океан ва қуруқлик юзаларидаги сув буғланиб, атмосферага кўтарилади.

Маълум шароитларда атмосферадаги сув буғлари конденсалтаниб, қор, ёмғир шаклида ер юзасига, сув ҳавзаларига қайтиб тушади. Шу тариқа сувнинг табиатда айланиши кузатилади (7.1 расм).

Атмосфера ёғинлари ва юзаки сувлар ерга шимила бориб, ер қобиғини геологик шароити, тоғ жинсининг сув ўтказувчанлиги, ҳароратига қараб ер ости сувларини ҳосил килади.



7.1 – расм. Сувнинг табиатда айланиши; А –

Атмосфера сувларидан ташқари ер қобиғида чуқурлик сувлари мавжуддир. Улар кислород ва водороднинг бирикишидан ҳосил бўлиб, эриган ва аста - совиб бораётган тоғ жинсларидан ажralиб чиқади. Атмосфера сувларининг ерга шимилишидан ҳосил бўлган сув – фильтрланиш сувлари деб аталади. Атмосфера ёғинлари қанча кўп бўлса, у граватацион сув шаклида, тупроқда тўпланиб, секин оқа бошлиди ва буғланиш бўлмайдиган чуқурликгача кириб боради. Шу тариқа ер ости сувларининг ўрни ҳар доим тўлиб туради.

Ер ости сувлари инфильтрациядан, яъни атмосфера сувларининг ерга сингишидан ташқари, конденсация ёрдами билан ҳам ҳосил бўлади. Конденсация деганда атмосферада тупроқка кирган сув буғининг сувга айланиши жараёни тушунилади. Ер устидаги ҳаво сув буғига тўйинган бўлса, ҳамма вақт сув буғи тупроқка кира олади. Тупроқ ҳарорати пастроқ бўлса, тупроқка кириб борган буғ қуюқлашиб, конденсалтаниб сувга айланади.

#### 7.2. Ер ости сувларининг физикавий –химиявий хоссалари.

- **Физикавий хоссалари.** Амалий масалаларни ҳал қилишда ер ости сувларининг қўйидаги физикавий хоссалари ўрганилади: ҳарорати, ранги, ҳиди, мазаси, зичлиги.
- Ер ости сувларининг ҳарорати катта ораликларда ўзгариб, манфий ҳароратдан, жуда юқори иссиқликкача ( $100^{\circ}\text{C}$ ) ўзгариши мумкин.

Ҳарорати буйича улар; жуда совуқ сувларга (ҳарорати  $4^0\text{C}$  дан паст), совуқ сувларга (ҳарорати  $4-20^0\text{C}$ ), илик сувларга (ҳарорати  $20-37^0\text{C}$ ), иссиқ сувларга (ҳарорати  $37-42^0\text{C}$ ) ва жуда иссиқ (термальнўй) сувларга (ҳарорати  $42^0\text{C}$  дан юқори) бўлинади. Манфий ҳароратли ер ости сувлари доимий музгарчилик зонасида тарқалган. Иссиқ ва термал сувлар, ҳаракатдаги вулқонлар худудида тарқалган ва чукур ер ости сувлари учун характерлидир. Бошқа физикавий хоссалар ер ости сувининг ҳарорати ва таркибидаги эриган моддаларнинг сифати ва миқдорига боғлиқдир.

$4^0\text{C}$  ҳароратдаги тоза сувнинг энг юқори зичлиги –  $1\text{g}/\text{cm}^3$  га тенг. Унинг таркибидаги минералларга қараб, зичлиги ҳам ўзгариши мумкин. Тоза оқар сувлар кам минераллашгани бўлганлиги сабабли, зичлиги  $1\text{g}/\text{cm}^3$  яқин. Минераллашган океан сувлари ( $35 \text{ g/l}$ ) зичлиги –  $1,03\dots 1,08 \text{ g}/\text{cm}^3$  га тенг бўлса, шўр сувларники эса ( $300 - 360 \text{ g/l}$ ) –  $1,15\dots 1,22\text{g}/\text{cm}^3$  га тенг.

Тоза сув - рангиз, мазасиз, хидсиздир. Сувнинг таркибида органик моддалар, темир оксидлари сузиб юрувчи зарралар унинг рангини хирадаштиради, таъмини эса ёқимсиз қиласди. Айниқса олтин гугурт водородли сувдан айниган тухум ҳиди келади, карбонат ангидридли газ сувни мусаффо қилса, кальций карбонат – сувга ёқимли маза киритади. Ош тузи сувни шўр қилса, магний ва сульфат натрий тузлари сувга аччиқ таъм киритади. Ҳамма тузлар сувнинг таркибида биргаликда бўлса, таъми аччиқ – шўр бўлади. Сувга меёърдаги тозалик киритиш учун уларнинг миқдори  $0,3 - 0,4\text{g/l}$  бўлгани кифоя қиласди.

**Химиявий таркиби.** Тоза сув табиатдаги моддаларни эритадиган яхши эритувчидир. Унда қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатидаги моддалар эрийди. Табиатдаги ҳар қандай сув, у ер остида ёки ер устидами тоғ жинслари билан бирлашганда, ўз таркибига химиявий элементларни эритиб олади. Уларнинг минерал қисмини белгиловчи асосий эллементлар – карбонат, сульфат, хлор, кальций, магний, натрий тузларидир. Газлардан кислород, азот, углерод, водород ҳисобланади.

Техникавий мақсадларда, таъминотда, сугорища ва қурилишда ишлатиладиган сувнинг қаттиқлиги, кислота, ишқорли хусусияти ва агрессивлиги муҳим хосса бўлиб ҳисобланади.

Сувнинг қаттиқлиги деганда унинг таркибидаги кальций ва магний тузлари миқдорига айтилади. Сувнинг қаттиқлиги 2 хил: умумий ва доимий қаттиқликларга бўлинади.

Умумий қаттиқлик сувдаги калций ва магнийнинг тузларининг умумий миқдорини белгилайди. Карбонатни қаттиқлиги – калций ва магний карбонатлари тузлари миқдорини ифодалайди.

Сувни қайнатиш чоғида бу сувларнинг бир қисми чўкма ҳолига тушади.

+аттиқлиги буйича сувларни қуидаги турларга бўлинади:

Жуда юмшоқ сув – қаттиқлиги  $1,5 \text{ mg}/\text{экв}$

Юмшок сув - қаттиқлиги  $1,5\dots 3 \text{ mg}/\text{экв}$

Ўртача қаттиқ сув - қаттиқлиги  $3\dots 6 \text{ mg}/\text{экв}$

+аттиқ сув - қаттиқлиги 6...9 мг/экв

Жуда қаттиқ - қаттиқлиги 9 мг/экв дан күп.

Сувнинг кислота – ишқорлик хоссалари pH символи орқали белгиланиб, водород ионининг тескари қиймати логарифмисига тенгдир, яъни  $\text{pH} = \lg [\text{H}^+]$ . Нейтрал сув учун  $[\text{H}^+] = [\text{OH}] = 10^{-7}$  г/моль, яъни  $\text{pH} = 7$

$\text{pH} < 7$  бўлса сув нордон,  $\text{pH} > 7$  бўлса сув ишқорли бўлади.

Сувнинг агрессивлиги деганда – уни металл, темирбетон ва бетон қурилмаларини емириш хусусиятига айтилади. Агрессивликнинг бир неча тури бор: карбонкислотали, ишқорли, умумкислотали, сульфатли, магнезиал, кислородли.


Карбонкислотали ва ишқорли агрессивлик, бетон таркибидаги кальций карбонат ( $\text{CaCO}_3$ ) ва кальций гидрооксидни ( $\text{Ca(OH)}_2$ ) ни эритиш туфайли емиради. Сульфатли агрессивлик ҳосил бўлиши сабаби, сувда  $\text{SO}_4^{2-}$  ионининг кўп микдорда тўпланишидир.

Сульфатли сув, бетон таркибига кириб унинг таркибидаги оҳакли бирикмалар билан реакцияга киришиб, бетон таркибида ( $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ) гипс кристалларини ҳосил қиласди. Бу кристалларнинг ҳажми ортиб бетон деворчаларини емиради. Сульфатли сув таркибида  $\text{SO}_4^{2-}$  иони 2500 мг/л гача бўлса, бундай сув оддий цементни емирмайди. Сулфатга турғун цементлар, ушбу кўрсатгичнинг 400 мг/л дан кўп бўлмаган микдорида емирилмайди.

Магнезиал агрессивлик - сув таркибида магний микдори 2500 мг/л дан кўп бўлган микдордагина рўй беради. Магнезиал емирилишда ҳам бетон ғовакчалари деворларида зўриқишлиар ҳосил бўлиб, уни бузилишга олиб келади.

### 7.3. Ер ости сувларининг ётиш шароити буйича турлари

Ер ости сувларини ер қобиғида жойлашиши буйича классификацияси гидрогеологияда муҳим ўрин тутади. Ётиш шароити буйича ер ости сувлари қуидаги турларга бўлинади: юзаки сувлар, грунт сувлари, қатламлараро сувлар. (расм 7.2).




Бу асосий гурухлар даги ер ости сувларидан ташқари ўзига хос ҳосил бўлган дарзликлар орасидаги карст ва минералли сувлар ҳам бўлади.

**Юзаки сувлар** - Аэрация зонасида вақтинчалик йиғилиб қолган ер ости сувларини – юзаки сувлар деб аталади. Аэрация зонаси учча чуқур бўлмасдан грунт

7.2 – расм. Ер ости сувларининг жойланишига шараб

сувлари горизонти устида жойлашади. Юзаки сувлар сувнинг сув ўтказмайдиган ёки ярим ўтказмайдиган қатламлари, масалан; гилли линзалар,




7.3 – расм. Юзаки сув (верховодка):

1-ёжин сув; 2-инфилтратия суви; 3-юзаки сув; 4-

кумокли қум ёки зич тоғ жинслари устида тўпланишидан пайдо бўлади. Сувнинг тупроқка шимилиши (инфилтрация) чоғида, сув вақтинча бу қатлам устида тўхталиб, сувли горизонт ҳосил килади. Юзаки сувлар мавсумий бўлиб, ёмғирлар ёғиши ва қорлар эриши даврида ҳосил бўлади. Бошқа пайтларда бу сувлар ер юзига яқин бўлса, буғланиб кетади ёки остики грунтларга шимилиб кетиши мумкин. +иш мавсумида юзаки сувлар музлайди, ёзда иссиқ кунларда уларнинг ҳарорати  $25^0\dots 30^0\text{C}$  гача етади. Юзаки сувлар - аэрация зонасида сув ўтказмайдиган қатлами бўлмаган такдирда ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан қумок грунт қатламига анчагина микдорда сув йифилади, аммо унинг сув ўтказувчанлиги паст бўлганлигидан шимилиш секин боради (Расм - 7.3). Юзаки сувларга хос бўлган нарсалар қуйидагилардир: вақтинчалик, мавсумларда пайдо бўлиши, катта бўлмаган майдонларда тарқалиш, босимсизлик ва қалинлиги камлигидир. Сувни ўзи-дан яхши ўтказадиган жинслар, масалан қумларда юзаки сувлар кам учрайди, ҳар хил қумлок тупроқларда ва лёсс жинслари бўлган худудларда юзаки сувлар қўплаб тарқалган. +урилишда юзаки сувлар анчагина, жиддий қийинчиликлар туғдириши мумкин. +урилишда биноларнинг ер ости қисмлари (ертўлалар, қозонхоналар) яхши сувдан ҳимоя қилинмаган бўлса ёки сувни чиқариб юбориш чоралари кўрилмаган бўлса, улар сув остида қолиши мумкин. Сўнгги текширишлар шуни кўрсатадики, сув жўмракларидан ва сув ҳавзаларидан сувнинг оқиши натижасида лёсс тоғ жинслари тарқалган худудларда саноат обьектлари ва турар жойлар даҳаларида юзаки сув горизонтлари пайдо бўлиши кузатилмоқда. Бу эса бино заминининг мустаҳкамлигига катта таъсир этади ва иншоотнинг турғунлигини камайтиради.

- **Грунт сувлари** – грунт сувлари учун асосий элементлардан бири, унинг остида сув ўтказмайдиган қатламнинг ётишидир. Грунт сувлари ер қатламининг биринчи сувли горизонтини ҳосил қилади. Грунт сувлари атмосфера ва ер усти сувлари билан боғланган бўлади .



- Грунт сувларининг юзаси грунт сувлари сатҳи деб аталади (7.4расм).

7.4 – расм. Грунт суви.

1-грунт сувининг сатҳи (г.с.с); 2-шу жойдаги сувли շатлам շалинлиги (H);

7.5 – расм. Маҷаллий босимнинг вужудга келиш схемаси.: 1 – грунт суви; 2 – гил շатламчаси; 3 – грунт

Грунт сувлари ер ости ҳавзалари ва оқимларини ҳосил килади. Улар юзаси горизонтал бўлиши мумкин. Одатда грунт таркибидаги сув ўз оғирлиги буйича пастлик томон ҳаракат килади. Агарда сувли грунт дарё, жарлик, кўл ёки ернинг пастки қисмлари томонидан чиқиб очилиб қолмаса, сувнинг сатҳи доимий тураверади. Дарё ёки оқар кўлларга яқин ерларда грунт сувларининг сатҳи текис пасаяди бу ер депрессия юзаси деб аталади. Бундай ҳодиса грунт сувлари сатҳи дарё суви сатҳидан юқори бўлганда руй беради, бунинг натижасида грунт суви дарёга қуйилади. Шунингдек ер юзида ернинг рельефига қараб, грунт сувлари паст босимли булоқ суви шаклида чиқиши мумкин. Агарда дарё ёки кўлдаги сув сатҳи юқори бўлса, улар грунт сувлари сатҳини кўтаради. Бу айниқса сув атрофида қурилган худудларда сезиларлидир.

### **Грунт сувлари қуийдаги қўриниш билан характерланади.**

1. Грунт сувлари асосан атмосфера сувлари ва ер юзидаги сув ҳавзалари ва дарёлардан таъминланиб туради. Уларнинг таъминлаши соҳаси одатда, тарқалиш соҳасига яқин жойда бўлади.
2. Грунт сувлари босимсиз бўлганлиги учун уларнинг сатҳи қазилган кудук оғзига етмайди.
3. Грунт сувлари ер юзидаги сувлар билан гидравлик боғлиқдир.
4. Грунт сувларининг сатҳи ва режими - дарёга яқин ерларда, дарё ўзанидаги сув сатҳига боғлиқ равишда ўзгариб боради.

Дарё ва кўл сувларидан узоқлашганда, грунт сувларининг сатҳи 1...1,5 м гача ўзгарамади. Грунт сувларининг жойланиш чуқурлиги 1...2 метрдан 20...50 метргача ўзгарамади. Грунт сувларининг қалинлиги сувли қатлам қалинлиги билан ўлчанади.

Грунт сувлари турли йўллар билан ҳосил бўлган бўш жинслар (аллювиал, делювиал, эллювиал ва бошқа жинслар) ғовакларида бўлади. Одатда, уваланган тоғ жинсларининг ғовакларига ва туб тоғ жинсларидағи ёриқларни инфильтрация сувлари тўлдириб туради. Амалда грунт сувлари курилишда кўпроқ учрайди, улар ҳандакларни, ер тўлаларни тўлдириб қўяди, бино ва иншоотлардан фойдаланишний қийинлаштириб қўяди.

**Грунт сувлари сатҳи.** Республикамиз халқ хўжалигига ер ости сувларининг аҳамияти катта. Ҳозирда, бу сувлар аҳоли яшайдиган жойларда ичимлик суви сифатида, саноат корхоналарида техникавий сув сифатида, суғориладиган ерларда суғориш, яйловларда чорва молларини суғориш учун, шунингдек шифобахш сув сифатида халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида кенг кўламда фойдаланилмоқда. Республикамизнинг чўл зonasида улар асосий сув манбаи бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ер ости сувлари кўп бўлиб, ичимлик сув учун ковланган 3000дан ортиқ бурғ қудук ишлатилмоқда.

Гидрогеологик қидирув ишлари натижасида бурғ қудук қазиладиган жойларнинг ва қазиладиган бурғ қудуқларининг лойихаси тузилади.

+удуқлар қазилгач, махсус асбоб ёрдамида грунт сувининг ётиш чукурлиги аниқланади (7.4 ва 7.5 расмлар). Харитага қурилиш районидаги сувли ҳамма бурғ қудуқлари туширилади. Бу маълумотларга асосланиб, гидроизогипс ва грунт сувларининг тарқалиш чукурлиги хариталари тузилади.



Ечишда гидроизогипс хаф Гидроизогипс харитасида йўналишини гидроизогипс чизигига перпендикуляр ўтказиб аниқлаш мумкин: харита масштаби бўйича

7.6 – расм. Гидроизогипс харитаси:

ости сувининг ётиш чукурлигини аниқлаймиз.

Грунт сувлари ўзига хос бўлган режимда ўзгариб туради. Вакт давомида грунт сувларининг сатҳи, сарфи, химиявий таркиби, ҳарорати ва бошқа хоссаларининг ўзгариб туриши бунга мисолдир. Юқоридаги ўзгаришлар йил, мавсум, ой ва ҳатто бир кунда ҳам рўй бериши мумкин

Ўзгаришларни катта фарқ килишлиги, грунт сувларининг ер юзасига яқинлигига, таъминланиш ва сарф бўлиш соҳасининг узоқ, яқинлигига ҳам боғлиқдир. Грунт сувларининг айниқса ҳарорати ва сатҳи ўзгаришга кўпроқ мойил бўлади.

Унинг сатҳларида фарқлар баъзи ҳолларда бир неча метрларга етади. Грунт сувларининг режимига жуда кўп омиллар: ётиш шароити, таъминланиши, сув алмашиши таъсир этади. Улардан энг асосийлари сув тўпланадиган муҳит, иқлим, рельеф ва инсонларнинг фаолиятларидир.


Грунт сувларининг режимини билиш катта амалий аҳмиятга эгадир. Бунинг учун махсус режим ўрганувчи станциялар тузилиб, улар ер ости сувлари режимининг қонуниятларини, уларни келтириб чиқарувчи омилларини ва

сунъий аралашиш йўли билан, режимидағи ўзгаришларни олдиндан айтиб бериш масалаларини ўрганади.


#### 7.4. +атламлараро ер ости сувлари.

+атламлараро сувлар иккита сув ўтказмайдиган қатлам ичидаги жойлашган бўлиб, юқорисидагиси унинг томи ва пастки қатлам асоси бўлиб ҳисобланади. Бундай сувлар босимли ва босимсиз бўлиши мумкин. Босимли сувлар сув ўтказувчи қатламнинг ҳаммасини тўлдириб туради. Уларнинг тўйиниш соҳаси сувли қатламнинг ер юзасига чиқсан жойи ҳисобланади. Сувнинг босимлиги пъезометрик сатҳ билан характерланади. Босимли сувларнинг тўйиниш соҳаси тарқалиши соҳаси билан мос келмайди. Шунинг учун босимли сув қатламларига сув ер юзасига чиқадиган майдондан кўпинча ўнлаб ва ҳатто юзлаб километр узоқдан сизиб келади.

Босимли сувлар икки турга ажратилиши мумкин: фонтан бўлиб отилиб чиқадиган босимли сувлар (7.7-расм) ва отилмасдан чиқадиган босимли сувлар (7.8-расм), отилмасдан чиқадиган босимли сувлар субартезиан сувлари деб аталади. Артезиан термини Франциядаги Артуа вилоятининг номидан келиб чиқиб, қадимда бу вилоят Артезия деб аталар эди. 1126 йилда бу вилоятда ковланган қудукдан катта босимли сув отилиб чиқсан эди. Шундай буён отилиб чиқувчи сув олиш учун ковланадиган қудуклар артезиан қудуклари деб аталади.




7.7 – расм. Артезиан сувининг ер юзасига чишиши. Ёй (мульдасимон) шаклда босимли сувли горизонтининг ётиши, а<sub>1</sub>a



7.8- расм. Босимли сувнинг пъезометрик юзаси:  
Н – пъезометрик сатҳ ўлчами, т – сувли қатлам қалинлиги, АА – пъезометрик сатҳ.

Артезиан сувлари түйинадиган соҳа бу ерлардан фойдаланиладиган жойга нисбатан тамомила бошқача баландликка бўлиши мумкин (7.8-расм)

Артезиан ҳавзасининг сув билан тўлиб турадиган қисми манба деб аталади. +удук ковланганда ҳавза сувининг сатҳи қудук оғзидан ҳам юқори кўтариладиган қисми босимли қисм дейилади. Артезиан босимли сув ресурслари сарф бўладиган қисми бўшалувчи қисм деб аталади. Артезиан сувлари түйинадиган, йигиладиган, шунингдек оқиб чикадиган жойлар артезиан сувлари ҳавзасини ташкил қиласди. (7.9-расм). Бизнинг Республикамиздаги Сирдарё, Амударё ва Устюрт артезиан ҳавзалари ва бошқалари бунга мисол бўла олади. Сирдарё артезиан ҳавзаси Фарғона, Тошкент олди, Чимкент, +изилқум, Орол яқини ҳавзалари ва бошқаларга бўлинади.



7.9 – расм. Шатламларнинг моноклиналь ётишидаги артезиан суви:

1-төйиниш манбаи; 2-сув төсар

Бу артезиан ҳавзалари атрофида сувли бир қанча горизонт бўлиб, улар ўзига хос хусусиятлари билан бир –бири билан фарқ қиласди. Масалан, Фарғона артезиан ҳавзаси атрофида йигирмага яқин сувли н. Шу билан


итта (3500 м

тача) чуқурликда жоилашган бўлишига қарамай босим кучи ниҳоятда катта бўлганлигидан мураккаб насос курилмалар ишлатишни талаб этмайди, чунки кўп ҳолларда сув қудукдан ўзи отилиб чиқиб, фонтанлар ҳосил қиласди. Бурғ қудуклар орқали сувли горизонт очилганда сувнинг сатҳи кўтарилади. Сувнинг босимли эканлигини

пъезометрик сатҳ белгилайди. Пъезометрик сатҳнинг доимий ва нисбий баландлиги бўлади.

Бир хил абсолют баландликка эга бўлган пъезометрик сатҳларни бирлаштирувчи чизиқ гидроизопъезлар дейилади.

Босимли сувлар түйиниш соҳасидан узоқ йўлни ўтиб, тоғ жинслари билан узоқ вақт kontaktда бўлганлиги сабабли, грунт сувларига қараганда кўпроқ



37-расм. Артезиан ҳавзанинг қирқими:

1-сув ўтказмайдиган қатлам; 2-тупроқ суви; 3-грунт суви; 4-дарё, 5-булоқ; 6-қатламлар орасидаги пастга тушувчи ер ости суви; 7-қатламлар орасидаги кўтарилиувчи ер ости суви; 8- сув ўтказмайдиган қатлам.

минераллашган бўлади.


Ўзбекистон минерал сувларининг шифобаҳшлик хусусиятларини ўрганиш, улардан жуда кўп касалликларни даволашда муваффақият билан қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда минерал сув манбалари базасида бир неча сиҳатгоҳлар қурилгандир. Андижон вилоятидаги Жанубий Оламушук ва Полвонтош шифохоналари, Сурхондаръё вилоятидаги Жайронхона ишфохоналари, Фарғона вилоятидаги Чимён шифохонаси, Намангандир яқинидаги артезиан ҳавзасининг минерал сувларидан ошқозон, ичак, жигар касалликларини, моддалар алмашинушига хос ва бошқа касалликларни даволаш 7.10 – расм. Артезиан щавззанинг ширшими:

минерал 1 – сув сөтказмайдыган щатлам; 2 – тупрош суви; 3 – грунт суви; 4 – дарё; 5 – ифатида хаммага булош; 6 – щатламлар орасидаги пастга тушувчи ер ости суви; 7 – щатламлар

## **7.5. Ер ости сувларининг ҳаракатланиш қонунияти.**

Күплаб қурилиш, саноат, турар жой бинолари, тұғонлар, темир йўл ва автомобил йўллари қуриш масалаларида ер ости сувларини ҳаракатланиш қонуниятини билиш шартдир.

Сувнинг ҳаракатланишида ламинар ва турбулент оқим ҳаракати кузатилади. Сувнинг ламинар ҳаракати фильтрланишнинг асосий қонуниятига бўйсунади. Босимсиз ер ости сувларининг ҳаракати гидравлик босим юқори (сатхли) жойдан, паст босимли жойга томон ҳаракатланади. (Расм 7.11).



7.11-расм.

Грунт

сувлари

Гидравлик босимлар фарқи  $\Delta H$  қ  $H_1 - H_2$  (I ва II кесимда), сув II кесим томон ҳаракат килади. Грунт сувининг ҳаракат тезлиги, босимлар фарқи ва фильтрация йўли узунлиги  $l$  га боғлиқ. Босим фарқи (гидравлик градиент)  $\Delta H$  ни фильтрация йўли узунлиги  $l$  га нисбати  $J$  билан белгиланади ва гидравлик градиент деб аталади:

$$J_K \frac{H}{l} \quad (7.1)$$

Грунт сувларининг параллел оқими яни ламинар ҳаракати улар ичидан берадиган.

ҳаракатининг асосий кўриниши ҳисобланади ва Дарси қонунига буйсунади.

Бундай ҳаракатни асосан қум, қумок, қумлоқ жинсларда күзатиши мүмкін.

Сувнинг ламинар ҳаракатини тоғ жинслари ёриқларида ҳам кузатиш мумкин. Сувнинг ҳаракатланиш тезлиги  $300 - 400$  м/суткадан ошганда гирдоб ёки турбулент ҳаракати ҳам маълум. Ҳаракатнинг бу тури йирик ғовакли ва

ёриқли тоғ жинсларида кузатилади. Ер ости сувларининг ҳаракат назарияси француз олимни Дарси яратган қонун асосида қуидагича ифодаланади:

$$Q = K_{op} F \frac{\Delta H}{\ell} \quad \kappa K_{op} F \cdot J \quad (7.2)$$

бу ерда:  $Q$  – оқим сарфи яъни вақт бирлигига фильтрланиб оқиб ўтган сув миқдори,  $\text{м}^3/\text{сут}$ ;  $K_{\phi}$ - фильтрланиш коэффициенти, яъни тоғ жинсининг ўзидан сув ўтказиш қобилияти,  $\text{м}/\text{сут}$ ;  $F$  - сув оқимининг кўндаланг кесим юзи,  $\text{м}^2$ ;  $\ell$  - фильтрланиш йўлининг узунлиги,  $\text{м}$ ;  $\Delta H$ - сув босимининг фарқи,  $\text{м}$ ; Тенгламани икки қисмини  $F$  га тақсим қилиб,  $Q/F$  ни фильтрланиш тезлиги  $v$  орқали белгиласак,  $v \propto K_{\phi} J$  бўлади.

Демак, Дарси қонунига кура, тоғ жинсларидаги сувнинг фильтрланиши ёки ҳаракат тезлиги  $v$  босим градиенти ёки оқим қиялиги  $J$  га тўғри пропорционал. Агар  $J \propto \frac{\Delta H}{\ell}$  деб қабул қилинса, унда  $v \propto K \cdot J$  тенглама  $v \propto K_{\phi}$  кўриниши олади, яъни босим градиенти  $J \propto \frac{\Delta H}{\ell}$  бўлганда фильтрланиш коэффициенти сон жиҳатидан фильтрланиш тезлигига тенглашади. Дарси қонуни ер ости сувлари динамикасининг асосий қонунидир. Амалий ишларда бу қонун ғовакли сувга тўйинган жинслар, майда дарзлари бўлган дарз кетган жинслар шунингдек, дарзлари майда парчаланган материаллар билан тўлган дарзли жинсларда аниқ натижаларни беради. Фильтрланишнинг чизиқли қонунияти сувнинг тезлиги  $0,5\text{ см/сек}$  ( $400\text{ м/сут}$ ) дан ошганда четга оғиши кузатилади. Чунки тезлик бундан ошганда оқимнинг турбулент, яъни гирдобли ҳаракати кузатилади. Сув оқимининг турбулент ҳаракати йирик ғовакларда, айникса карстли бўшликларда учрайди.

Фильтрланишнинг чизиқли қонунияти сув олинадиган иншоотлар олдида, сунъий равишда катта нишоблик ва катта тезлик ҳосил килинадиган жойлардаги оқимларда учрайди.

Турбулент оқими Шези-Краснопольский формуласи буйича аниқланади;

$$Q \propto K \cdot F \sqrt{j} \quad v \propto K \sqrt{j} \quad (7.3)$$

Бу ерда;  $K$ - Дарси формуласидаги юза фильтрланиш коэффициентига ўхшаш қийматдир, формуладаги кўндаланг кесим юза  $F$ , фильтрланиб ўтаётган бутун оқимнинг юзасидир, шу сабабли фильтрланиш тезлиги  $v$ - ҳам сув оқимининг ўртача ҳақиқий тезлиги  $U$  дан фарқ қиласди.

Ҳақиқий тезлик ( $U$ ) –  $nF$  юзали ғовакликдаги сувнинг тезлиги бўлиб, бу ерда  $n$  – сув сиғимли жинснинг ғоваклигидир. Ҳақиқий тезлик  $U$ :

$$U \propto \frac{Q}{nF} = \frac{V}{n} \quad (7.4)$$

Унинг ўртача қиймати ҳар доим фильтрланиш тезлигидан катта бўлади.


Оқимнинг ҳақиқий тезлиги, керакли участкада тажриба йўли билан аниқланади. Тажрибада учун қазилган бурғ қудуғи ёки шурфдаги ер остидаги

сувга турғун индикатор (ранг) туширилади ва сувнинг ҳаракат йўналиши бўйича бир неча метр узоқликда ковланган кузатиш қудукда рангнинг сизиб келиш вақти аниқланади. Рангни оқиб келиши учун кетган вақт, қудуқлар орасидаги масофа аниқланиб, сув оқимининг ҳақиқий фильтрланиш тезлигини аниқлаш мумкин.

Ер ости сувларининг ҳаракати турли табиий шароитларда: фильтрланиш хоссалари бўлган сув шимувчи муҳитларда, сувли қатламлар ҳавзаларини ётиши ва уларни таъминлаши, бўшалиши хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда, турли оралиқли кўрсатгичларда бўлади.

+урилишда амалий масалаларни ечишда (хандакларга сувни оқиб келиши, сув сарфи, фильтрланиш) ер ости сувларини табиий шароитларда тарқалишини ҳисобга олиш лозим. Ҳисоблашлардаги фильтрланиш коэффициенти тоғ жинсининг ўзидан сув ўтқазиш қобилиятини кўрсатади. Фильтрланиш коэффициенти турли жинсларда турли катталикларда бўлади. Баъзи бир тоғ жинслари учун фильтрланиш коэффициентлари 7.1- жадвалда кўрсатилган

Жинснинг номи	Фильтрланиш коэффициенти м/сут	Жинс номи	Фильтрланиш коэффициенти м/сут
+умоқтупроқ	0,01- 0,1	Йирик донали кум	20-30
Майда заррали кум	1,0-10,0		
Ўрта йирикдаги кум	10-20	Шағал, тош	30-70 ва ундан кўп



46-расм. Грунт сувлари оқимининг сарфи-ни ҳисоблаш схемаси:

I ва II-сув ўтказмайдиган қатламнинг горизонтал вазияти; III-қий вазияти.

## 7.6. Ер ости сувларининг оқим сарфи.

Ер ости сувлари гидростатик босим таъсири остида юқори босимли нуқтадан (юқорирок сатҳдан) кам босимли нуқтага (пастроқ сатҳга) томон ҳаракатланади, бунда ер ости сувлари нормал фильтрланади. Сувли қатламнинг кундаланг кесимидан вақт бирлигиде оқиб ўтаётган сув миқдори оқим сарфи деб аталади ва  $Q$  билан белгиланади. Грунт сувларининг оқим сарфини аниқлаш анча мураккаб бўлиб, уларни аниқлаш усувлари маҳсус қўлланмаларда келтирилгандир. Сувли қатламнинг горизонтал ва қия ҳоллари учун сув сарфининг қандай

хисобланишини күриб чиқамиз (7.12. расм).

Оқим қалинлиги ( $h$ ) ўзгармайды. Сувнинг текис юзасидаги оқим сарфини чизиқли қонун фильтрланиши асосида аниқлаш мумкин:

$$Q \propto K_F B \cdot h \frac{H_1 - H_2}{l}; \quad (7.5)$$

Бу ерда:  $B$ - оқим кенглиги;  $H_1, H_2$  – кесим, 1, 2 – кесимлардаги сувли горизонт қалинлиги (хисоб ана шунга нисбатан қилинади);  $l$  – кесимлар орасидаги масофа.

Табиий шароитда кўп учрайдиган ҳолатлардан бири грунт суви оқим қалинлигининг ўзгарувчанлигидир. Чизма II (7.41 расм) да ана шу ҳолатлар кўрсатилган (горизонтал сув ўтказмайдиган қаватда). Оқим сарфи қуйидаги Дюпюи тенгламаси асосида хисобланади:

$$Q \propto K_F B \cdot h \frac{h_1^2 - h_2^2}{2l}; \quad (7.6)$$


Сув ўтказмайдиган қатlam қия бўлганда эса (чизма III) хисоблашда кўшимча горизонтал юза 0-0 ўтказилади.

$$J_{\text{уп}} \propto \frac{H_1 - H_2}{l} \text{ ва } h_{\text{уп}} \propto \frac{h_{1^2} - h_{2^2}}{2l} \quad (7.7)$$

Оқим сарфи формуласи қуйидаги кўринишни олади.

$$Q \propto K_F B \cdot h \frac{(H_1 - H_2)(h_1 - h_2)}{2l} \quad (7.8)$$

Агар оқим сарфи  $Q$  оқим кенглиги  $B$  га тақсим килинса, унда солишиштirma сарфи  $q$  к  $Q/B$  чикади.




47-расм. Бурғ қудуклар ёрдамида таъсир радиуси  $R$  ни сув сўриб чиқариш орқали аниқлаш:

1—сув сўриб чиқарилаётган бурғ қудукъ 2—6—сув сатҳини ўлчам учин қазилган бурғ қудуклар.

### 7.7. Депрессион воронка ва таъсир радиуси тўғрисида тушунча.

Сўриб чиқариш деганда кудуклардан сувни ер юзасига насослар ёрдамида чиқариб олиш тушунилади. Сўриб чиқариш вақтида бурғ қудукъ атрофида сувнинг сатҳи воронкага ўхшаб пасаяди, сув сатҳининг бундай



48-расм. Депрессион воронка:

1—сув сўриб чиқариш нуқтаси; 2—нормал юза; 3—воронка-нинг марказидаги юзанинг пасайини;  $R$ —воронканинг радиуси.

пасайиши **Депрессион воронка** деб аталади. Воронка режадаги қўринишида доира ҳосил килади. Воронка вертикал қисмida, депрессиянинг эгрилиги сўриш нуқтасига яқинлашган сари ортади. (7.13 ва 7.14 расмлар)

Депрессия воронкасининг радиуси – таъсир радиуси ( $R$ ) деб аталади. Сув олиш ва дренажли иншоотларда  $R$  нинг қиймати ҳисоблашда ишлатилади. Таъсир радиуси  $R$  ни ҳисоблашни турли формулалари бор. Кўпинча Кусакина формуласидан фойдаланилади:

$$R = 1,95S\sqrt{HK_\phi} \quad (7.9)$$

Бу ерда:  $S$ - Сўриб чиқариш вақтида воронка марказидаги сув сатхининг пасайиши, м.

$H$  - сувли грунтнинг қалинлиги, м;  $K_\phi$  - фильтрланиш коэффициенти, м/сут.

Таъсир радиусни Троянский формуласи ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин:


$$R \leq \frac{3Q}{2H \cdot K_\phi \cdot J} \quad (7.10)$$

бунда  $Q$  – дебит, м<sup>3</sup>/сут;  $H$  – грунтли сув қалинлиги, м;  $K_\phi$  – фильтрланиш коэффициенти, м/сут;  $J$  – гидравлик қиялик.

7.14 – расмда депрессион воронка тасвирланган. Воронка марказида: 1 – сўриб чиқариш нуқтаси; 2 – нормал сатҳ;  $S$  – сатхнинг пасайиши.

Ер ости сувининг ўзгармас сатҳи статикавий сатҳ деб, ер ости сувининг ўзгарадиган, яъни ҳаракатланадиган сатҳи динамикавий сатҳ деб аталади.

Сув сўриб чиқарилиши керак бўлган жойда 2-3 кундаланг кесим буйича бурғ қудуғи қазилиб, улардаги сув сатҳи ўлчаниб,  $R$  нинг аниқ қиймати



49- расм. Депрессион воронкалар: 1 – шағал; 2 – қум; 3 – қумоқ тупроқ.

аниқланади (7.15. расм)


Депрессион воронка ўлчами,  $R$  ва эгри депрессия қиялиги жинснинг гранулометрик таркиби ва ғовак ўлчамига боғлиқдир. +умнинг ва шағалнинг сув ўтказувчанилиги яхши бўлади, бунда сувнинг заррачалари билан кам ишқаланишига кенг воронканинг катта таъсир радиуси сабаб бўлади. Кам сув ўтказувчан к 7.15 - расм. Депрессион воронкалар; 1 – шағал; 2 – շум; - 3 – շумош катта бўлмаган қиймати лосдири. Сурʼи чиқариш суви салдириши пасайиши билан депрессион воронка маълум даражада, аммо маълум четларигача кенгаяди. Мисол сифатида  $R$  нинг энг катта қийматини келтирамиз: шағал учун – 1000 м гача, йирик донали қум учун – 400–600 м, майда донали қум учун; 100-200 м, (депрессион эгрилик нишаби 0,2–0,006) ва қумоқ тупроқ учун – 20-50 м, (депрессион эгрилик нишаби 0,1–0,5)

## 7.8. +удук ва зовурларга грунт сувларининг оқиб келиши.

Сув йиғувчи қудуқларга грунт сувининг оқиб келиши мумкин бўладиган сув миқдорини (сарфини) билиш қуриладиган зовурлар (котлованлар) хандақлар учун катта амалий аҳамиятга эга. Бу ҳол грунт сувларининг сатхини рационал пасайтириш чораларини лойиҳалашга имконият туғдиради. +урилиш котлованлари (каръерларини) шаклига қараб – квадрат ва тўғри тўртбурчак шаклидаги котлованларга бўлиш мумкин. Биринчи ҳолда котлован қудуқ ҳолида, яъни катта диаметрли вертикаль бурғ қудуқлар шаклида бўлиши мумкин. Иккинчи ҳолда эса горизонтал қўринишдаги, зовурларга (арикчаларга) ўхшаш бўлиши мумкин. +удук ва зовурлар пастки қисми сув ўтказмайдиган тоғ жинсларига етганлари, тугалланган қудуқлар деб аталади, агар қудуқнинг пастки қисми сув ўтказмайдиган тоғ жинсларидан юқори турган бўлса, унда тугалланмаган қудуқлар дейилади.

**+удуқлар.** Агар қудуқлардан сув юқорига узлуксиз чиқариб турилмаса, грунт сувининг сатҳи ўзгармайди. Сувни сўриб чиқаришда депрессион воронка ҳосил бўлади, қудуқдаги сувнинг сатҳи эса пасаяди. +удуқларнинг унуми дебит миқдори билан белгиланади. Вақт бирлиги ичida, қудуқнинг сув бера олиш хусусияти қудуқнинг дебити деб аталади. Тугалланган қудуқлар ҳолати учун сув оқими қўйидаги формуладан аниқланади.

$$Q \propto K_f \frac{H^2 - h^2}{\ln R - \ln r} \quad (7.11)$$



7.16-расм. Сув йиђувчи  
шудуෂлар: 1-тугалланган


Бу ерда:  $Q$  – қудуқнинг сўриб чиқариш вақтидаги сарфи (дебит),  $\text{m}^3/\text{сут}$ ;  $K_f$  – фильтрланиш коэффициенти,  $\text{m}^3/\text{сут}$ ;  $H$  – грунт суви қуввати, м;  $h$  – қудуқдаги сув сатҳи, м;  $R$  – таъсир радиуси,  $r$  – қудуқнинг радиуси (қудуқнинг кўндаланг кесим юзи билан аниқланади), м.

$\pi$  ўрнига 3,14 ни куйиб, натурал логарифм ўнли логарифм ҳолига келтирилса, қўйидаги формула келиб чиқади:

$$Q \propto 1,36 K_f \frac{H^2 - h^2}{\lg R - \lg r} \quad (7.12)$$

$h$  ўлчам тахминан (0,5-0,6)  $H$  га teng. Тугалланмаган қудуқларга сув унинг деворлари ва пастки қисмидан келиб куйилади (7.16 ва 7.17 – расмлар).

Бу ҳол оқимни хисоблашни мураккаблаштиради. Шундай қудуқларнинг дебити тугалланган қудуқларнинг дебитидан кам бўлади (7.17 – расм). Бунда сўриб чиқариш



51-расм. Тугалланмаган қудуқнинг  
шудуෂ-нинг көриниш схемаси:  
 $H_0$  – актив зонанинг

вақтида сув қудукнинг фақат сувли қатламининг бир қисмидангина келиб туради. Ана шу қатлам актив зона деб аталади. +удук ичидаги сувнинг сўриб чиқарилгунча баландлигининг 4/3 қисми актив зона чукурлиги (Р) деб қабул қилинади, яъни  $H_0$  қ 4,3 Р. Бу ҳолат тугалланмаган қудукларнинг сарфи Дюпюи формуласи ёрдамида Паркер интерпретацияси билан ҳисоблашга шароит туғдиради. +удук ўз сувининг

$$Q \leq 1,36 K_\phi \frac{H_0^2 - h^2}{\lg R - \lg r} \quad (7.12)$$

ҳажмини максимал дебитда бериши учун ёндош қудуклар таъсир радиусининг икки оралигидан кам булмаган масофада жойлаштирилиши керак.

**Зовурлар (ариқчалар).** Булар грунт сувларини сатхини пасайтириш учун қилинадиган махсус иншоотлардир. Улар дренажлар системасига киради. Ариқчалар тугалланган ва тугалланмаган бўлиши, уларга сув оқими икки томондан келганда сарф қуйидагича аниқланади:

$$Q \leq K_\phi l \frac{H^2 - h^2}{R} \quad (7.13)$$

агар оқим бир томондан бўлса,

$$Q \leq K_\phi l \frac{H^2 - h^2}{2R} \quad (7.14)$$

бўлади, бу ерда:  $Q$  – сув миқдори,  $\text{m}^3/\text{сут}$ ;  $K_\phi$  – фильтрланиш коэффициенти,  $\text{м}/\text{сут}$ ;  $l$  – ариқчалар узунлиги,  $\text{м}$ ;  $H$  – грунт сувининг қалинлиги,  $\text{м}$ ;  $h$  – ариқча ичидаги сув устуни баландлиги,  $\text{м}$ ;  $R$  – таъсир радиуси,  $\text{м}$ . Тугалланмаган ариқча сув сарфи, тугалланган ариқчаникidan кам бўлади:


$$Q_{m.m.a} \leq Q_{m..a} \frac{t}{H} \quad (7.15)$$

Бу ерда:  $Q_{m.m.a}$  – тугалланмаган ариқча сув сарфи;  $Q_{m..a}$  – тугалланган ариқча сув сарфи;  $t$  – ариқчанинг пастки қисмидан тики нормал сатхигача бўлган оралик;  $H$  – грунт суви қалинлиги.

Дренаж зовурлар очик ва ёпиқ бўлиши мумкин (7.18-расм).

Очиқ зовурлар (траншеялар), кўпинча ариқчалар деб аталади

Улар юзарок (чукурлиги 2,5 м дан кичик бўлса), ёпиқлари эса чукурроқ



52- расм. Горизонтал дренлар:

α – очик зовур; β – ёпиқ зовур; 1 – зовур трубаси; 2 – фильтровчи материал; 3 – фильтровчи материални сақловчи гилли грунт қатлами.

бўлади ва улардан, кўпинча, шаҳар ҳудудларида фойдаланилади.

7.18 – расм. Горизонтал дренлар:  
а – очиш зовур; б – ёпиш зовур; 1 – зовур трубаси; 2 –

## 8.Боб

### Грунтларнинг муҳандис – геологик классификацияси ва физика механикавий хоссалари

#### 8.1. Муҳандис – геологик классификацияси.

Муҳандис - геологик жараёнлар ва ҳодисалар рўй бераётган муҳитни грунтлар деб аташ мумкин.

Муҳандислик - қурилиш мақсадларида биринчи навбатда тоғ жинсларини иншоотлардан тушаётган юкламаларга бўлган қаршилиги қизиқтиради. Ташқи кучларга қаршилик кўрсатиш қобилияти тоғ жинси заррачалари орасидаги боғланиш характерига боғлиқдир.

Тоғ жинслари зарралари орасидаги 4 хил боғланишларни белгилаш мумкин;

1. +аттиқ мустаҳкамли бўлиб, жинсни сувда ивитилганда – ўзгармайди.
2. +аттиқ мустаҳкам бўлиб, жинсни сувда ивитганда – бўшашиб кетади.
3. Сувли ҳаракатчанли бўлиб, жинс қуритилганда ёки сувда ивитилганда ўз мустаҳкамлигини ўзгартиради.
4. Боғланиш бўлмаган ҳол – бунда ўзаро бир – бирига нисбатан ҳаракатларига, улар орасидаги ишқаланиш кучи қаршилик кўрсатади.

Шуларга асосан ҳамма тоғ жинсларини қоятош ва қоятош бўлмаган синфларга ажратиш мумкин.

+оятош жинсларга - зарралари қаттиқ боғланган тоғ жинсларига айтилади. Бу боғланишлар, кристалли, цементли бўлиб, ана шу сабабли қоятош грунтларга магматик, метаморфик ва цементлашган чўкинди тоғ жинслари киради.

Чўкинди тоғ жинсларидан баъзи қоятош жинслардаги кристалл боғланишлар сувда ивитилганда бўшашиб, сув коллоидли боғланишга ўтади. Бу гурухдаги жинслар ярим қоятош жинслар деб аталади. +оятошли бўлмаган тоғ жинслари зарралари орасидаги боғланишлар силжувчан, сувли коллоидли бўлса, уларга боғланган грунтлар, қоятошли бўлмаган ва зарралари орасидаги боғланишлар бўлмаса, боғланмаган ёки айрим – донали деб аталади.

+оятош ва ярим қоятош жинсларни муҳандис – геологик хоссалари турличадир.

Грунтларнинг тўла характеристикалари учун – уларнинг ҳосил бўлиши, минерал таркиби, структураси ва текстураси етарлича деб бўлмайди, шу сабабли физиковий ва механикавий характеристикалар системаси ишлаб чиқилгандир.

Ушбу системадаги характеристикалар: масалан зичлик, ғоваклик, майдалиги ва бошқа хоссалар турли қатегорияли тоғ жинслари учун ҳам тааллуқлидир.

#### 8.2. Грунтларнинг умумий таркиби ва физик хоссалари

Грунтларнинг муҳандис - геологик сифатини баҳолашда, уларнинг физик хоссалари: зичлиги, ҳажмий массаси, ғоваклиги, пластиклиги, намлиги мухим аҳамиятга эгадир.

Гидрофизик хоссаларига эса, сув ўтказувчанлиги, капиллярлиги киради. Грунтларнинг таркибларини характерловчи кўрсатгичлар: гранулометрик ва минералогик таркиблардир.

- Грунтларнинг зичлиги деб – унинг қаттиқ, қуруқ заррачалари массасининг, шу заррачалар эгаллаган зич ҳажмига бўлган нисбатига айтилади. Уни қўйидаги формула билан аниқланади:

$$\rho = \frac{m_k}{v_k}; \quad (8.1)$$

Бу ерда;  $\rho$  - грунт зичлиги,  $\text{г}/\text{см}^3$ ;

$m_k$  – қуритилган грунт қаттиқ заррачалар массаси, гр;

$v_k$  - грунтлардаги қаттиқ заррачалар эгаллаган зич ҳажм,  $\text{см}^3$ ;

Грунтнинг зичлиги, унинг химиявий ва минералогик таркибига боғлиқ бўлиб, ўртacha тоғ жинсларида  $2,60 - 2,75 \text{ г}/\text{см}^3$  оралиғида бўлади.

8.1 жадвал

Грунт (тоғ жинси)	Зичлик $\text{г}/\text{см}^3$	Грунт(тоғ жинси)	Зичлик $\text{г}/\text{см}^3$
Чуқурлик жинси Гранит	2,6 – 2,7	+умтош	2,55 – 2,65 /2,60
Габбро	3,0-3,1	+умлар	2,65-2,77 /2,7
Карбонатли Жинслар	2,41 3,19	+умок тупроқ	2,67 – 2,73 /2,71
Алевролит	2,4 – 3, 04	+умлоқ тупроқ	2,69 – 2,71
Аргиллит	2,63 – 2,85	Гиллар	2,71 – 2,73/2,72
		Торф	0,5 – 0,8

Эслатма: Суратда белгиланган қиймат зичликнинг ўзгариш оралиғи бўлиб, маҳраждагиси эса ўртacha кўрсатгичини билдиради.

- Ҳажмий масса деб – тоғ жинсининг табиий ҳажм бирлигидаги массасига айтилади. Уни қўйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\rho_m = \frac{m}{v_t} \quad (8.2)$$

$\rho_m$  – грунтнинг табиий ҳолатидаги ҳажмий массаси,  $\text{г}/\text{см}^3$

$m$  – грунтнинг массаси, гр.

$v_t$  – грунтнинг ғоваклари билан биргалиқдаги табиий ҳажми,  $\text{см}^3$

Грунтларнинг ҳажмий массаси унинг минералогик таркиби, намлиги ва ғоваклигига боғлиқ бўлади. Грунтларнинг намлиги ошиб борган сари, ҳажмий

массаси ортиб боради ва ўзининг энг қатта қийматига барча ғовакларга намлиқ тўлгандан сўнггина эришади. Грунтларнинг ҳажмий массасининг ўртача қиймати  $1,3 - 2,2 \text{ г/см}^3$  ни ташкил этади.

Амалиётда ҳажмий масса қийматини грунтларни таянч деворларга босимини, қияликларнинг турғуналиги шартларини, тупроқ ишлари ҳажмини, куруқ грунтлар массасини ҳисоблашларида фойдаланилади. Грунтларнинг  $105 - 110^\circ \text{ С}$  да ҳароратда қуритилгандан сўнгги зичлиги- грунт скелетининг ҳажмий массаси деб қабул қилинган.

Грунтлар скелетининг ҳажмий массаси қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$\rho_{\text{ск}} \cdot \frac{\rho_w}{1 + 0.01}; \quad (8.3)$$

бу ерда;  $\rho_w$ - табиий намлиқдаги грунтнинг ҳажмий массаси,  $\text{г/см}^3$ ;

$W$ - табиий намлиқ, %;

•**Ғоваклик** деб – жинс таркибидаги заррачалар ва структура бўлаклари орасидаги бўшлиқлар йиғиндисига айтилади.

Назарий жиҳатдан ғоваклик, жинсни ҳажмини, ғоваклар ҳажми билан тўлдирилиш даражасига айтилади.

$$n = \frac{V_n}{V} \cdot 100\% \quad (8.4)$$

бу ерда:  $n$ - грунтнинг ғоваклиги, %;  $V_n$  – ғоваклар ҳажми,  $\text{см}^3$ ;  $V$  – табиий ҳажм,  $\text{см}^3$ ;

Ҳисобий ва тажриба йўли билан ғовакликни қуйидагича аниқлаш мумкин.

$$n = \frac{(\rho - \rho_{\text{ск}})}{\rho} \cdot 100\% \quad (8.5)$$

бунда  $\rho$  - грунтнинг зичлиги;  $\rho_{\text{ск}}$ - грунт скелетининг ҳажмий массаси.

Кўпинча грунтларнинг ғоваклигини ғоваклик коэффициенти ёки келтирилган ғоваклик билан характерланиб, уни қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$\varepsilon = \frac{\text{грунтдаги умумий ғоваклик}(V_n)}{\text{Грунтнинг минералкисми}(V_c)} \quad 8.6$$

Ҷоваклик коэффициентини, зичлик орқали ҳам ифодалаш мумкин.

$$\varepsilon = \frac{n}{(1-n)} \text{ ёки } \varepsilon = \frac{\rho - \rho_{\text{ск}}}{\rho_{\text{ск}}} \cdot 100\% \quad 8.7$$

Ҷоваклик цементлашмаган жинслар учун характерлидир. Ҷоваклик тоғ жинсларининг физик хоссалари ва сувга нисбатан бўлган хоссаларига таъсир этади.

Ҷоваклар ўлчами, уларнинг йиғиндисининг умумий миқдори, чақилган заррачалар, доначалар шаклига, уларнинг ўзаро жойлашуви, бир жинсли даражаси ва грунтнинг зичланганлик даражасига боғлиқ.

Грунтлар таркибида цементловчи моддаларни кўпайиши ҳисобига ғоваклик камаяди. Гиллар ва гилли жинслар юқори ғовакликка эга бўлади. (50-60%).

- **Грунтнинг намлиги деб** – грунт таркибидаги намлик миқдорини, қуритилган қуруқ грунт массасига нисбатига айтилади.

Табий шароитда грунтлар таркибида маълум миқдорда, боғланган ёки эркин сув бўлади. Намликнинг бу миқдори – грунтларнинг табий намлиги деб аталади.

Ер ости сувларидан юқорида жойлашган грунтлар намлиги, иқлимнинг ўзгариб турадиган температураси, ҳавонинг намлиги ва босими остида, ёғин – сочинлар, буғланишлар ҳисобига ўзгариб туради.

Намликни оғирлик ва ҳажмий турлари бўлиб, уларни % да ифода этилади. Оғирлик бўйича намликни ( $W_o$ ) қўйидаги формула билан аниқланади:

$$W_{o\text{к}} = \frac{m - m_k}{m_k} \cdot 100\% ; \quad (8.8)$$

Бу ерда:  $W_o$  – табий оғирлик намлиги, %

$m$ - грунтнинг табий намликтаги массаси, гр;

$m_k$ - 100 -105°C да қуритилган грунтнинг ўзгармас массаси, гр.

Ҳажмий намлик ( $W_v$ ) – грунт таркибдаги сувнинг массасини, унинг таркибидаги қаттиқ заррачалар массасига нисбатига айтилади.

Гигроскопиклик намликка тенг бўлган намлик - табий намлик деб аталади. Грунтнинг ҳавои - қуруқ ҳолатини характерловчи гигроскопик намлик, ҳавонинг нисбий намлигига боғлиқ бўлади. Амалиётда грунтларнинг тўйиниш даражаси ёки ғовакларни сув билан тўйиниш даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уни қўйидаги формула билан ифода этилади.

$$q = \frac{W}{W_n} \quad (8.8)$$

$W$  – грунтнинг табий намлиги;

$W_n$  - грунт ғовакларини сувга тўла тўйиниш намлиги, яъни намлик сифими.

Грунтнинг тўла намлиги ёки тўла намлик сифими қўйидаги формула билан аниқланади:

$$W_n = 100 \left( \frac{1}{\rho_{ск}} - \rho \right) \rho_c \quad (8.9)$$

бу ерда;  $\rho_{ск}$ - грунт скелетининг ҳажмий массаси;  $\rho$  - грунтнинг зичлиги;

$\rho_c$  - сувнинг зичлиги.

Табиатда гилли грунтларни намлик миқдорига қараб, қаттиқ, пластик ва оқувчан ҳолатларда бўлади. Грунтларнинг бир ҳолатдан, иккинчи ҳолатга ўтишдаги намлиги - характерли намлиги деб аталади.

• Грунтнинг пластиклиги деб, ташқи куч таъсирида хар-хил шаклга кира олиши ва куч таъсири йуқолгандан кейин ушбу шаклни сақлаб қолиш хусусияти тушунилади. Пластиклик, таркибида гил заррачалари кўп бўлган, гилларга хос бўлган хусусиятдир.

Ташқи куч таъсирида, гилли жинсларнинг деформацияланиши, уларнинг намлик даражасидаги ҳолатига боғлиқ бўлади. Гилларнинг пластиклигини ифодалаш учун, пластиклик сони деган тушунча киритилган. Пластикликнинг

күйи ва юқори чегаралари бўлади. Улар ўртасидаги фарқ-пластиклик сонини билдиради.

Грунтнинг пластик ҳолатидан, оқувчан ҳолатга ўтишидаги намлиги, пластикликнинг юқори чегараси ( $W_t$ ) деб юритилади.

Гиллар пластиклиги юқори чегарасидаги (оқиш чегарасидаги) намлик даражасини аниқлаш учун, чинни косачага гилни суюқ ҳамир ҳолига келтириб солиб, унинг юзида чуқур из қолдирилади, шундан сўнг, косача қўл кафти билан 3 марта енгил силкитилганда из йуқолиб, юзага қўшилиб кетиши лозим.

Грунтнинг юмшоқ ҳолатидан қаттиқ ҳолатидаги ўтишидаги намлиги пластикликни қўйи чегараси деб аталади. Пластикликни қўйи чегарасидаги намликни аниқлаш учун, гилли жинсни дистилланган сувда қориб, ҳамир тайёрлаймиз ва ундан 3 мм қалинликдаги таёқчалар тайёрлаб, уни бармоқ билан ерда юргизиб айлантирамиз. Агар ҳамирдан тайёрланган таёқча эзига айлантирилганда, уваланиб, майда бўлакчаларга бўлиниб кетса, гилнинг шу ҳолатидаги намлиги, пластикликни қўйи чегарасидаги намлиги деб қабул қилинади. Пластикликни юқори чегараси ( $W_t$ ) билан, қўйи чегараси ( $W_p$ ) орасидаги айирма - пластиклик сони деб аталади ва уни  $I_p$  билан белгиланади.

$$I_p = W_t - W_p \quad (8.10)$$

+уийдаги жадвалда турли жинслар учун пластиклик сони келтирилган

6.2 -жадвал

T/P	Гилларнинг турлари	Жинсларнинг тури	Пластиклик сони
1	1 – нчи турдаги	Гиллар(юқори пластикли жинслар	17
2	2 – нчи турдаги	+умоқ тупроқ (суглинок)пластикли жинс	17 - 7
3	3 – нчи турдаги	+умлоқ тупроқ (супес) кам пластикли	7
4	4 - нчи турдаги	+умлар (нопластик жинслар)	0

•Гилли жинсларни бўкиши, (шишиши) деб, ўз ғовакларига сувни шимиб олиши натижасида ҳажмини қатталashiшига айтилади. Ҳажмини ошиб бориши, кўпчиш босимини юзага келтириб чиқаради. Грунтларнинг бўкиш дарajasи, грунт таркиbidаги гилли ва чангсимон зарралар микдорига, уларнинг химиявий ва минералогик таркибига боғлиқ бўлади. Бентонитли гиллар, масалан; ўз ҳажмини - 80% гача, каолинитли гиллар эса – 25% гача оширади.

Бўкиш коэффициенти, одатда, тажриба йўли билан, сув билан тўйиниш жараёнида, ҳажмини ортиб боришига қараб аниқланади:

$$K = 100(V - V_i) \quad (8.11)$$

бунда,  $V$  - сувга түйинган жинснинг ҳажми;  $V_1$  - жинснинг қуритилган ҳолатидаги ҳажми;

Грунтларнинг бўкиши туфайли ҳажмини ўзгартириши қурилишда муҳим аҳамиятга эга. Гилларни бўкиш ҳодисаси, қурилишда чуқурликларга траншеяларга, сувнинг тўпланиши ва сув омборлари, тўғонлар қурилишида рўй бераб, бу ҳодиса сабаби, қурилиш районининг гидрогеологик шароитини ўзгаришидир.

•чўкиш ҳодисаси деб жинсларнинг қуриши натижасида, унинг ўлчамларини қисқариши тушунилади. Гилли жинсларнинг таркибида майда зарралар қанчалик кўп бўлса, пластиклиги қанчалик катта бўлса, унинг қуриб чўкиш даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бизнинг Республикализ ҳудудлари қуруқ иссиқ иқлимли шароит хисобланиб, бу шароитларда қуриб чўкиш, намли шароитли ҳудудларга қараганда кўпроқ бўлади.

•Гилларнинг ивиши. Гилли жинсларнинг сувда ҳар - хил зарраларга ажралиб кетиши ҳодисаси, гилнинг ивиши деб аталади.

Бу ҳодиса, гиллар ва гилли жинслар учун характерлидир. Ивиш тезлиги ва характери, уларнинг минералогик ва гранулометрик таркиби, зичлигига, табиий намлиқдаги зарралар орасидаги ёпишқоқлигига, сувнинг химиявий таркиби боғлиқ бўлади. Соф гиллар сувда секин ивийди. Сув омборларини, каналларни, очик шахталарни ишга туширишда, тоғ жинсларини ивиш даражасини аниқлаб олиш лозимдир. Янги қурилган, ҳали ишга тушмаган каналларнинг қирғоқларидаги жинслар қуруқ бўлса, уларни намлаб шиббалаб, каналга сув очилгунча, қирғоқ жинсларининг намлиги оширилиб, критик намлиқдан юқори қилиб турилади. Шундай қилингач тақдирда, қирғоқларнинг ивиши ва емирилиши секинроқ тарзда рўй беради.

•Сув ўтказувчанлиги. Тоғ жинсининг ўзидан маълум миқдорда сувни ўтказиши унинг сув ўтказувчанлиги деб аталади. Грунтларнинг бу хоссаси, унинг гранулометрик таркиби, структураси, қалинлиги ва зичлигига боғлиқдир. Грунтнинг гранулометрик таркибидаги заррачалари, шунингдек структура элементлари қанчалик йирик ва ғовак бўлса, грунтнинг сув ўтказувчанлиги шунча яхши, ва аксинча, грунтнинг заррачалари майда ва структураси зич бўлса, сув ўтказувчанлиги паст бўлади.

•Капиллярлик. Грунтнинг сувни капилляр (майда найчалар) йўллари орқали қатламларнинг қуи қисмидан, юқори қисми га қўтарилиши - унинг капиллярги (сувни қўтариш) хоссаси дейилади.

Капиллярлик грунтнинг энг муҳим хоссаларидан биридир. Грунтнинг бу хоссаси, яъни капилляр йўллардаги сув ҳаракатининг тезлиги ва баландлиги грунтларнинг гранулометрик таркиби, структураси ва қовушқоқлигига боғлиқдир.


Сув ўтказувчанлик тоғ жинслари таркибида қуидаги йўналишда камайиб боради; шағал → қум→ қумлоқ тупроқ→соз тупрок →гил. Гиллардан ташкил

топган жинсларнинг сув ўтказувчанлиги, унинг бошлангич намлиига боғлиқ бўлади. +уруқ гилли жинслар аввал сувни ўзидан яхши ўтказади, сўнгра сув ўтказувчанлиги кескин камаяди.

### 8.3. Грунтларнинг механикавий хоссалари

Грунтларнинг ташқи куч таъсирида ҳосил бўладиган зўриқишлиарга, йўл қуиладиган чегаравий деформациялардан ошиб кетмасдан, бардош бериш қобилияти унинг мустаҳкамлиги деб аталади. Ташқи куч таъсирида – грунтларда вужудга келадиган деформациялар 2 хил кўринишида бўлади; биринчиси ҳажмий деформациялар бўлиб, бунда грунт заррачалари ўзаро зичлашиб, жойлашади ва иккинчиси силжиш деформацияси бўлиб, зарралар жойлашиши ўзаро ўзгаради. Деформацияларга мос равишда, 2-хил асосий механик хоссалар бўлиб, булар грунтларнинг юк кўтариш қобилиятини ва силжишга бўлган қаршилигини кўрсатади.

•Сиқилувчанлик. Гилларнинг ташқи куч таъсирида сиқилиб, ўз ҳажмини кичрайтириш хоссаси сиқилиш деб аталади. Гилли грунтлар ҳажмининг ташқи куч таъсирида кичрайишига сабаб, грунтлар таркибидаги ғоваклар микдорини камайишидир. Ташқи куч олингандан сўнг, грунт скелетидаги эластик, яъни қайтар деформациялар туфайли, дастлабки ҳажм тикланиши мумкин.




(8.1- расм) 8.1-расм. Грунтларнинг деформация графиги

Энг кўп сиқилувчи грунтлар торфлар бўлиб, улар билан бир қаторда гилли грунтларни тилга ҳам олса бўлади. Сиқилиш жараёнини ўрганиш бино ва саноат қурилишида катта аҳамиятга эгадир.

Кўп сонли ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, жинсга таъсир этган хар қайси босимга мос равишда намлик ва ғоваклик тўғри келади.

Ҷоваклик ва босим ўзгаришлари боғлиқлигини ифодаловчи эгри чизик-



8.2-расм. Ташкиннинг  
Ҷоваклилик  
коэффициентига

компрессион - эгри чизиги деб аталади (8.2-расм).

Компрессион эгри чизигини қуриш учун, ординаталар ўқига ғоваклик коэффициентини ( $\epsilon$ ) ни, абциссалар ўқига эса босим (Р) ни жойлаштирамиз. Компрессион эгри чизик, грунтларни фақатгина босим остидаги сиқилиш характеристини кўрсатибгина қолмасдан, ана шу жараёндаги микдорий кўрсатгичлар - грунтларнинг компрессион характеристини аниқловчи бўлиб ҳисобланади. Грунтларнинг компрессион характеристикалари -- зичланиш ёки сиқилиш коэффициенти, умумий деформация  $E_p$  ва нисбий деформация ( $e_p$ ) модулларидир.

•Сиқилиш коэффициенти (а) ни аниқлаш компрессион эгри чизигини, амалий мақсадларга етадиган участкасида тўғри чизик билан алмаштиришга асослангандир.

8.2 расмда,  $P_1$  ва  $P_2$  юкларга мос келувчи  $M_1$  ва  $M_2$  кесмалар тўғри келади. Бу холда  $P_2$  ва  $P_1$  кучларга мос келадиган учбурчакнинг  $M_1$ ,  $M_2$  тўғри чизик бўйича ғоваклик коэффициенти ўзгариши қуйидагига тенг бўлади;

$$\Delta\epsilon_{e1-e2} \text{ қа } (P_2-P_1) \quad (8.12)$$

$$\text{ақтгас} \frac{\epsilon_1 - \epsilon_2}{p_2 - p_1} \quad (8.13)$$

Сиқилиш коэффициенти а – кучни  $1\text{kg}/\text{cm}^2$  бирликка ўзгаришига мос келадиган ғоваклик коэффициентини кўрсатади. Сиқилиш коэффициентига қараб, замин остидаги қатламларнинг иншоот таъсиридан сиқилиши ёки сиқилмаслиги аниқланиши мумкин.

Зичланиш коэффициентга кўра грунтлар қуйидагича характерланади.

8.3-жадвал

Зичланиш коэффициенти	Грунтнинг сиқилиш характеристикаси
-----------------------	------------------------------------

< 0, 01	Амалда сиқилмайды
0,001 – 0,005	Кам сиқиладиган
0,005 – 0, 01	Үртача сиқиладиган
0,01 – 0, 10	Күп сиқиладиган
> 0,10	Кучли сиқиладиган

### •Грунтларнинг сиқилишида ишқаланиши ва ишқаланиш кучи

Ишқаланиш кучи грунтларга ташқи нормал кучланишлар таъсир этганда грунт заррачалари ўзаро ҳаракатланишида контакт чегарасида ҳосил бўлади. Шу сабабли грунт зарралари жипслашган сари, улар сурилган сари ишқаланиш кучлари ортиб бораверади. Грунтларни, айникса, гилли грунтларни намланганда, ишқаланиш кучларини камайтиради. Ишқаланиш кучи заррачалар орасидаги боғланиш кучи ( $C$ ), ички ишқаланиш коэффициенти ( $f$ ) ва ички ишқаланишнинг қаршилик бурчаги ( $\varphi$ ) билан характерланади.

Боғланиш кучи  $C$  (Мпа) грунтга таъсир қилаётган нормал босимнинг катталигига боғлиқ бўлмайди. Боғланиш кучи грунт заррачалари орасидаги боғланиш даражаси ва характеристига боғлиқ бўлади.

Ишқаланиш кучи  $S$ , Мпа, нормал кучланишни қандайдир қийматигача у билан пропорционал равища боғланган бўлади.

$$S \propto f(P) \text{ ёки } S \propto P \operatorname{tg} \varphi \quad (8.14)$$

Бу ерда;  $S$  - ишқаланиш кучи;  $f$  - ички ишқаланиш коэффициенти;

$P$  - оғирлик кучи;

Ички ишқаланиш бурчаги эса ишқаланиш коэффициенти билан характерланади.

$$F \propto \frac{S}{P} \propto \operatorname{tg} \varphi \propto \frac{\tau - C}{P}; \quad \operatorname{tg} \varphi \propto \frac{\Delta \tau}{\Delta P}; \quad (8.15)$$

Бунда; сурувчи куч  $S \propto P \operatorname{tg} \varphi$  бўлади.

Бу тенглама Кулон қонунининг математик ифодаси бўлиб, бунда сурувчи  $S$  куч, оғирлик кучи  $P$  ва нормал  $N$  кучга тўғри пропорционалдир. +ум учун сурувчи куч билан оғирлик кучи орқали тузилган графикдаги тўғри чизик худди графикда кўрсатилгандек, координаталар бошидан ўтади.


Лёсс ва лёссиomon тоғ жинслари учун Кулон тенгламаси қуйидагича ёзилиши мумкин;

$$S \propto P \operatorname{tg} \varphi + C; \quad (8.16)$$

Бунда,  $C$  –қовушоқлик кучи, Мпа.

Гилли жинсларнинг ички ишқаланиш бурчаги  $\phi$ , ёпишқоқлик кучи  $C$  ни топиш учун, қумлар ёпишқоқлигини аниқлагандек бир - бирига ўрнатилган ва устки қисми сурилувчан цилиндр текширилаётган жинс билан тўлдирилиб, силжитувчи асбобга ўрнатилади ва унга вертикал куч  $P$ , силжитувчи куч  $S$  таъсири эттирилиб, силжишга қаршилик кучи  $\tau$  топилади. Бу тажрибани  $P_1, P_2, P_3$ , ва х.к.з  $P_n$  - вертикал кучлар таъсирида бир неча марта такрорлаш натижасида силжишга қаршилик кучлари  $\tau_1, \tau_2, \tau_3, \dots \tau_n$  ларни аниқланиб, булар билан вертикал кучлар орасидаги боғланишни ифодаловчи график тузилади (8.3-расм).

8.3 – расм. Гилли жинсларнинг силжиш-га қаршилик кучи



Графикдан маълумки, тўғри чизик координата бошидан ўтмай, бир оз юқоридан бошланиб, ордината ўқини бир қисмини кесиб ўтади. Ана шу ордината ўқидаги кесмага тўғри келувчи куч тоғ жинсининг зарралари орасидаги ёпишқоқлик кучи деб аталади ва  $C$  билан белгиланади.

Топилган нуқталарни координаталар боши билан туташишидан ҳосил бўйган  $\phi_1, \phi_2, \phi_3$  – бурчаклар сурилиши қаршилиги бурчаклари деб аталади ва бу учбурчакнинг тангенси -  $\operatorname{tg}\phi$  - сурилиш қаршилиги коэффициенти дейилади.

Баъзи мутахассислар жинсларнинг силжишига пишиклигини сурилиш қаршилиги бурчаги ва коэффициенти билан баҳолашни тавсия этадилар. Жинснинг силжишига пишиклигини аниқловчи кўрсатгичлар ўзгарувчан бўлиб, жинснинг хилига, минералогик ва гранулометрик таркибига, намлигига, ғоваклигига ва структурасига боғлиқдир. Юмшоқ, пластиклик гилларда ички ишқаланиш коэффициенти  $0,1 - 0,2$  бўлиши мумкин. Ички ишқаланиш бурчаги,  $5^0 \dots 10^0$  дан ортмайди. +аттиқ пластикли гиллар учун мос равишда  $0,4 \dots 0,5$  ва  $15^0 \dots 35^0$  га тўғри келади. Гилли тоғ жинсларининг қовушоқлик қиймати кўп ҳолларда  $0,05$  дан -  $0,15$  Мпа гача бўлади.

## **9- БОБ.**

### **9.1. Мұхандислик - геологик қидирув ишларининг вазифалари ва усуллари.**

Бино ва иншоотларни лойихалашда ҳар бир районнинг табиий хусусиятларини ҳисобға олиш лозимдир. Мұхандислик - геологик қидирув ишлари қурилиш майдонини мұхандислик - геологик нұқтаи - назардан асослаш учун олиб борилади. Фақатгина мұхандислик - геологик шароитларни пухта ҳисобға олишгина, лойихаланаётган бинонинг жойланиши, унинг ўлчамлари, пойdevor конструкциялари ва бошқа элементларини, қурилаётган иншоотга турли геодинамик жараёнларнинг салбий таъсирини, қурилиш муддати ва харажатларни ошиб кетишини баҳолаш ва исботлашга имкон беради. +урилиш участкаларida мұхандислик - қидируv ишларини олиб бориш учун даставвал лойиха тузиш лозим. Лойиха дастурида мұхандислик - геологик қидируv ишларida қўзда тутилаётган асосий мақсад геологик, геоморфологик, гидрогеологик шароитларни, табиий геологик, мұхандислик-геологик жараёнларни, тоғ жинсларини хоссаларини ўрганишдан иборат. Мұхандислик - геологик қидируv ишлари натижаси таҳлили асосида қурилиш учун мұхандислик-геологик нұқтаи - назардан майдон, (трасса, участка) танланади. Мұхандислик - геологик қидируv ишлари мажмуасига қурилиш майдонининг мұхандислик - геологик шароитига таъсир этувчи кўплаб табиий омиллар киради: физикавий – географик хусусияти, рельеф шакли, уларни ҳосил бўлиш омиллари, Ер юзасининг мутлоқ баландлиги, юзали сув ҳавзалари (кўл, сув омбори).

Геологик тузилишлар - ҳосил бўлиш шароити, таркиби, тоғ жинслари (грунтлар) ётиш шароити, уларни дарзбардошлиги, тектоника хусусиятлари, геодинамик ҳодисалар, уларни ҳосил бўлиш сабаблари, омилларни иншоот турғунлигига таъсири.

Гидрогеологик шароитлар – грунт сувларини жойлашиш чукурлиги, уларни режими, минераллашганлик даражаси.

Грунтларни физикавий - механикавий хусусиятлари.

Грунтни қурилиш материали сифатида баҳоси.

Мұхандислик - геологик қидируv ишларининг вазифаси ва умумий қўзланган мақсади турли мұхандислик иншоотлари учун умумийдир. Аммо иншоотнинг турига қараб, мұхандислик - геологик қидируv ишлари йўналиши ва кўринишлари маълум хусусий характерга эга бўлиши мумкин.

Ҳар қандай қурилиш лойихаси бир неча босқичларда олиб борилади:

Техникавий – иқтисодий доклад.

Лойихавий топширикларни тузиш.

Техникавий лойихани ишлаб чиқиш

Охирги икки босқич одатда – техникавий - ишчи лойиҳалашга мужассамланади. ТИЛ - босқичида - архив, фонд ва адабиёт материалларини табиий шароит ҳақидаги маълумот асосида қурилишни техникавий имконияти, иқтисодий ва экологик жиҳатлари кўриб чикилади. Бу босқичда маҳсус муҳандислик - геологик қидирув ишлари камдан - кам олиб борилади. Одатда маҳсус муҳандислик - геологик қидирув ишлари йирик иншоотлар қуришда ёки мураккаб табиий шароитларда олиб борилади.

Муҳандислик - геологик қидирув ишларининг лойиҳавий топшириқ қисми, ТИЛ босқичида кўзда тутилган “танловли” участкаларда бажарилади. Ишдан мақсад энг мақбул муҳандислик - геологик шароитли майдонни танлаб олишдир. Муҳандислик - геологик қидирув ишлари маълумотлари асосида, лойиҳалашнинг бу босқичида иншоотнинг асосий ёрдамчи элементларни жойлаштиришни, пойдеворнинг тури ва конструкциясини танлаб олишлари, ер ишларини ишлаб чиқариш технологиясини энг рационал усулларини танлаб олишлари мумкин. Бу босқичда дала муҳандис-геологик қидирув ишлари ўтказилиб, асосийси, муҳандис - геологик съёмкадир. Техникавий ва техникавий - иш лойиҳавий босқичда муҳандислик - геологик қидирув ишлари тугалланган танланган учаскада олиб борилиб, фақат иншоот чегараси ҳудудларида олиб борилади. Асосий эътибор грунтларнинг физикавий - механик хусусиятларини ўрганишга қаратилган бўлиб, бундан кўзланган мақсад иншоотнинг, қия жойларни турғунлигини ҳисоблашдир. Улардан ташқари, ишчи чизмаси босқичида, бу даврда бошланаётган қурилиш жараёнида келиб чиқадиган муҳандислик-геологик масалаларига аниқликлар киритилади.

## **9.2. Муҳандислик-геологик қидирув ишларининг турлари ва усуллари.**

Муҳандислик - геологик қидирув ишлари: 1. Тайёргарлик, 2. Дала, 3.Лаборатория, 4. Камерал босқичларга бўлинади.

Тайёргарлик ишлари ТИЛ босқичи даврида бажарилади. Улар вазифасига қурилиш лойиҳаланаётган районнинг табиий шароити тўғрисида материал йиғиш, бу маълумотлар асосида ТИЛ босқичи учун ахборотли ҳисбот тузиш ва лойиҳалашни кейинги босқичини асослаш учун муҳандислик - геологик қидирув ишларини дастурини тузишдан иборат. Районнинг табиий шароити тўғрисидаги маълумотнинг биринчи манбалари, чоп этилган мақола ва монографиялар, турли ишлаб чиқариш ташкилотлари ва илмий - текшириш институтларининг архивларидағи ва фондларидағи ҳисботлари ҳисобланади. Бу материалларни ўрганиш чоғида танланган майдоннинг муҳандислик - геологик хусусиятини характерловчи материаллар тўпланади (ёзув ишлар, харита, графиклар, қирқимлар).

Ушбу районда қурилган ва эксплуатация қилинаётган иншоотларни тўғрисидаги маълумотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Тўпланган материаллар асосида ТИЛ учун ҳисобот тузилади ва муҳандислик - геологик қидирув ишлари дастури ишлаб чиқилади.

### **9.3 Дала ишлари.**

Дала ишлари деб районда ёки лойиха қилинаётган қурилиш майдонида бевосита олиб борилаётган ҳамма иш турлари киради. Улар комплекс муҳандислик - геологик съёмка қидирув (разведка), геофизиковий ва стационар ишлардан иборат. Комплекс муҳандислик – геологик съёмка, геологик тузилишни, физиковий - географик ва гидрогеологик шароитларни, геодинамик жараёнларни ва жинсларнинг физиковий-механиковий хусусиятларини комплекс тадқиқот қилишни қамраб олади.

Дала материалларини, лаборатория текширишлар натижаларини умумлаштириш камерал даври жараёнида ўтказилади ва муҳандислик-геологик ҳисобот хариталари, геологик қирқимлар тузилади. Муҳандислик-геологик съёмкага шу жойнинг геологик харитаси асос килиб олинади. Муҳандислик - геологик съёмканинг масштаби майдоннинг катта-киклигига, иншоотнинг конструкцияси ва жойларнинг муҳандислик-геологик шароитига боғлиқ. Шу сабабли съёмканинг масштаби, асосан 3 хил бўлади: 1. Майда масштабли съёмка (1:500000-1:1000000), 2. Ўрта масштабли съёмка (1:200000-1:50000), 3. Йирик масштабли съёмка (1:50000-1:5000).

Муҳандислик-геологик съёмка ишларининг натижалари муҳандислик-геологик хариталарда ўз ифодасини топади. Муҳандислик - геологик тадқиқотлар охирида муҳандислик - геологик хариталари тузилади. +урилиш районларининг муҳандислик - геологик шароити қуйидагиларга боғлиқ бўлади: геологик тузилиш, геоморфологик тузилиш, гидрогеологик шароит ва физиковий - геологик жараёнлар, қурилиш материаллари, сейсмик шароит.

Муҳандислик – геологик хариталар ўз жойига қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

Умумий масштабдаги (1:500000 ва ундан майда )

Обзорий масштабдаги (1:500000 - 1:200000)

Схематик масштабдаги (1:10000 - 1:25000)

Мукаммал масштабдаги (1:2000 - 1:5000) муҳандислик - геологик хариталар. Бу масштабдаги муҳандислик - геологик хариталардан лойиҳалаш ишларида, ҳар хил мақсадларда фойдаланилади.

### **9.4 Муҳандислик - геологик қидирув ишларида қўлланиладиган геофизиковий текшириш усуллари.**

Геофизикавий текшириш усуллари ёрдамчи усуллар бўлиб, геологик қидирув ишлари билан бирга олиб борилади ва кўп ҳолларда шурф қазиш, пармалаш ишларини ҳажмини камайтиради.

Бу усуллар ёрдамида тоғ жинсининг физика – механикавий хоссаларини, химиявий таркибини, ер ости сувларини тарқалиш шароитини ва йўналишини, физикавий - геологик ва муҳандислик - геологик жараёнларни ва бошқаларни ўрганиш мумкин.

Муҳандислик геологик ишларида, асосан, геофизикавий текшириш усуллари электрометриядан ва сейсмометриядан кенг фойдаланилади.

Сейсмометрия усули сунъий ҳосил қилинган ва табиий йўл билан ҳосил бўлган тўлқинларнинг тоғ жинсларидан ўтиш тезлигига асосланган.

Кейинги пайтда бир каналли микросейсмик ускуналардан фойдаланиб, тоғ жинси қатламларининг қалинлиги, дарёning эски ўзанлари туби, грунт сувларининг ётиш чуқурлиги аниқланмокда.

Мураккаб геологик тузилишига эга бўлган шароитда сейсмометрия усуллари яхши натижা бермайди.

Электроразрядка усуллари тоғ жинси массивларида ҳосил бўлган табиий ва сунъий электрик майдонни ўрганишга асосланган.

Ҳар бир тоғ жинси ўзига хос солиштирма қаршиликка эга бўлади, бу эса тоғ жинслари қирқимини ўрганишга асосий параметр бўлиб хизмат қиласди.

Муҳандислик - геологик ишларда электрометрия текшириш усулларидан: вертикал электр зондлаш, (ВЭЗ, электрик-профилли (ЭП), табиий полимерланиш (ЕП) усулларидан кенг фойдаланилмокда.

Бу усуллар асосида ер ости сувларининг ётиш чуқурлигини, сурилмаларнинг сурилиш текислигини, ҳар хил литологик таркибга эга бўлган қатлам чегараларини аниқлаш мумкин.

Геофизикавий ишларнинг қўпчилигини ВЭЗ, ВП, ЭП ва бошқалар геодезик ишлар натижасида олдиндан тайёрланган турларда ёки йўналишларда олиб борилади.

Геофизикавий ишлар натижалари шу районда қазилган шурф ёки бурғ кудук билан таққослаб кўрилиб, улар берган маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил килинади. Бу эса муҳандислик – геологик ишларни арzonлаштиради ва катта иқтисод килишга имкон беради.

## **9.5 Саноат қурилишида муҳандислик - геологик қидириш ишлари.**

**Техникавий лойиҳа, иш чизмаси (икки босқичли лойиҳалаш).**

**Техникавий иш лойиҳаси (бир босқичли лойиҳалаш).**

Хозирда саноат қурилишида муҳандислик - геологик қидириш ишлари 2,3 босқичларда олиб борилади.

Техникавий лойиҳа босқичида муҳандислик - геологик шароитни характерлаш, қурилишга мўлжалланган иншоот контурларида бурғ кудуклари ковлаш, қурилиш участкаларида тажрибавий ва стационар ишлар олиб бориш

күзда тутилади. Ҳозирги пайтда қуриладиган иншоот контурларида олиб борилган ишлар иш чизмаси босқичида кенгайтирилар ва бу оркали керакли аникликда мұхандислик - геологик холоса олиш мүмкін әди, лекин бу ишларни ўтказиш жуда күп вақт ва маблағ талаб этади.

+урилишга мүлжалланган иншоот контури маълум бўлмаган ҳолда мұхандислик - геологик текшириш ишлари, қурилиш учун мүлжалланган участкаларнинг мұхандислик - геологик шароити ва уларни юзага келтирувчи қонуниятлар очиб берилади.

Участкаларда тарқалган тоғ жинсларининг таркиби, физикавий ва механикавий хоссалари, уларнинг ўзгариш қонуниятларини, бурғ қудуқлар ва шурфлардан олинган намуналарни ўрганиш йўли билан олиб борилади. +урилиш участкаларидан олиб бориладиган ишларнинг ҳажми геологик шароитга боғлиқ бўлади.

+урилиш участкалари геологик тузилишларининг қанчалик мураккаблигига қараб, 3 гурӯхга бўлинади; ҳар бир гурӯх учун ковланадиган бурғ қудуқлар ва улар орасидаги масофа қуидаги қабул килинади (9.1 жадвал).

Шурф – тўғри тўртбурчак шаклидаги қазиладиган қудук бўлиб, унда монолит (тоғ жинслари табиий тузилишининг бузилмаган ўлчамлари  $20 \times 20 \times 20$  см) ва намуналар (табиий структураси бузилган) шурф деворларидан олинади.

#### 9.1-жадвал

Тартиб рақами	Геологик шароитнинг мураккаблик даражаси	Бурғ қудуқлари ва шурф орасидаги энг катта масофа
1	Мураккаб	25метр ва ундан кам
2	Мураккаблиги ўртача	50 м
3	Оддий	100 м

Бурғ қудуқлар ва шурфларнинг чуқурлиги ҳар - хил шароитларга боғлиқ бўлиб, мүлжалланган пойдевор энидан 1, 2 . . . 2 марта чуқур ёки 6 . . . 8 м бўлиши керак. Агар 10-15 м чуқурликда қоя, мустаҳкам тоғ жинслари ётган бўлса, у ҳолда бурғ қудуқлар ва шурфлар шу тоғ жинсларигача етказилади. Агар умумгеологик маълумотларда қурилиш участкасида тарқалган тоғ жинсларининг мустаҳкамлиги паст деб топилса, у ҳолда бурғ қудуқлар ва шурфларнинг чуқурлиги 15 - 20 м гача етказилиши мүмкін.

+урилиш участкасидаги тоғ жинсларининг сиқилувчи қатлами қалинлиги аниқ бўлмаган, лекин пойдеворнинг тури ва 1м га тушадиган юкламаси маълум бўлса, бурғ қудуқлар ва шурфларнинг чуқурлиги 9.2 – жадвалдан олинади.

#### 9.2-жадвал

Лентасимон пойдевор		Тўртбурчак пойдевор	
Босим, т	Чуқурлик,	Оғирлик, т	Чуқурлик, м
10гача	6	50 гача	6
20≈	10	100≈	7

50≈	15	400≈	13
100≈	18	1000≈	15
500≈	20	5000≈	23

10000м ва ундан катта

Бурғ қудукларнинг ўртача чуқурлигини Америка олимидан Д.Сауерса 100 га яқин районларни анализ килиб, уларнинг чуқурлиги иншоотнинг энига ва қаватлар сонига боғлиқ деб топди ва қўйидаги 9.3 - жадвални тузди.

9.3-жадвал

Иншоотнинг кенглиги	+аватлар сонига қараб бурғ қудуклар чуқурлиги, м				
	1	2	4	8	12
30	3,3	6	9,9	15,9	24
60	3,6	6,6	12,3	20,4	32,4
120	3,6	6,9	13,5	24,3	40,8

Мустаҳкамлиги юқори бўлиши лозим иншоот ва биноларнинг асосини ўрганишда иш чизмаси лойиҳасига қўшимча ишлар киритилиши мумкин, бу ишлар пойдеворни қанча чуқурликка жойлаштириш лозимлиги, унинг ўлчамларига оид бўлиб, ўтказилган ишларнинг натижасига унча катта таъсир этмайди.

+урилиш котлованлари қазишда ҳар қандай қонуниятга буйсунмайдиган, физика – механикавий хоссалари ўзгарувчан тоф жинсларига катта эътибор бериш шарт.

Иш лойиҳасида ўтказилган муҳандислик - геологик текшириш ишлари тамомила тўла, иншоотнинг конструктив томонларини ҳисобга олган ҳолда, муҳандислик - геологик шароитни баҳолаш билан бирга, қурилиш олиб бориш услубларини, пойдевор турларини ва уларнинг тежамлилик томонларини асослаб берилиши керак.

## 9.6. Лаборатория ва камерал ишлар

Лаборатория ишлари муҳандислик - геологик қидиув тадқиқотлар даврида олинган сув, яхлит жинсларни тажриба йўли билан аниқлашдан иборат. Бундай ишлар маҳсус муҳандислик – геологик лаборатория, марказий лабораторияларда, баъзан далаларда олиб борилади.

Лабораторияда – грунтларнинг гранулометрик таркиби, физик хоссаларидан: ҳажмий массаси, зичлик, табиий намлиги, гилли грунтларга хос бўлган хусусиятлардан: ивиши, бўкиши, пластиклиги, ички ишқаланиш бурчаги, ёнувчанлиги, силжишга қаршилиги, сиқилувчанлиги ва ер ости сувларининг химиявий текширишлари киради.

Тажрибавий ишлар грунтларни таркиби ва физик – механик хусусиятлари буйича классификациясини аниқлаштиради, турли ҳисоб ишларида керак бўлади.

Камерал ишлар далада ва лабораторияда аниқланган натижаларни жамлаб уларни таҳлил қилишдан иборатдир. Жумладан: муҳандис - геологик хариталар, қирқимлар, колонкалар, жадвалларни тузиш.

Грунтларнинг физикавий – механикавий хусусиятларининг сонли кўрсатгичларини, режим кузатишларини, жинсларнинг дарзбардошлигини ва бошқа кўрсатгичларни математик ишлаш шу жумладан ЭҲМ ларда ҳисоблаш.

Турли ҳисобий ишлар – масалан грунтларнинг ҳисобий механикавий кўрсатгичларни ҳисоблаш.

Муҳандислик-геологик тадқиқотлар тугатилгандан сўнг геологик ҳисбот тузилади.

## 9.7. Геологик хариталар.

Геологик хариталар геологик тузилишларни горизонтал текислигига проекциясидир. Геологик хариталарга қараб, у ёки бу жинсларни тарқалиш майдонларини, уларни ётиш шароитларини, қатlam дислокацияларини ва бошқа геологик жараёнларни аниқласа бўлади.

Ҳамма геологик хариталар иккига: туб жинслар ва тўртламчи қатламлар хариталарига, тўртламчи қатлам тагида ётадиганлар яъни тўртламчи қатламгача ҳосил бўлган қатламлар хариталарига бўлинади. Геолого-литологик харитагагина - тўртламчи давр харитасигагина устида тўхталиб ўтамиз.

Тўртламчи ётқизиқлар ер юзасини бутунлай қоплаб олиб, туб жинсларни инсон кўзидан яширади. Тўртламчи ётқизиқлар харитасида турли йўллар билан ҳосил бўлган жинсларнинг режада жойлашуви ва литологик таркиби кўрсатилади. Муҳандислик –геологик хариталар жинслар ҳақида маълумотларни акс эттириши лозим. Лекин бир майдон ёки худуднинг жинслари турли масштабли хариталарда турлича кўрсатилиши мумкин. Майда масштабли хариталарда фақатгина система, бўлим, бўлим ости ёки яруслар – катта ўлчамли йирик стратиграфик бўлинмани кўрсатиш мумкин.

Геолого - литологик хариталар олиб борилган геологик текширишларнинг энг муҳим хужжатларидан биридир. Геолого - литологик харита оддий топографик харита бўлиб, унда турли геолого – литологик жинсларнинг тарқалиши, уларнинг уюлиш шароитлари ва геологик расмга туширишда олинган бошқа баъзи маълумотлар кўрсатилган бўлади. Геолого - литологик харита геологик элементларнинг ер юзасида қандай тарқалгани текисликда шартли белгилар (буёқ ёки штрих литологияси) билан акс эттирилади. Геолого - литологик харитани ўқий билиш геологик таълимнинг муҳим элементидир. Ҳар бир геологик харитада қабул қилингани каби геолого - литологик харитада ҳам барча шартли белгиларнинг руйхати ва уларнинг изоҳи ўша харитада кўрсатилади.

Шартли белгилар жадвали хаританинг бирор бўш бурчагига жойлаштирилади. Геолого – литологик хариталар ҳар хил масштабда


тузилади, яни қўйилган мақсадни ҳал қилишга асосланиб масштаб танланади.

## 9.8. Геологик қирқимлар

Агар геологик хариталар ер сиртида турли тоғ жинсларининг тарқалишини кўрсатар экан, қирқим ер пустининг маълум чизик буйича вертикал геологик тузилиши ҳақида тасаввур беради. Улар жойларнинг маълум чуқурликдаги геологик тузилишини ўрганишга имконият туғдиради.

Геологик қирқимлар чизиш учун энг аввало унинг топографик асосини тиклаш керак. Рельефнинг горизонталлар билан ифодаланган харитаси орқали топографик профиль тузамиз. +ирқимда қатламларнинг нисбий қалинлиги ва қиялигини аниқроқ кўрсатиш мақсадида вертикал масштаб горизонтал масштабдан 10 марта катта қилиб олинади.

+ирқимнинг топографик асосига геологик маълумотларни туширамиз. Бунинг учун қирқим чизиги бўйича кўринган қатламнинг энини харитадан ўлчаб, қирқимнинг нолинчи чизигига ёки унинг остидаги тор йўлга туширамиз. Бундан ташқари, қирқимга бор гидрогеологик, муҳандислик - геологик маълумотларни, қазилган бурғ қудуклар ва улардан олинган



9.1 – расм. Чирчиш водийсининг щудудларида геологик – геоморфологик

натижалар туширилади (9.1-расм).

Бундай қирқимлар муҳандислик –геологик деб аталади.

+ирқимлар қурилиш районларини муҳандислик – геологик баҳолашда, замин жинсларини танлашда ва грунт сувларини режимини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Муҳандислик – геологик хариталар ўрганилаётган территория тўғрисида маҳсус маълумот олишга имкон беради. Муҳандислик – геологик харита тузишда топографик, ҳамма турдаги геологик хариталардан, муҳандислик – геологик қидириш ишларининг натижалари ва жинсларнинг хоссаларидан фойдаланилади. Муҳандислик - геологик хариталар 3 турга: 1). Муҳандислик – геологик шароитлар; 2) муҳандислик - геологик

районлаштириш; 3) маҳсус мақсадларга мўлжалланган муҳандислик геологик хариталарга бўлинади. Муҳандислик – геологик шароити харитасида ҳамма тур ер усти қурилишлар тўғрисидаги ахборотлар бўлади.

**Муҳандислик – геологик районлаштириш.** Муҳандислик – геологик районлаштириш шароитларга қараб, территорияларни қисмларга (регионал областлар, районлар ва бошқаларга) ажратиш мумкин. Маҳсус хариталар қурилишнинг конкрет турларига ёки иншоотларига нисбатан тузилади. Улар қурилиш территориясининг муҳандислик-геологик шароитини баҳолаш ва муҳандислик - геологик ҳодисаларни олдиндан айтиш учун зарур.

Муҳандислик – геологик хариталар масштаби улардан кўзда тутилган мақсадга боғлиқдир.

1) умумий (ёки схематик) муҳандислик - геологик харита катта жойлар учун тузилиб, масштаби 1:500000 ва ундан майда бўлади. Бундай жойларнинг муҳандислик - геологик шароити умуман берилади. Бундай хариталар республика ерларини планлаштиришда тузилади;

2) ўртача муҳандислик - геологик харита масштаби 1:200000 дан то 1:100000 гача алоҳида гидротехникавий иншоотлар, саноат корхоналари, аҳоли пунктлари қурилишини лойиҳалашда боғлашга асосланган;

3) йирик (1:10000 ва ундан катта) масштабли хариталардан шаҳар территориясидаги қурилишда, конкрет саноат обьектлари қурилишини лойиҳалашда фойдаланилади.

## 9.9 Муҳандислик геологик ҳисобот

Муҳандислик – геологик ҳисобот муҳандислик - геологик қидиув ишлари ҳисботидир. Ҳисбот мазмuni ва ҳажми лойиҳалаш босқичига боғлиқ бўлади. Ҳисбот тўртта қисмдан; умумий, маҳсус, графика қисмидан ва муҳандислик - геологик қисқача ёзма баёнотидан иборат бўлади. Ҳисбот мазмуни ва ҳажми лойиҳалаш босқичига боғлиқ бўлади.

Ҳисботнинг умумий қисмida тадқиқотларнинг мақсадлари, вазифалари, таркиби, бажарилган ишларнинг ҳажми ва характеристикаси, иштирок этган шахслар, текширув райони жойлашган ер ва бажарилган иш вақти кўрсатилади. Ҳисботнинг биринчи бобида қурилиш майдонининг физикавий географик шароитларини тушунтирув ёзувлари бериб ўтилади. Иккинчи бобида уни геологик ва муҳандислик – геологик нуқтаи назардан ўрганилганлиги, геологик тузилишининг характеристикаси, тектоникаси, гидрогеологик шароити, физикавий - геологик жараёнлар содир бўлишлиги ёритилган бўлишлиги лозим.

Ҳисботнинг маҳсус қисмida қурилиш майдонининг конкрет участкасининг муҳандислик - геологик характеристикаси, бу участкадаги грунтларнинг физикавий - механик хусусиятлари, мазкур қурилишга тадбиқ қилинадиган мустаҳкамлик хусусиятлари, геодинамик жараёнларни бинонинг

курилиши ва эксплуатациясига таъсири, бу жараёнларни олдини олишга қаратилган тадбирларни тавсияномаси кўрсатилади.

Ҳисоботнинг мустақил қисми чизма ва баъзан жадвал материалларидан ташкил топади. Ҳисоботнинг чизма қисми турли хариталар, геологик – гидрогеологик қирқимлар, колонкалар ва бошқалардан иборатdir. Матнли қисмда ўтказилган дала ва лаборатория материалларининг турли жадвал кўриниши, ер ости сувлари ва геодинамик жараёнларнинг кузатувларини, грунтнинг мустаҳкамлик хоссалари ҳисоботлари жадваллари келтирилади.

Ҳисбот хулоса билан тугайди ва фойдаланилган адабиёт ва материаллар кўрсатилади.

## Адабиётлар.

- 1.И.Эргашев. «Инженерлик геологияси ва гидрогеология», Т., «Ўқитувчи», нашриёти, 1990.
- 2.И. Эргашев. «Инженерлик геологияси асосларидан амалий машғулотлар», Т., «Ўқитувчи » нашриёти, 1992.
- 3.М.З.Назаров. «Инженерлик геологияси», Т., « Ўқитувчи » нашриёти, 1985.
- 4.В.Юнусов. «Инженерная геология», Т., «Ўқитувчи», 1994.
- 5.Ананьев В.И., Коробкин В.И. «Инженерная геология», Из – во «Вўсшая школа», М., 1973.
- 6.С.Зохидов. «Инженерлик геологияси», Т., «Ўқитувчи», 1988.
- 7.Исломов О.И., Шораҳмедов Ш.Ш Умумий геология. «Ўқитувчи» нашриёти, Т.,1971.
- 8.Ланге О.К. Гидрогеология. Из – во « Вўсшая школа», М., 1969.
- 9.Мавлонов Ў.А., Крўлов М., Зохидов С. Гидрогеология ва инженерлик геологияси асослари, « Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1976.

10. Справочник по инженерной геологии, Недра, 1984.
11. Белуй Л.Д. «Инженерная геология», М., 1985.
12. «Геологиядан русча – ўзбекча луғат», Т., «Ўқитувчи», 1995.
13. »Ўзбекистоннинг чўкувчан лёссли грунтларидағи меъморчилик ва курилиш муаммолари» (К.П. Пулатов бош муҳаррирлигига), Т., ТА+И, 1996.
14. Бетехтин А.В. Минералогия курси. «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1969.
15. Справочник гидрогеолога, М., Недра, 1981.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
Кириш .....	4
<b>1 - Боб. Ер ҳақида умумий маълумотлар.....</b>	<b>6</b>
1.1. Ернинг келиб чиқиши, ер шарининг шакли .....	6
1.2. Ер шарининг тузилиши, таркиби .....	7
1.3. Ернинг иссиқлик режими .....	9
<b>2 - Боб. Минераллар .....</b>	<b>11</b>
2.1. Минераллар ҳақида умумий тушунча. ....	11
2.2. Минералларнинг кристалл тузилиши. ....	11
2.3. Минералларнинг физикавий хоссалари. ....	13
2.4. Тоғ жинсларини ҳосил қилувчи асосий минераллар. ....	14
<b>3 - Боб. Тоғ жинслари. ....</b>	<b>16</b>
3.1. Тоғ жинслари ҳақида умумий маълумот .....	16
3.2. Магматик тоғ жинслари ва уларнинг қурилиш хоссалари .....	17
3.3. Чўкинди тоғ жинслари ва уларнинг қурилиш хоссалари.....	21
3.3.1. Чўкинди тоғ жинслари классификацияси. ....	21
3.3.2. Чўкинди тоғ жинсларининг химиявий ва минералогик таркиби .....	24
3.4. Метаморфик тоғ жинслари ва уларнинг қурилиш хоссалари ...	27
<b>4 - Боб. Геологик эра ва даврлар. ....</b>	<b>30</b>
4.1.Тоғ жинсларининг ёшини аниқлаш .....	30
<b>5 - Боб. Ернинг ички қучига боғлиқ бўлган геологик ҳодисалар .....</b>	<b>34</b>
5.1.Тектоника. Ернинг тузилишида тектоник ҳодисалар ўрни. ....	34
5.2.Тектоник ҳаракатларнинг турлари ва ер қатламларининг ётиш шакллари .....	35
5.3. Сейсмик ҳодисалар ва зилзилалар.....	37
5.4. Сейсмик районларда қурилиш ишлари .....	41
<b>6 – боб. Ернинг сиртки қучига боғлиқ бўлган геологик ҳодисалар</b>	
6.1. Сурилишлар. ....	45
6.2. Нураш жараёни. ....	52
6.3. Шамолнинг геологик иши. Эол ётқизиклар.....	55
6.4. Карстланиш ҳодисаси. ....	56
6.5. Селнинг геологик иши ва пролювиал тоғ жинслари.....	57
6.6. Эрозия.....	59
6.7. Пливун.....	61
6.8.Суффозия .....	62
6.9. Чўкиш ҳодисаси.....	63
<b>7 – Боб. Ер ости сувлари.....</b>	<b>67</b>
7.1 Ер ости сувларининг пайдо бўлиши.....	67
7.2.Ер ости сувларининг физикавий –химиявий хоссалари .....	67
7.3. Ер ости сувларининг ётиш шароити бўйича турлари .....	69

7.4. +атламлараро ер ости сувлари.....	72
7.5. Ер ости сувларининг ҳаракатланиш қонунияти.....	75
7.6. Ер ости сувларининг оқим сарфи.....	77
7.7. Депрессион воронка ва таъсир радиуси тўғрисида тушунча.....	78
7.8. +удук ва зовурларга грунт сувларининг оқиб келиши.....	79
<b>8 – Боб. Грунтларнинг муҳандис – геологик классификацияси ва физика механикавий хоссалари.....</b>	<b>82</b>
8.1. Муҳандис – геологик классификацияси.....	82
8.2. Грунтларнинг умумий таркиби ва физик хоссалари.....	82
8.3. Грунтларнинг механикавий хоссалари.....	87
<b>9 - БОБ. Муҳандислик - геологик қидирув ишлари.....</b>	<b>92</b>
9.1. Муҳандислик-геологик қидирув ишларининг вазифалари ва усувлари.....	92
9.2. Муҳандислик-геологик қидирув ишларининг турлари ва усувлари.	
9.3. Даля ишлари.....	94
9.4. Муҳандислик-геологик қидирув ишларида қўлланиладиган геофизикавий текшириш усувлари.....	94
9.5. Саноат қурилишида муҳандислик-геологик қидириш ишлари...	95
9.6. Лаборатория ва камерал ишлар.....	97
9.7. Геологик хариталар.....	98
9.8. Геологик қирқимлар.....	98
9.9. Муҳандислик геологик ҳисбот .....	100
<b>Адабиёт.....</b>	<b>101</b>

